

ЎЎЗБЕКИСТОН ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№8. 2021

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!



ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БМТНИНГ РИМДА ЎТКАЗИЛГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ТИЗИМЛАРИ БЎЙИЧА САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ



H.E. JAMSHID KHOJAYEV - MINISTER OF AGRICULTURE, UZBEKISTAN

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев бошчилигидаги делегация ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ФАО, ҚХРХЖ, БОДдаги доимий вакили Отабек Акбаров Италиянинг Рим шаҳрида БМТ Озиқ-овқат тизимлари бўйича ўтказилган саммитида (пре-саммит) иштирок этди.

БМТнинг сентябрь ойида ўтказиладиган Озиқ-овқат тизимлари бўйича саммитидан олдинги ушбу тадбир БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш раҳбарлигида Италия бош вазири Марио Драги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мазкур тадбир бутун дунё бўйлаб турли иштирокчиларни бирлаштириш ва Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеяси доирасида бўлиб ўтадиган сентябрь саммити учун замин ҳозирлашга қаратилган.

Пленар йиғилишнинг очилишида ФАО бош директори Цуй Дунъюй, БМТ Бош котибининг ўринбосари Амина Мохаммад, Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Луижи ди Майо, БМТнинг Глобал озиқ-овқат саммити бўйича махсус вакили Агнес Калибата, ҚХРХЖ президенти Жилбер Унгбо, БОД ижроси директори Девид Бизли, шунингдек, БМТ иштирокчи-мамлакатлари делегациялари раҳбарлари ҳам иштирок этишди.

Пре-саммит доирасида иштирокчиларга барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришиш учун озиқ-овқат тизимларининг салоҳияти юзасидан фикр алмашиш имконияти берилди. Асосий вазифа — саммитнинг барча кўргазмали фаолиятини ягона изга солиш, ҳаракатлар учун мажбуриятлар ташаббусини илгари суриш ва Саммит арафасида аниқ мақсадларни қўйиш. Тадбирда дунёнинг турли бурчакларидан янги асосли база ва илмий ёндашувлар тақдим этилди, ҳаракатлар коалицияси мустаҳкамланди ва молиялаштиришнинг янги манбалари ҳамда ҳамкорлик алоқалари сафарбар қилинди.

Ташриф доирасида Қишлоқ хўжалиги вазири Италиянинг бир неча шаҳарларида қатор учрашувлар ва сайёр музокаралар олиб борди.

Шунингдек, Жамшид Ходжаев Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (ҚХРХЖ) президенти Жильбер Унгбо билан ҳам учрашув ўтказди ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун миллий озиқ-овқат тизимларини қайта ташкиллаштириш масалалари бўйича давра суҳбатида вазирлар сўзга чиқди.

Саммит арафасидаги тадбирлар биринчи навбатда вазирлар даражасида ўтказилди. Шу боис ҳам шахсан ва виртуал иштирок этиш учун барча аъзо мамлакатлар соҳа вазирликларининг раҳбарлари таклиф этилди.

Давра суҳбатида вазирлар 2030 йилгача мақсадларга эришишга йўналтирилган озиқ-овқат тизимларини трансформациялаш бўйича миллий стратегияларни шакллантириш ҳамда бу борада бошқа иштирокчилардан қандай ҳаракатларни кутаётганликлари тўғрисидаги маълумотлар билан ўртоқлашишди.

Жамшид Ходжаев Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган жадал ислохотлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида сўзлади. У мазкур жараёнда эътибор замонавий билим ва технологияларни жорий этишга йўналтирилганлигини таъкидлаб ўтди, бу эса, ўз навбатида, аграр соҳа ва озиқ-овқат тизимларини модернизация қилишга туртки беради.

«Ўзбекистонда биз янги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар AKIS тизимини мустаҳкамлашга интиломқдамиз, бундай тизимни ҳар бир худудда жорий этаяпмиз», - деди Жамшид Ходжаев ўз маърузасида. - Бундан ташқари, Президентимизнинг шахсий эътибори ҳимояга муҳтож гуруҳлар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга бағишланган учта миллий дастур билан боғлиқ.



Шу тариқа дастур доирасида давлатга тегишли бўлган 122 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ушбу учта гуруҳ ўртасида тақсимланди. Шунингдек, биз бу инсонларни йирик қишлоқ хўжалиги компаниялари билан бирлаштирдик, ишлаш учун зарур бўлган билимларни олишга ёрдам бердик».

Ж.Ходжаев БМТ, ФАО ва барча иштирокчиларга миннатдорчилик билдириб, бундай бирлаштирувчи ташаббуслар кўплаб муаммоларни ечишнинг тўғри йўли эканлигини қайд этиб, янада фаол ва очиқ ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ёрдам беришига ишонч билдириди.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.**

ЎЗБЕКИСТОН — ЯҒОНА ВАТАН

Мамлакатимизда дўстлик юксак қадрият даражасига қўтарилган бўлиб, юртимизда қадимдан турли миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда, иноқликда яшаб келади. Биргина мисол, Иккинчи жаҳон уруши даврида бошпанасиз қолган минглаб турли миллат вакиллари ўз бағрига олган Ўзбекистон халқи ўзининг бағрикенглиги ва меҳмондўстлигини яна бир бор яққол намойён этди. 300 мингдан ортиқ етим болаларни ўзбек oilалари ўз фарзандларидек қабул қилди, топганини бирга баҳам кўрди. Бунга Шоаҳмад Шоаҳмудов oilаси шарафига яратилган монумент ўзбек миллати бағрикенглигининг тимсоли сифатида пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги майдонида қад кўтариб турибди. Қолаверса, ўз юртидан мажбуран кўчирилган, бадарға қилинган неча элат ва миллат вакиллари халқимиз бағрини очишдан, меҳр кўрсатишдан кўрқмади, энг оғир дамда уларга ёрдам қўлини чўзиб, бир бурда нонини баҳам кўрди. Корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, қрим-татарлар бу бағрикенг заминда ўзининг иккинчи ватанини топди. Тарихдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Истиқлол йилларида халқлар дўстлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилдики, бундан юртимизда яшаб келаётган кўп миллатли халқимиз бирдамлиги янада мустаҳкамланмоқда.

Бу борада Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда жорий қилинган Халқлар дўстлиги кунини жонажон Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ниҳоятда кўтаринки руҳда, юксак савияда нишонладилар. Байрам муносабати билан президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон халқига ўз табригини йўллади. Унда қуйидаги фикрлар баён этилган.

Бугун биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадни қўйдик. Ҳеч шубҳасиз, бу борада жамиятимизда қарор топган дўстлик ва бирдамлик муҳити мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ислохот ва янгиланишлар йўлидан изчил илгарилаб бориш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам асосидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил oilа бўлиб яшаётгани барчамизни қувонтиради. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг раванқи ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Юртимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар ўз фаолиятини эркин амалга оширмоқда. Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 150 та миллий маданий марказ катта роль ўйнамоқда. Уларнинг кўп қиррали фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Давлат таълим муассасаларида ўқув ишлари 7 тилда олиб боришмоқда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатув ва эшиттиришларини 12 тилда бериб бормоқда.

Бугунги мураккаб замонда дунёнинг турли минтақаларида миллатлар ва конфессиялар ўртасида кескинлик кучайиб бормоқда. Бундай таҳликали шароитда биз биринчи навбатда жамиятимиздаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, фарзандларимизни кўпмиллатли халқимизнинг юксак маънавий-ахлоқий қадриятлари руҳида тарбиялашимиз зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда яшаб келаётган барча миллат ва элатлар раванқи учун тенг имкониятлар яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш истиқлол йилларида давлатимиз миллий сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган, республикаимизда миллатлараро дўстлик ҳамда бирдамликни мустаҳкамлаш, барча миллатларнинг ривожланиши, ўз қадриятларини сақлаб қолиши учун тенг шароитлар яратиш бериш, миллий-маданий марказлар фаолиятини кучайтириш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш борасидаги хайрли ишлар бутунлай янги босқичга кўтарилди.

150 та миллий-маданий марказлар давлат миқёсидаги умумхалқ байрамлари, тадбирларида фаол иштирок этиб келади. Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Ватан битта, Ватан ягона”, “Бизнинг кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда” каби фестиваллар миллатлараро дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Бу йил мамлакатимизда илк бор ўтказилган Халқлар дўстлиги куни диёримизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларини янада мустаҳкамланишига замин яратади.

30 июль — Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ҳамда ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, хорижий мамлакатлар билан икки томонлама манфаатли муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни янги босқичга кўтариш, давлатимизнинг тинчликсевар ва халқпарвар сиёсатини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш борасидаги катта хизматлари, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди.

Мукофотланганларни самимий муборакбод этар эканмиз, улар орасида аграр соҳанинг турли тармоқларида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Айтжанов Узакбай Ечанович - Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Пашаева Гулниса Фирузовна - Мирзачўл туманидаги «Расим Ирода» биологаторияси мудири, Жиззах вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Маматризаев Нематилло Асатович - «Бухоро қоракўли» уюшмаси раиси, Бухоро вилояти

Фазилов Карим Шаманович - Сирдарё туманидаги «Бирдамлик» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

«Шухрат» медали билан

Исмоилов Бахтиёр Абдусаттарович - Пахтаобод туманидаги «Сарвиноз парвоз» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

СУВ — ҲАЁТ, ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ НЕЪМАТ

Марказий Осиё минтақасида – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган туб ўзгаришлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий ютуғидир.

Ш.М.МИРЗИЁЕВ.



Марказий Осиё халқларининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминловчи энг муҳим неъматлардан бири бу – шубҳасиз, сув ресурсларидир. Қадимдан аجدодларимиз оби ҳаётнинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан, унумли фойдаланиб, сув бўйларида ҳамжиҳатликда ва фаровон ҳаёт кечирганлар. Дарё ва сойларнинг ўзанларини бошқариб, ариқлар қазиб, сув чиқарганлар, турли экинларни етиштириб, манзилларни обод этганлар. Бизнинг заминда деҳқончилик, экинларни суғориш илми, ер ости ва ер усти ирригация иншоотларини барпо этиш тажрибаси минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топиб келган.

Инсоният тараққиётининг энг юқори чўққиларига кўтарилган ҳозирги даврда сувнинг қадри ва қиймати, оби ҳаётга эҳтиёж йил сайин ортмоқда. Буни мутахассислар иқлим ўзгариши, асрий музликларнинг камайиши, sanoatнинг ўсиши, аҳоли сонининг кўпайиши натижасида озиқ-овқатга бўлган талабнинг ортиши каби омиллар билан изоҳлайди.

Биргина иқлим ўзгариши таъсирини рақамлар таҳлилида кўриб чиқайлик. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, сўнгги 40 йилда Тожикистонда мавжуд бўлган 8 мингдан ортиқ музликлар майдонининг 30 фоизи, Қирғизистондаги 10 мингга яқин музликлар майдонининг 16 фоизи эриб кетган. Асрий музликларнинг қисқариш тенденцияси давом этаяпти. Шу билан бирга, охириги 20-30 йилда минтақада ёғингарчилик миқдори ҳам сезиларли даражада камайди. Бу эса сув ресурслари ҳажмига ўз таъсирини кўрсатаяпти.

1980 йилларда Ўзбекистоннинг бир йиллик сув истеъмоли 64 млрд. м³ деб ҳисоб-китоб қилинган. Шундан 20 фоизи республика ичкарисидаги дарё ва сойларга, ерости сув захираларига, 80 фоизи эса қўшни республикалар ҳудудида шаклланидиган трансчегаравий дарёлардан олинган сув миқдорларига тўғри келган. Қўшни республикалар билан келишилган Амударё ва Сирдарё ҳавзаларининг сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси йилига 64 млрд. м³ сувдан фойдаланишга ҳақли. Худди шу тартибда минтақадаги бошқа республикаларнинг ҳам трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш миқдорлари белгилаб олинган.

Мамлакатимизга кириб келаётган, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ишлатилаётган барча сув ресурсларининг аниқ ҳисоб-китоби юритилади. Сув

ресурслари олинадиган лимитларга нисбатан амалда кам эканлигини рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. Мисол учун, охириги беш йил давомида Ўзбекистоннинг фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 51-53 млрд. м³ ни ташкил қилган. Ўтган 2020 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқларида 49 млрд. м³ сув ишлатилган. Содда қилиб айтганда, аслида сув ресурслари кам бўлганлигини учун бугун Ўзбекистон фойдаланаётган сув миқдори ҳатто 1980 йилларда ҳисобланган республика бўйича сувга эҳтиёжнинг 75-80 фоизига ҳам етмайди. Холбуки, бу даврда аҳоли сони қарийб икки бараварга ўсди, sanoat ривожланди, одамларнинг турмуш тарзи ўзгарди, фаровонлиги, эҳтиёжлари ортди. Худди шундай ҳолат қўшни давлатларда ҳам кузатилганини инобатга олсак, ҳозирги шароитда Марказий Осиёнинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда нақадар долзарб аҳамият касб этишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Очиғини айтиши керак, яқин тарихимизда, яъни 2017 йилгача бўлган даврда минтақада сув ресурсларидан баҳамжиҳатлик билан фойдаланиш борасида муаммолар тўпланиб қолган эди.

Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, саъй-ҳаракатлари натижасида охириги беш йилда қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро дўстона ва ишончли алоқалар Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишга мустаҳкам замин яратди. Қўшни давлатларга амалга оширилган ташириқлар чоғида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда оқилона фойдаланиш масаласи энг юқори даражада муҳофаза қилинди. Кўп йиллардан буён ечилмай келаётган масалалар ҳал қилиниб, ўз ечимини топаяпти.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан сув масалалари бўйича алоқаларни кўп қиррали даражада - Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси ва Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси доирасида, икки томонлама эса - сувдан фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар доирасида изчил ривожлантирмоқда. Охириги йилларда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик ва эришилаётган келишувлар самарасида Сирдарё ва Амударё ҳавзасида сув таъминоти даражасини яхшилаш бўйича натижаларга эришиляпти.

Яқинда пойтахтимиз яна бир нуфузли халқаро анжуман – “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияга мезбонлик қилди. Президентимиз ушбу конференцияда сўзлаган нутқида Марказий ва Жанубий Осиёнинг барча мамлакатларида жадал саноат ва демографик ўсиш жараёни глобал иқлим ўзгаришлари шароитида юз бераётганини, бундай вазиятда сув ресурслари тақчиллиги, атроф-муҳит ва атмосферанинг ифлосланиши, тупроқ қатламининг емирилиши ва чўлланиш барчамизга дахлдор муаммолар ҳисобланишини таъкидлаб ўтдилар.

Айни шу жараёнда Ўзбекистон сув тақчиллигини камайтириш учун сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва сувни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида Марказий Осиё давлатлари орасида ташаббускор бўлмоқда.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 750 та сув ҳўжалиги объектига “Ақлли сув” қурилмаси, 95 та насос станциясига сув ва электр энергияси истеъмолини онлайн назорат қилиш қурилмаси, 322 та мелиоратив кузатув қудўига ернинг шўрлиниши, минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилди ҳамда 7 та сув ҳўжалиги объекти автоматлаштирилди.

Бунинг натижасида, сув ҳўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш, вилоят ва туман чегарасида етказиб берилаётган сув ресурсларини онлайн кузатиб бориш ҳамда сувнинг ҳисоб-китобини аниқ юритишга эришилди. Сувни бошқариш жараёнларида инсон омилини камайтириш, сувни техник йўқотишларнинг олдини олиш, сувдан белгиланган лимит асосида шаффоф ва адолатли фойдаланиш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2020 йил 21 декабрдаги “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ жорий йилда жами 230 минг гектар майдонда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш, 200 минг гектар майдонни лазерли текислаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Жорий йил бошидан буён 172 минг 555 гектар майдонда, жумладан, 142 минг 500 гектар пахта хомашёси етиштирилаётган майдонда – томчилатиб суғориш, 8 минг 782 гектар ғалла ва бошқа экин майдонларида – ёмғирлатиб суғориш, 4 минг 100 гектар пахта ва бошқа экин майдонларида – дискрет усулда суғориш технологиялари ишга туширилди, 50 минг 200 гектар майдонда – кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида, 4 минг 710 гектар майдонда – эгатга плёнка тўшаб суғориш йўлга қўйилди.

Аслида сув тежовчи технологиялар жорий этилаётган майдонларни кенгайтириш Президентимиз ташаббуси билан олдинги йилларда бошланган ишларнинг мантиқий давомидир. Ўтган 2020 йилда 133 минг гектар майдонда ана шундай технологиялар қўлланилиб, қанчалик фойдали ва самарадорлигини мутахассислар ҳам, фермерлар ҳам ўз тажрибалари мисолида эътироф этишган. Айнан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилгани, субсидия ва имтиёзлар берилгани қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва фермерларни сув тежовчи технологияларни жорий этишга рағбатлантирмоқда.

Муқаддас динимиз Исломда исроф қаттиқ қораланган. Қуръони каримда “Енглар, ичинглар, аммо исроф қил-

манглар. Зеро, У исроф қилгувчиларни севмас” дейилган. Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялар жорий этилаётгани энг улугъ неъмат – сув исроф бўлишининг олдини олишга қаратилган хайрли ва савобли амаллардан ҳисобланади. Айни пайтда тежамкорлик иқсодий самара берапти. Эгат усулида ғўза майдонларини бир марта суғоришга 1100-1500 м³ сув сарфланаётган бўлса, томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган майдонларни суғориш учун гектарига 250-300 м³ сув кифоя қилмоқда.

Жорий йилда республика бўйича жами 126 та лазер ускунали ер текислаш техникалари харид қилинди ва уларнинг сони 533 тага етди. Ушбу техникалар ёрдамида 2021 йил ҳосили учун жами 113 минг 497 гектар, жумладан шולי экиладиган 6 минг 584 гектар майдонлар лазер ускунали ер текислагичлар билан текисланди. Ушбу тадбирлар жойларда давом эттирилмоқда. Лазер ускунали ер текислагичлар билан ишлов берилган майдонларда сув сарфи 20-30% атрофида тежалмоқда.

Сир эмас, сувни тежайдиган суғориш технологияларининг ускуналари ва бутловчи қисмлари асосан чет давлатлардан келтирилаётган эди. Шу боис, импортни қисқартириш, ички талабни қондириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини ошириш ҳам эътибор марказида турибди. 2021 йил 1 июль ҳолатига сувни тежайдиган суғориш технологияларининг ускуналари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар сони 38 тага етди. Йил якунига қадар яна ўнтадан кўпроқ янги корхоналарни ишга тушириш режалаштирилган. Бошқача айтганда, 2021 йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинадиган 230 минг гектар майдоннинг 50 фоизини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулот билан таъминлаш имконияти яратилиб, маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етказилади. Натижада маҳсулотни бошқа давлатдан ташиш харажатларини тежаш ҳисобига таннархи 15–20 фоизгача пасайтириш ёки гектарига 5 млн. сўмга арзонлаштириш имкони туғилади.

Вазирлик экинлар жойлашуви, тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳудудлар кесимида суғориш учун сувни адолатли ва шаффоф тарзда таъминлаш, энг охирги қулоқларга ҳам етказиб бориш учун қатъий чораларни кўрмоқда. Хусусан, биринчи ярим йилликда республика бўйича суғориш ишларига жами 17 млрд. 837 млн. м³ сув етказиб берилди. Сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобида 5,0 млрд. м³ сув тежалишига эришилди.

Мухтасар айтганда, вазирлик ва унинг тизимида меҳнат қилаётган кўп минг сонли сувчилар жамоаси сувдан оқилона фойдаланиш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва минтақада сув танқислигини камайтиришдек эзгу мақсад йўлида бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик ва фидойилик билан зиммаларидаги шарафли ва савобли вазифаларини адо этмоқдалар.

Яқин истиқболда Ўзбекистоннинг сувдан самарали фойдаланиш бўйича ташаббуслари минтақада кенг қулоч ёйиб, ўзининг меваларини бера бошлаши шубҳасиз.

Шавкат ХАМПАЕВ,
*Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазир,
қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди.*

АВГУСТ - ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ

Июль ойидаги аномал иссиқ ҳарорат, сув танқислиги, ўргимчаккана ва кўсак қуртининг кескин кўпайиб кетиши пахтакор фермерларни жиддий синовдан ўтказди. Бу эса ғўза парваришида август ойида бажариладиган тадбирларнинг аҳамиятини янада оширди. Негаки, чигит экиш ишлари мақбул муддатларда ўтказилгани, май ойининг нисбатан салқин келиши, июнь ва июль ойлари иссиқ жазирама билан илиқ об-ҳаво алмашилиб туриши натижасида республикамиз далаларида ғўзада мўл ҳосил тўпланишига шароит яратилди. Натижада июль ойи бошларидан далаларда ҳар туп ғўзада 1-3 донагача кўсак, 15-20 донагача гул ва шона каби ҳосил элементлари шаклланди. Лекин бундай об-ҳаво шира, трипс, ўргимчаккана ва кўсак қурти каби хавфли зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайиб кетишига ҳам олиб келди. Айниқса, сув етишмаслиги ғўза далаларидаги ҳосилга салбий таъсири кузатила бошлади. Хўш, шундай шароитда пахта ҳосилини сақлаш ва кўпайтириш учун август ойида қандай юмушларни амалга ошириш керак? Булар ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суғориш, бегона ўт ва зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш ишларини сифатли ва ўз муддатида бажарилишини тақозо этади. Яъни, **пахта ҳосилининг мўл ва эртаги муддатларда пишиб етилиши, унинг сифати юқори бўлиши айти шу ойда қилинадиган меҳнат натижаси билан ўлчанади.**

Шу сабабли август ойида ғўза агротехникаси юқори талабларга мувофиқ бажарилса, унинг ривож тезлашиб, кўсакларга янги-янги кўсаклар қўшилади, унинг салмоғи ҳам ошади, толаси ҳам пишиқ бўлиб етилади. Ушбу масъулиятли ойда барча

пахтакор деҳқонларнинг, мутахассис ва масъулларнинг ўрни далада бўлиши, айтиқса сувчи, механизатор, агроном ва энтомологлар ўз ишига ўта жиддий ёндашмоғи даркор.

Бу ойда ғўзани қондириб суғориш, тупроқни жуда оби-тобида культивация қилиш, ғўза қатор орасини майин юмшатиш, зарарли ҳашаротлардан кўсак қурти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира кабиларнинг хуружидан ишончли ҳимоя қилиш, вилт ва бошқа хавфли касалликларга қарши чоралар кўриш талаб этилади.

Август ойида ғўза қатор ораларида кеч ёзги ва кузги бегона ўтлар шўра, итузум, қўй печак, ғўмай ва бошқалар зўр бериб ўсиши пахта ҳосилини камайтиради, зарарли ҳашаротлар кўпайиши ва яхши қишлоғга киришига олиб келади.

Суғориш сувларидан ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш (70% чириган гўнг) ҳам жуда муҳим бўлиб, бунда суғориш шарбат усулида олиб борилса, намлик узокроқ сақланади, суғоришлар оралиғи узаяди, ғўза тез чанқаб қолмайди, ҳосил элементларини камроқ тўқади, ёш тугунчалар тезроқ кўсакка айланади, янги кўсаклар кўпроқ пайдо бўлади.

Шу ойнинг бошларида ривож кечроқ бўлган далалардаги ғўзаларни чилпиш ишларини якунига етказиш лозим. Шу йўл билан кечки далаларда ҳам пахта эрта пишиб етилиши таъминланади, ҳосили ҳам баракали бўлади.

Бу ойда кўпгина далаларда ғўза ғовлай бошлайди, ҳосилини тўқади, баравж, кўм-кўк, сербарг бўлиб қолади, бу эса кўсак қуртининг ҳаддан зиёд кўпайишига олиб келади. Ушбу муаммони бартараф этишда ҳам кимёвий препаратлардан фойдаланиб

чилпиш ўтказишнинг самараси катта. Шунда ғўза қисқа бўгин бўлиб ўсади, ҳосил нишонлари кўпаяди, ғўза қатор орасида ҳаво яхши айланиб, пишиб етилиши тезлашиб, касаллик ва ҳашаротлар кўпайишига ноқулай шароит юзага келади.

Айниқса, август ойида ғўзани оби-тобида суғориш жуда муҳимдир. Яъни, ғўзани чўллатиб ҳам кўллатиб ҳам суғориш мутлақо ярамайди.

Шу кунларда ғўзани тунги суғориш жуда яхши самара беради, лекин бу пайтда сувни назоратсиз қолдириш ярамайди, исрофгарчиликка йўл қўйиб бўлмайди.

Агар сув тақчил жойларда ғўза қаттиқ чанқатиб қўйилса, жуда кўп гул ва тугунчаларни тўқади, кўсаклари кичрайиб, вазни 1-2 г камайиб кетади, толаси яхши етилмайди, чигити пуч бўлиб қолади, оқибатда ҳосил салмоғи пасайиб кетади. Борди-ю, далалар кўллатиб узок суғорилса, ғўза бўйига зўр бериб ўсади, бачкилайди ва ғовлаб кетади, ҳосилини тўқади, намлик кўпайиб турли замбуруғлар авж олади, натижада пастдаги кўсаклари чириб, қорайиб қолади, сифати пасаяди.

Ўзанинг сувга келганини деҳқонларимиз оқ гули тепага чиқиб кетишидан ва ғўза ранги тўқ тусга киришидан билишади.

Турли вилотларда ғўза навларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, суғориш меъёри гуллаш-ҳосил тўплаш даврида гектарига 900-1100, пишиш даврида 700-800 кубометрни ташкил этиши тавсия этилади.

Ўзанинг ҳосил тўплаш даврида суғориш муддатлари кечикиши ҳисобига 6-7 ц/га ҳосил йўқотилади, тез-тез суғориш ҳам зарарли бўлиб намлик ортиб кетишидан ҳосилга салбий таъсир кўрсатади.

Август ойида ғўза қатор орасини юмшатиш ишларини давом эттириш, ғўза туплари орасида ҳаво алмашинувини яхшилайти, кўсакларга иссиқ ҳаво ва шамол тегиб, тез етилади. Агар қатор ораларида ғўза туплари туташиб-бирлашиб кетмаган бўлса, бундай далалар 1-2 марта культивация қилиниши мумкин. Культивация шундай ўтказилиши керакки, ғўза тупларига зиён етказмасин, кўсакларни тўкмасын.

Агар культивация кечиктириб ўтказилса, ёки қатор ораси юмшатиш қилиб кетса, жўяклар қуриб, юзаси ёрилади, ғўза илдизлари шикастланади, вилт касали кўпаяди, тупроқдаги намлик тезда йўқотилади, бегона ўтлар ўсиб кетади, ҳосил элементлари тезда тўкилиб, ҳосилдорлик 15-25% пасаяди, бир сўз билан айтганда культивация оби-тобидан 1-2 кунга кечикса 1-2 ц/га, 2-3 кунга кечиктирилса, 3-4 ц/га ва шу тарзда ҳосил камайиб кетаверади.

Шу даврда культивацияни чуқур ўтказиш ҳам шарт эмас, яъни культивация юзaroқ ўтказилиши лозим. Юза культивация далани машина теримига яхши тайёрлаш имконини бериб, пахта териш машиналарининг бир текис юришини таъминлайди.

Қатор оралиғи 60 см ва қўшқатор қилиб экилган майдонлардаги ғўза шохлари бир бири билан туташгандан сўнг, культивация ўтказилмайди.

Шу даврда кундузлари ҳаво иссиқ ва қуруқ бўлса-да, тунлари анча салқин бўлиши кузатилади. Бундай шароитда кўсак курти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира каби зараркунандалар тезда кўпайиб, зарар етказиш даражаси ортиб боради. Шу сабабали зарарли ҳашаротларга **қарши курашни янада кучайтириш зарур. Чунки озгина эътиборсизлик тўпланган ҳосилнинг 30-40 фоизи бой берилиши мумкин.**

Зараркунандаларга қарши курашишда Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти олимлари тавсиясига асосан, биологик кураш усулидан фойдаланиш, биопрепаратларни қўллаш зарурияти туғилганда, ҳашаротлар сони иқтисодий зарар етказиш мезонидан ортиб кетганда кимёвий воситаларни қўллашга рухсат бериш мумкин.

Кўсак курти капалаклари уча бошлагандан ва феромон тутқичларга туша бошлагандан аввал гектарига 1-2 грамдан трихограмма тарқатиш, 3-4 кун оралатиб уч маротаба (биринчиси 1:10, иккинчиси 1:5 ва учинчиси 1:10 нисбатда) 1000-2000 донадан бракон учурилиши лозим.

Ўргимчаккана тарқалган ерларда акарицидлар билан тизимли равишда ишлов берилиши, препаратлардан Ниссоран, Энтосоран, Узмайт, Энтомайт ва бошқалар қўлланилиши, уларни тезда бартараф этади. Агар эътиборсизлик қилинса, тезда

зарур чоралар кўрилмаса, ўргимчаккана қисқа муддатда бутун даладаги ҳосилга жиддий зиён етказиб, ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Ўзани август ойида парваришлашда ўтказиладиган агротехник тадбир пахтани машина теримига мос қилиб етиштиришга имкон беради. Тавсия этилган ишларни тўлиқ ва маромида бажарилмасликка мутлоқо йўл қўйиб бўлмайди, чунки ҳосил тақдири шу ишларга боғлиқлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак.

Бу жараёнда соҳа мутахассислари, фермер хўжалиги раҳбарлари, сувчилар механизаторлар, энтомолог агрономлар масъулият билан ишга ёндошишлари керак. Қолаверса, доимий эътибор, уюшқоқлик ва бирдамлик ҳам ўта муҳимдир. Бефарволик ва бефарқлик фақат зарар келтиради. Айниқса, ҳосил тақдири ҳал қилинадиган шу кунларда август ойининг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, буни яхши англаган пахтачилик кластерлари миришкор деҳқон ва фермерлари ҳосил салмоғи ва сифатини оширади, пировардида кузда юзлари ёруғ, хирмонлари баланд, даромадлари баракали бўлади.

Шухрат АБДУАЛИМОВ,
қ.х.ф.д., проф.,
Феруза ҲАСАНОВА,
қ.х.ф.н., проф.
ПСУЕАИТИ лаборатория
мудирлари.

ТАВСИЯ

Маълумки, ғўза дефолиацияси – кимёвий препаратлар сепиш орқали ўсимлик баргларини тўкиш – асосан тракторлар билан агрегатланадиган дори пуркагичлар воситасида ўтказилади.

Ҳозирги пайтларда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ғўза дефолиациясида вентиляторли ОВХ-600, VP-1, штангали ОШУ-50, ОПШХ-12/5 ҳамда М-1600 пневматик қувурли пуркагичлардан фойдаланишни афзал деб биладилар.

Пуркагичлар эса қуйидаги агротехник талабларни қондириши зарур: эритманинг агрегат қамров кенлиги бўйича бир текис тақсимланиши; ғўза тупларига пуркалаётган эритма



заррачаларининг майдалик даражаси (дисперслиги); ғўза барглари сиртининг эритма билан қопланиш даражаси (бир квадрат сантиметр

юзага тўғри келадиган томчилар сони 25 донадан ортиқ).

Мазкур талаблар бажарилиши учун энг аввало, ғўза туплари ётиб

қолган ёки кучли ғовлаган бўлмаслиги зарур дала ичидаги ўқариқлар, унинг боши ва охиридаги агрегат қайриладиган майдончалардаги суғориш эгatlари текисланган бўлиши керак.

Қайрилиш майдончаларининг кенлиги энг камида 3,5 метр бўлиши шарт!

Пуркагичларни ишга тайёрлаш тартиблари:

пуркагичлар техник жиҳатдан соз бўлган пахтачилик чопиқ тракторларининг бирига осилади;

ҳамма ғилдиракларга ҳимоя шчитоклари ўрнатилади;

насос, редуктор ва монометрдаги мой сатҳи текширилади;

Манометр корпуси ичида эритма бўлишига йўл қўйилмайди;

барча бирикмалар маҳкамланиб; резина шланглардан эритма томчиламаслиги, ҳаво сўрилмаслиги керак; вентилятор паррагини айлантиврувчи ва кожухини тебратувчи механизмларнинг ҳолати текширилади;

Вентилятор кожухидаги тешик ва ёриқлар ямалиши шарт;

трактор осиш механизмининг марказий тортқиси ёрдамида вентилятор ўқининг тик ҳолатидан орқага (трактор ҳаракатига тескари томонга) қияланиш бурчаги 10-12 градусга тенг бўлсин;

вентиляторнинг пастки қирраси ва ер сатҳи орасидаги масофа 1,2-2 метр орасида ростланадиган бўлсин;

суюқлик тўзитгичларни соплонинг ўртасига тик ҳолатда ўрнатилган қувурдаги резъбалар тешикларга қўлда қотиринг (калит билан маҳкамланса резъбалар едирилади);

Барча тўзитгичлар юзалари қувурга параллел (тешиклар ён томонларга қараган) бўлсин!

регуляторни трактор кабинасининг ўнг томонига шундай ўрнатингки, бунда унинг дастагини қўлда бураш қулай бўлсин ва монометр шкаласи тракторчига яққол кўриниб турсин;

Дастак соат стрелкаси йўналишида буралса системадаги босим ва эритма сарфи ошади, тескарисига буралса, камайдиди!

Пуркагичнинг ҳамма қисмлари соз ва тўғри ростланган бўлса системадаги суюқлик босими 2-4 атм. чегарасидан чиқмайди!

Пуркагичларни ишлатиш тартиблари:

Пуркагичнинг остки қисмини юмшоқ мато ёки қоплар билан ўрамасдан дефолиацияни бошлашга рухсат этилмайди;

агрегатнинг ишчи тезлиги - ғўзалари паст бўйли ва сийрак майдонларда: 6,3-7,5 км/соат, ғўзалари баланд ва қалин майдонларда: 5,3-6,5 км/соат;

Агрегат тезлиги ҳар бир даладаги ғўзанинг ривожига қараб индивидуал равишда танланиши лозим!

шамолнинг тезлиги 1,0 м/с дан паст бўлса эритмани агрегатнинг орқа томонидан ёйиб сепиш усулини (вентилятор тебранма ҳаракат қилади), 1-3 м/с оралиқда бўлганда шамолнинг йўналиши бўйича ёнбошдан пуркаш усулини (вентиляторнинг тебранма ҳаракати тўхтатилади) қўлланг;

Шамолнинг тезлиги 4 м/с дан юқори бўлса вентиляторли пуркагичлар ўрнига штангали пуркагичлардан фойдаланиш зарур;

вентилятор соплосининг тебраниш амплитудасини ғўзанинг ривожига қараб ростланг: паст бўйли ғўза майдонлари учун 180°, ўртача бўйли ғўза майдонлари учун 160°, баланд бўйли ғўза майдонлари учун 140° (дефолиацияда сифат таъминланади);

дефолиация жараёнида вентиляторнинг пастки қирраси ва ғўза туплари орасидаги масофа 0,8-1 метр бўлсин (тупларга тўла ишлов берилади);

тўзитгич қопқоқлари унинг корпусига конуси ичкарига қараган ҳолатда

маҳкамланганда суюқлик кам сарфланади ва майда томчилар шаклида пуркалади; қопқоқлар конуси ташқарига қараган ҳолатда маҳкамланса суюқлик сарфи ортади ва йирикроқ пуркалади;

манометр стрелкаси 1 атмосферадан паст босимни кўрсатганда филътр ифлосланган ёки насос бузилган ёки баклар бўшаган бўлади (филътр дарҳол тозалансин, насос тузатилсин, баклар эритма билан тўлдирилсин);

Агрегатни бакларда эритма тасом бўлгунча ишлатиш асло мумкин эмас - насос тез ишдан чиқади!

Тўзитгичларни сим билан тозалаш ман этилади!

Юқоридаги тавсия ва қоидаларга амал қилинса, пахта терими олдидан ғўза баргларининг тўкилиш даражаси 85-90% (бир туп ғўзада кўпи билан 3 дона кўк барг ва 4 дона қуруқ барг қилишига рухсат этилади) каби ғўза дефолиациясида талаб этиладиган сифат кўрсаткичларини бажарилишига эришилади.

Хуллас, ғўза дефолиацияси сифатли ўтказилган далаларда пахта териш машиналарининг шпинделлари яшил масса билан тезда кирланмайди, улар узоқ вақт фаоллигича қолади. Шпинделларни кирдан тозалаш ва ювишга кўп вақт сарфланмайди, машинанинг сменали иш унуми ортади. Барглар яхши тўкилгани сабабли, машина бункерига тозаллиги меъёрда бўлган пахта йиғилади. Бундан механизатор, фермер ва пахта-тўқимачилик кластерларининг ҳар бири ўзига яраша фойдани олади.

Қолаверса, дефоляция сифатли ўтказилса, терим ишлари ёғин-сочинга қолмай тугалланади. Бу келгуси йил ҳосилига тайёргарлик ишларини ўз вақтида, сифатли бажариш имконини беради.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., (ҚХМЭИ).

ТАВСИЯ

ҒЎЗА ДЕФОЛИАЦИЯСИ – МУҲИМ ТАДБИР

Маълумки, агротехник тадбирлар ичида дефолиация тадбири муҳим аҳамият касб этади. Дефолиация тадбирини ўтказиш орқали ғўза кўсақларининг очилишини тезлаштириш ва етиштирилган ҳосилни терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олиш имкониятини ошириш мумкин.

Ўз муддатида ва сифатли ўтказилган дефолиация натижасида ғўза баргларининг тўлиқ тўкилиши таъминланиб, кўсақларнинг очилиши учун қулай шароит яратилади. Айниқса, жорий йилда чигит экиладиган

апрель ойининг серёгин келиши сабабли кўплаб майдонларда чигитнинг қайта экилиши, шунингдек, мамлакатимизда июль ойининг биринчи ярмида кузатилган аномал иссиқликнинг таъсирида ғўзада ҳосил тўплаш фазасининг чўзилиб кетиш хавфи кузатилмоқда. Бундай ҳолларда ғўза кўсақларининг очилиши кечикишига сабаб бўлиб, кўплаб майдонларда ҳосил етилишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу йилги шароитда дефолиация ўтказишга ўта масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Бунда пахтачиликка ихтисослаштирилган кластер ва фермер хўжалиги раҳбарлари, шунингдек, дефолиация ишларига бевосита қатнашадиган масъул агроном ходимлар қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишлари лозим.

Дефолиация ўтказиш даврида ғўза қатор ораларида тупроқ намлиги 60-65% атрофида ёки оддий қилиб тушунтирилганда, трактор юрганда ғилдирак излари билинадиган даражада бўлиши лозим. Агарда тупроқ намлиги 60-65% дан тушиб кетса, ғўза баргидаги суюқлик концентрацияси ошиши ҳисобига, баргларнинг дефолиантларни сингдириб олиш қобилияти пасаяди, натижада эса дефолиантларнинг самараси пасайиб, ғўза баргларининг тўкилиши камаёди. Агарда, тупроқда намлик юқори бўлса, ўсимликдаги шира концентрацияси аксинча пасайиб, ғўзада иккиламчи ўсиш содир бўлади ва кўсақлар очилиши кечикади. Сизот сувлар чуқур жойлашган афтоморф тупроқли далаларни дефолиация қилишдан 10-12 кун олдин енгил суғориш тавсия этилади.

Дефолиация ўтказиш жараёнида ҳаво-ҳароратига алоҳида эътибор қаратиш лозим ҳисобланади. Чунки, ҳар бир дефолиант ўзининг таъсир этувчи кимёвий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ғўзага таъсир этиши ҳаво ҳароратининг ўзгаришига қараб боғланиб кетади. Айтайлик, ўсимликка юмшоқ таъсир этувчи дефолиант-

лар кунлик ҳаво ҳарорати ўртача 22-25°C даража бўлганда самараси юқори бўлса, ҳарорат 22°C дан пасайганда таъсири камаёди. Ярим юмшоқ таъсир этувчи СуюқХМДс, ЎЗДЕФ, ПолиДЕФ, ФанДЕФ, ФанДЕФ-аёло каби дефолиантлар учун ҳаво-ҳарорати 20-22 °C атрофида бўлгани мақбул ҳисобланади. Лекин, ҳарорат 18°C дан пасайиб кетса дефолиантларнинг самараси ҳам пасайиб кетади.

Шунингдек, бу тадбирни ўтказишда унинг муддатини ва гектарига қўлланилиш меъёрини тўғри белгилаш



энг муҳим вазифалардан биридир. Чунки, дефолиантлар меъёрини табақалаштирмасдан муддатидан олдин ёки муддатидан кейин дефолиация ўтказилса тола сифати бузилиши ва дефолиациянинг самараси пасайиши мумкин. Бу йилги шароитда ғўза ривожининг кечикаётганлигини инобатга олиб, ўрта толали ғўза навларида ғўза кўсақларининг 30-40 фоизи очилган муддатда СуюқХМДс-7,0-7,5 л/га, ЎЗДЕФ-7,0-7,5 л/га, ПолиДЕФ 5,5-6,0 л/га, ФанДЕФ 6,0-6,5 л/га, ФанДЕФ-аёло 6,0-6,5 л/га, ингичка толали ғўза навларида эса кўсақлар 50-60 фоиз очилган муддатда СуюқХМДс-8,0-8,5 л/га, ЎЗДЕФ-7,5-8,5 л/га, ПолиДЕФ 6,5-7,0 л/га, ФанДЕФ 6,5-7,5 л/га, ФанДЕФ-аёло 7,0-7,5 л/га меъёрларда дефолиация ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу жараёнда пайкаллардаги кўчат қалинлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш даркор. Чунки, кўчат қалинлиги ошиб борган сари, бир гектар майдондаги ғўзанинг барг юзаси ҳам кўпайиб боради ва дефолиантлар меъёрини биров оширишни талаб этади. Бу ҳолатлар кўчат қалинлиги 120-130 минг тупдан юқори бўлиши, барг сатҳининг ҳам ошиб боришини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бундай майдонларда

дефолиантлар меъёрини 15-20 фоизгача ошириш тавсия этилади.

Дефолиация сифатини ошириш учун аввал ишчи эритмани тўғри тайёрлаш керак. Бугунги кунда препаратлардан ишчи эритмаларни тайёрлаш учун марказлашган бетон ҳовузлар ва металл идишлар барпо этиб қўйилган. Ушбу барпо этилган бетон ҳовузлар ва металл идишлардан оқилана фойдаланиш керак. Дастлаб тоза сувни 4000-5000 литр ҳажмга эга бўлган идишга солган ҳолда бир сутка давомида тиндириш, кейин эса ҳовузга ёки металл идишга қўлланилиши кўзда тутилган майдоннинг кунлик керакли ишчи аралашмасини тайёрлаш зарур.

Дефолиация ўтказиш графиги агроном, фермер ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда ғўзанинг биологик етилганлигини инобатга олиб кунлик дефолиация ва ўтказиш майдони аниқланади.

Ҳар бир ҳудудда ишчи гуруҳлар ташкил қилиниб, ҳар бир гуруҳга энтомолог-агрономлар томонидан дефолиация қилинадиган дала танланади ва дефолиантлар меъёри белгиланади. Белгиланган ҳудудларда график бўйича трактор агрегатлари ёки самолётлар ёрдамида сепади. Дефолиантларни сепиш ишларикунининг салқин пайтларида ўтказилиб, шамол тезлиги 5 м/сек ва ундан юқори бўлса, дефолиация тадбири вақтинча тўхтатилади.

Бу тадбирни белгиланган тартибда ва уюшқоқлик билан амалга оширилса, барглар тўкилиши 85-95 фоизни ташкил этиб, ғўза кўсақлари очилишини 25-35% га тезлаштириш мумкин бўлади.

Фатхулла ТЕШАЕВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Султон АЛЛАНАЗАРОВ,
қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,
Убайдулло АБДУРАХМАНОВ,
қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,
Лазиз ФОЗИЛОВ,
таянч докторант,
ПСУЕАИТИ.

ЭРТАНГИ ТЎКИНАЛИК БУГУНГИ ЭКИНДАН

Август пиёзи ва саримсоқпиёз етиштириши

Президентимизнинг 2020 йил 15 октябрдаги «Саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юртимизда эрта баҳорда кундалик зарурий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.



Пиёз майдони ҳамда олинадиган ҳосилнинг миқдори жиҳатидан сабзавот экинлари ичида помидордан кейинги ўринда туради.

Пиёз таркибида инсон организми учун зарур бўладиган азотли моддалар (1,7-2,5%), қандлар ва витаминлар кўп сақланади.

Саримсоқ ҳам дориворлик хусусиятига эга ва таркиби қимматли моддаларга бой сабзавот бўлиб, турли таомларга, салатларга қўшилади ва қайта ишлаш саноатида кенг қўлланилади.

Майдонларни экишга тайёрлашда дастлаб у ердаги барча ўсимлик қолдиқларини сеткали ёки зигзаг бороналар ёрдамида майдон ташқарисига чиқариб тўплаш, сўнг майдонларнинг нотекис қисмлари бўлса, бу қисмларни ер текислаш мосламалари ёрдамида текислаб чиқиш лозим бўлади.

Текисланган майдонларга фосфор ҳамда калий ўғитлари меъёрини 70% миқдорида сепиш мосламалари ёрдамида сепиб чиқиб, бу майдонларни ПН-3-35 русумли плуг билан 28-30 см чуқурликда ҳайдаш, агар майдон шўрланган ёки ёввойи ўтлари кўп бўлса, ПЯ-4-35 русумли плуг билан 35-38 см чуқурликда ҳайдаш тавсия қилинади.

Пиёзнинг маҳаллий шароитда яратилган “Оқ дур”, “Сумбула”, чет элнинг “Сибир”, “Алдоба” нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Пиёзни эрта – кузги муддатда жанубий минтақаларда 5 август-5 сентябр, марказий минтақаларда 15 август-15 сентябр, шимолий минтақаларда 30 август-30 сентябрларда уруғи экилади.

Пиёз уруғи гектарига 12-15 кг. меъёрида сарфланади. Пиёз СКОН-4,2, СММ-4 русумли сеялка билан ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см. дан олиб тўрт қаторли усулда экилади. Уруғлар ерга 1,5-2,0 см чуқурликка кўмилади.

Ёзги-кузги муддатларда пиёз ўртаги муддатда, ёзги сабзавот ва картошка ҳосили йиғиштириб олингандан ҳамда ғалладан кейин экилади.

Пиёз икки-уч марта дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар КРН-2,8 А культиватори билан ерга 15-16 см чуқурликда ишлов берилади.

Ўғитлаш. Пиёз ўсимлиги попул илдизи сабзавот бўлиб, илдиз тизими, асосан, тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озиқа элементларнинг кўп бўлишини талаб қилади.

Юқори унумдор ерларга ўртача соф ҳолда 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор ерларга ўртача 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий ва унумдорлиги паст бўлган майдонларга 320 кг азот, 220 кг фосфор ва 100 кг калий бериш керак.

Пиёз учун муқобил бўлган азот ўғити аммоний сульфат ёки карбамид, фосфор ўғитларидан эса суперфосфат, аммофос ўғитидир. Ҳар хил даражада шўрланган ерларда пиёз етиштирилганда азот ўғити сифатида аммоний сульфат, калий ўғитларидан калий хлорид, калий сульфат каби ўғитларни бермаслик керак.

Ўғитларни бериш муддати. Режалаштирилган ҳосилга белгиланган фосфор ўғит йиллик миқдорининг 70-75% ернинг асосий ишловида, қолган қисми эса ерни бороналашдан олдин берилади. Азот ўғити эса вегетация даврида озиқлантириш пайтида тенг иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантиришда пиёз ягоналаб, пиёз боши ўтоқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса шакллана бошлаганда берилади. Пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди. Чунки гўнг берилганда ундаги бегона ўтларнинг уруғлари униб чиқиб, олинадиган ҳосилга салбий таъсир этади.

Суғориш. Пиёз ҳавонинг нами паст жойларда яхши ўсади, аммо тупроқнинг сернам бўлишини хоҳлайди. Пиёзнинг барг шапалогининг кичиклиги ва сувнинг тежаб-тергаб сарфланишига қарамасдан, унинг илдизи яхши ривожланмаганли-

гидан тупроқ намлигига талабчанлиги ниҳоятда кучли. Уруғ униб чиқаётган ва пиёз боши шаклланаётган даврда экиннинг сувга талаби, айниқса, ошади. Фақат, ўсув даврининг охирида ва пиёз бошлари етилган пайтдагина ўсимликнинг сувга бўлган талаби бир оз камаяди. Бу даврда тупроқ ҳаддан ташқари сернам бўлса, пиёз кечроқ етилади ва уни узоқ сақлаб бўлмайди.

Пиёз экилиши биланоқ кетма-кет суғорилади. Уруғни қийғос ундириб олиш учун уруғ суви берилади. Бунда сув жилдиратиб оқизилиб, марзанинг тепаси қорайгунча тўхтатилмайди. Шунда тупроқ бир текис намиқиб, уруғнинг ёппасига кўкариши учун шароит яратилади. Ўсимлик яхши илдиз отиб, ўзини обдон ўнглаб олгунча (кеч кузгача) сувдан қолдирмайди. Шу мақсадда пиёз кузги ёғингарчилик бошлангунча ўсув даврида уруғ сувидан ташқари яна икки марта суғорилади.

Юқорида айтилганидек, пиёз илдизлари тупроқнинг юза қатламига таралишини ҳисобга олиб ҳар галги суғоришда гектарига 350-400 м³ ҳисобидан сув берилади.

Касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши кураш:

Касалликлардан сохта ун-шудринг, илдиз чириши, бўғин чириши касаллигига қарши 1% ли бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60-80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125- 0,150 л ёки Курзат н.кук. Р 2,0-2,5 кг 600 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Пиёз пашшаси, тамаки трипси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда 1 гектарга препаратлардан 10% эм.к ДВА-тридан 0,4л, 10% эм.к Талстардан 0,3-0,4 л, 20% эм.к Конфидордан 0,25-0,3 л ҳисобида сепилади.

Катта майдонларда бегона ўтларни йўқотишда гербицидлардан фойдаланиш мумкин. Бир йиллик икки паллани ва бошоқли бегона ўтларни йўқотиш учун уруғни экишгача ёки униб чиққунга қадар гектарига сус.к. 50% Гезогард гербицидидан 2,0-3,0 кг ёки эм.к. 33% Стомпдан

1,0–2,0 литр ҳисобида 400 литр сувга аралаштирилиб сепилади.

Пиёз ниҳолларида 3–4 тадан чинбарги чиққан даврида майдондаги таъкидланган ўтларга қарши эм.к. 12,5 фоизли Фюзилад супер (1,0–2,0 л/га) ёки эм.к. 20 фоизли Набу (1,5 л/га) сепилади. Кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши эса эм.к. Зеллек супер (1 л/га) ёки эм.к. 12,5 фоизли Фюзилад супер (2,4–4,0 л/га) препаратларини бегона ўтларнинг бўйи 5–10 см. бўлганда сепиш тавсия этилади.

Саримсоқ совуққа чидамли ўсимлик. У 3–5°C ҳароратда кўкариб чиқади. 7–8°C гача бўлган совуққа чидайди. Саримсоқнинг ўсиши учун 1-даврида ҳарорат 5–10°C, паллалар ҳосил қилаётганда 15–20°C ва етилаётганда 20–25°C бўлиши керак. 20°C дан юқори ҳарорат илдизларнинг ўсишини тўхтатиб қўяди. Ўзбекистонда кузда экиб ўстириладиган, гулпоя ҳосил қиладиган маҳаллий навлар районлаштирилган.

Саримсоқнинг “Майский Вир” ва “Южно-Фиолетовой”, “Чидамли” навлари экиш учун тавсия этилади.



Алмашлаб экишда саримсоқ бодринг, карам ва картошка каби далани бегона ўтлардан тозалайдиган экинлардан кейин экилгани маъқул.

Саримсоқ август ойининг сўнги декадасидан то сентябр ойи охиригача экилади.

Саримсоқ паллалари йирик-майдалигига қараб гектарига 1,0–1,5 тонна ҳисобидан экилади. Саримсоқ паллалари йирик ва экиш меъёри ортиши билан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. Саримсоқ 2–3 қатор қилиб экилганда ленталар ораси 50–60 см, ленталардаги қаторлар ораси 10–15 см, қатордаги ўсимликлар ораси 6–8 см бўлади.

Булбочкалар паллаларга қараганда қалинроқ экилади, қаторлардаги ўсимликлар ораси 2–3 см ва чуқурлиги 3–4 см қилинади. Бунда гектарига 80–100 кг.гача бульбочка-уруғлик сарфланади. Саримсоқ паллалар 5–6 см чуқурликка экилади.

Саримсоқ кузда, совуқ тушгунча 1–2 марта суғорилади.

Тупроқ турига қараб саримсоқ экилган майдонга соф ҳолда 150–200 кг азот, 140–160 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити

солинади. Саримсоқ экиладиган ерга янги гўнг солиш ярамайди, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечиктиради ва яхши сақланмайди.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш. Пиёз пашшаси, тамаки трипси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда препаратлардан 1 гектарга 10% эм.к ДВА-тридан 0,4 л, 10% эм.к Талстардан 0,3–0,4 л, 20% эм.к Конфидордан 0,25–0,3 л, касалликлардан сохта ун-шудринг, илдиз чириши, бўғин чириши касаллигига қарши 1% ли бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60–80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125–0,15 л ёки н.кук. Курзат Р 0,2–0,25 кг препаратидан бирортаси 600 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Шолғом ва турп етиштириш

Экиш режалаштирилган сабзавот экинларидан шолғом ва турп экиладиган майдонларни уруғ экин экишга тайёрлаш мақсадида ерни ҳайдаш олдидан албатта яхшилаб суғориш талаб этилади, ер етилгандан сўнг тупроқ намлиги кўтарилиб кетмасдан ҳайдаш, сўнгра кетма-кет ЧКУ-4 ёки БСО-3 русумли борона билан 10–12 см чуқурликда юмшатиб, кейин эса экиш лозим бўлган экин турига мос равишда КРН-2,8А, КРО-4 русумли культиваторлар ёрдамида 70 см ёки 90 см ораликда эгاتлар олиниб экишга тайёрланади.

Турпнинг сифатли уруғи ёзда-августда сепилади, шолғомни эса эрта баҳорда плёнка остида эртаги навлари етиштирилгани билан уни сабзавоткорларимиз асосан август ойида экадилар. Аниқроғи турп ва шолғом экинлари уруғлари марказий ҳудудларда 1–15 августда, шимолий ҳудудларда 25 июл 10 августда ва жанубий ҳудудларда 20 август 20 сентябрларда сепилади.

Ушбу илдизмева экинлар сувга жуда талабчан бўлганлиги сабаб бошқа сабзавотларга қараганда тез-тез суғориб туришни талаб этади.

Шолғомнинг “Наманган” маҳаллий, “Самарқанд” маҳаллий, салатбоп шолғомнинг “Муяссар” навлари экиш учун тавсия этилади.



Турпнинг “Маргеланская”, “Андижон-9” навлари ва дайконнинг “Содиқ” ва “Куз ҳадяси” каби навлари экиш тавсия этилади.



Шолғом ва турп уруғи 70 ва 90 см кенгликдаги эгатларга СОН-2,8 сеялкада ёки қўл кучи ёрдамида экилади. Икки қатор қилиб экишда сеялканинг сошниклари жуфт-жуфт қилиб ўрнатилади. Ҳар жуфтдаги сошник ораси 20 см қилинади. Сеялкага оқучниклар тиркалиб, эгат ҳам олинади. Ҳар гектарга турп уруғи 4–5 кг, шолғом уруғи 2–3 кг сарф бўлади. турп уруғи 2 см, шолғом уруғи 1,5 см чуқурликда экилади.

Экилган уруғлар ердан тўла униб чиққандан сўнг тезда ўташ ва яғаналаш керак. Биринчи яғана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2–3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10–12 см кенгликда қолдирилади. Бундан сўнги парвариш экинларни вақтида суғориш, қатор ораларини культивация қилиш, эгат бағрини юмшатиш ва зарарли ҳашаротларга қарши курашдан иборат.

Ўғитлашда буз тупроқ ерларда соф ҳолда 125 кг азот, 95 кг фосфор, 60 кг калий солиш керак. Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади.

Ушбу экинларни ҳашарот ва зараркунандалардан ҳимоя қилишга ҳам эътибор қаратиш лозим. узунбурун, шира, барг бургалари сингари зараркунандалар, ун-шудринг ва оқ чириш касалликлари ўсимликни зарарлайди. Касалликларга қарши 72,2% с.э.к Превикурдан 1,5 л/га, Курзат Р 2,0–2,5 кг/га, 68% с.э.г. Рирдомил голд 2,0–2,5 кг/га ёки 1% ли бордо суюқлигини (шунингдек, Давлат кимё комиссияси томонидан қўллашга рухсат этилган препаратлардан биронтасини) 600–700 литр сувга тайёрланган аралашмасини пуркаш лозим. Зараркунандаларига қарши 10% эм.к ДВА-тридан 0,4 л/га, 20% н.кук Моспиландан 0,25–0,30 кг/га ёки Давлат кимё комиссияси томонидан қўллашга рухсат этилган препаратлардан биронтасини қўллаш тавсия этилади.

**Рустам НИЗОМОВ, қ.-х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.-х.ф.ф.д.,
Саидмурат АЛИМУХАМЕДОВ, б.ф.н.,
СПЭваКТИИ.**

БОШ САЛАТ (АЙСБЕРГ) — КОНИ ФОЙДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида”ги №121-сон қарори билан жорий йилда такрорий экин сифатида республикада жами 1253 гектар майдонга бош салат (айсберг) экиш режалаштирилган.



Ушбу экин республика учун кам тарқалган, бироқ экин майдони йилдан-йилга кенгайиб бораётган сабзавотлардан бири бўлганлиги учун уни етиштираётган дехқон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун тавсия зарур бўлади. Шу сабабли, қуйида бош салат (айсберг) етиштириш бўйича тавсиялар келтириб ўтилган.

Бош салат мазали парҳез маҳсулоти-дир. Унда шакар 3-6%, оқсил 3%, калий минерал тузи, кальций, фосфор, темир, углеводлар яхши сақланган. У мултивитаминли ўсимлик бўлиб, каротин, С, В₆ витаминлар, биотин, никотин ва фолий кислоталарига эга. Бош салат навларида каротин ва В₆ гуруҳидаги витаминлар оқбош карамга нисбатан анча юқори. Е ва В₆ витаминларини сақлаш бўйича сабзавотлар ичида биринчи ўринни эгаллайди. Ундаги Р витаминининг мавжудлиги мигрен, менингит ва гипертонияни даволашда жуда фойдали ҳисобланади.

Ер танлаш. Бош салат бошқа карамлар сингари органик моддаларга бой, салқин, сув сифими яхши ўғитланган қорамтир ўтлоқ ерларда яхши ўсади. Енгил бўз ва қумлоқ ерларга экилган карам унча яхши ривожланмайди. Шўрланган ва ботқоқланган ерлар карам экишга унчалик ярамайди.

Бош салат эртаги картошка, сабзи, бодринг, ош лавлагидан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида ва ғалладан бўшаган майдонларга экиш мумкин.

Навлар. Экиш учун “Конкорд F₁”, “Лагунас F₁”, “Саула F₁”, “Фиоретт Крупнокочанный” нав ва дурагайлари тавсия этилади.

Кўчат тайёрлаш. Экиладиган уруғ 3-5% лик ош тузи эритмасига 1 соат давомида солиб қўйилади. Эритма остига чўккан уруғларни тоза сув билан 2-3 марта ювиб, сўнгра уларни ёйиб қuritилади.

Ҳар 1 га очиқ майдонга экиш учун етарлик миқдорда бош салат кўчати тайёрлашга 200-300 г ҳисобида уруғ сарфланади. Кўчатларни озиклантиришда ҳар 10 л сувга 13-15 г азотли; 18-25 г фосфорли ва 15-20 г калий ўғитлари

солиниб эритилиб, ҳар 3-3,5 м² майдондаги кўчатларни озиклантириш учун сарфланади. Бош салат кўчатлари сўнгги марта очиқ майдонга экишдан 12-15 кун олдин озиклантирилади. Бунда 10 л сувга маданий ўғитлар миқдори икки марта кўпроқ солиниб амалга оширилади. Тайёр бўлган кўчатларнинг ёши 35-40 кунлик бўлганда очиқ майдонга экилади.

Экиш муддатлари ва экиш схемаси.

Бош салат (айсберг) кечки муддатда жанубий вилоятларда 1-5 сентябр, марказий вилоятларда 10-15 август ва шимолий минтақаларда 1-5 августда экилади. Далага экиш пайтида кўчатларда 6-7 та барг бўлиши керак. Кўчатлар 70х20 см, ёки 70х30 см 40+15+15х30 см. Экиш схемаси ўсимликни кучли ёки кучсиз ўсувига қараб белгиланади.

Кечки бош салат такрорий экин сифатида экилади. Эртаги экин йиғиштириб олингандан кейин ер хайдаш олдида суғорилади, сўнг плуг билан 20-30 см чуқурликда хайдалади, чизелланади ва суғориш эгатлари олинади.

Ернинг кўчат экилиб бўлган қисми кетма-кет суғорилиши керак. Орадан 2-3 кун ўтгач, кўчат ўтказилган эгатлар текширилади, хато жойларга яна кўчат экилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатнинг оралари культивация қилинади. Кўчатлар экиб бўлингандан сўнг 15-20 кун ўтказиб биринчи ялпи ишлов берилади. Бунда қатор оралари КРН -4,2 культиватор билан 15-16 см чуқурликда культивация қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади, маъдан ўғитлар билан озиклантирилади ва сув берилади. 20-25 кундан сўнг иккинчи марта ялпи ишлов берилади.

Культивациядан сўнг кўчат атрофи юмшатилади ва биринчи марта ўғит берилади. Иккинчи культивация экин бир суғорилгандан сўнг ўтказилади. Эртаги бош салат икки марта чопиқ қилинади.

Ўғитлаш. Бошоқли дондан ёки бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан сўнг такрорий муддатда бош салатдан ўртача 23-25 тоннадан ҳосил олиш учун қуйидаги миқдорда маъдан ўғитларни солиш лозим бўлади:

- қадимдан суғориб келинаётган типик бўз тупроқларда гектарига ўртача 240 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг соф калий;

- ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда етиштирилганда эса 200 кг азот, 160 кг фосфор, 120 кг соф калий берилади.

Суғориш. Бўз тупроқли ерларда карамга 7-8 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 5-7 марта сув бериш тавсия этилади. Суғориш меъёри гектарига 500-550 м³.

Зараркунандаларга қарши кураш.

Бош салат карамнинг карам бити, карам қуяси, қарши биологик усулда – олтинкўз, хонқизи қўнғизлари қўлланилади. Барг кемирувчи карам оқ капалаги қуртига қарши трихограмма, катта ёшдаги қуртларга қарши бракон энтомофаглари қўлланилади. Кимёвий усулда препаратларнинг биронтасидан – 25% Цираксдан – 0,2 л/га, 25% к.э. Циперметриндан – 0,16 л/га, 10% к.э. Фьюридан – 0,1 л/га, 15% эм.к. Аваунтдан 0,4 л/га фойдаланилади. 600-700 литр сувга тайёрланган аралашма ишлатилади.

Ҳосилни йиғиштириш. Бош салат ҳосили экиладиган навга, уруғининг сифати ва қўлланиладиган агротехникага қараб уларнинг бош салат бошлари турли вақтда пишиб етилади. Ҳосили кўчат экилгандан 55-60 кун ўтиб пишиб етилади. Бош салат бошлари олдинмакетин пишиб етилганлиги сабабли, ҳосил ҳар 6-8 кунда камида 2-3 маротаба йиғиб олинади.

Бош салат бошлари 3-5 барги билан бирга пичоқ билан кесилиб олинади. Бош салатни тупидан узиб олингандан сўнг истеъмолчига етиб боргунча салқин жойда сақлаб туриш лозим, сабаби иссиқ ҳаво шароитида тез товарлик хусусиятини йўқотади. Бош салат совутиш камераларида +1°C яхши сақланади, сақлаш муддати 7-10 кун.

Жамшид ШЕРАЛИЕВ,

таянч докторант,

Шахноза АРИПОВА,

таянч докторант,

Фахриддин РАСУЛОВ,

қ.-х.ф.ф.д.,

СПЭВАКТИ.

ПОЛОСОНЛИК

ЁШ ТАДБИРКОР

Мана, тўрт йил бўлибдики, юртимизда 30 июнь – Ёшлар куни сифатида кенг нишонланмоқда. Ўтган йиллар давомида ўз иқтидори, интилиши ва қобилияти билан халқимиз орасида ном қозонган ёш йигит ва қизлар Президентимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Жорий йил ҳам бир қатор йигит-қизларимиз давлат мукофотларига сазовор бўлишди. Ана шу мукофотланганлар сафида Олтиариқ тумани фарзанди Сардорбек Ҳакимов ҳам бор. У «Келажак бунёдкори» медали билан тақдирланди. Сардорбек 29 баҳорни қаршилаган бўлса-да, туман ва вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ходимлари орасида ўз обрў-эътиборига эга бўлиб улгурди. Келинг, яхшиси қолган гапларни Сардорбекнинг ўзидан эшитсак:



Энди деҳқон ва боғбонларимиз турли савдогарларга ўз маҳсулотини сотиш ташвишини чекмайди. Бозоримизга бир кунда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан 700-800 та машинада маҳсулот кириб келади. Экспортёрлар томонидан харид қилинган маҳсулотлар Россия Федерациясининг Москва, Новосибирск шаҳарларига ва қўшни Қозоғистон республикасига экспорт қилинади.

Хўжалигимизда 2016 йили 2000 тонна полиз ва боғдорчилик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган сувутгич қуриб ишга туширилган. Ёз ва куз ойларида ҳосил мўл бўлгани сабаб нарх арзонлашиб кетади. Шунинг учун бу маҳсулотларни омборга оламиз ва қиш ва баҳор ойларида мақбул нархларда сотувга чиқарамиз.

Ҳа, меҳнат – инсонни улуғлайди. Астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини бериши кундай равшан. Самарадорлик эса доимо даромад билан ёнма-ён. “Яхши ният ярим давлат”, дейди доно халқимиз.

Ўз мухбиримиз.

Сурамда: “Келажак бунёдкори” медали соҳиби Сардорбек Ҳакимов ёш узум кўчатлари орасидаги полиз экинларини кўздан кечирмоқда.

– Болалигимда отам, уста қурувчи Анваржон Эркабоев билан турли хил қурилиш объектларида кўп бўлардим. Шунинг учун Фарғона политехника институтининг қурилиш факультетига ҳужжатларимни топширдим. Ўқишни тамомлаб ўз соҳам бўйича турли ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилдим. Бизнинг туманимиз аҳолиси ўта тадбиркор инсонлар саналишади. Яъни бизнинг туманимиздаги йигитлар ҳеч қачон биргина касб билан чекланиб қолишмайди. Улар йиллар давомида ўз малакаларини ошириб, янгидан-янги касбларни ўзлаштириб боришади. Мен ҳам 2016 йил узумчиликни йўлга қўйиш мақсадида туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилдим. Ҳеч қанча вақт ўтмай қирликдан 2 гектар ер ажратиб беришди. Узум ҳосилга киргунга қадар кўчатлар орасига бодринг, помидор, маккажўхори, кўкатлар ва ерөнғоқ экиб, йилига уч маротаба ҳосил олдик.

2019 йил атрофимиздаги уч нафар фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан келишган ҳолда «Файзли боғлар сари»

кооперациясини ташкил қилдик. Натижада экин майдонларимиз 129 гектарга етди. Биз ер эгаларидан ерини тортиб олмадик, уларга баҳамжihatликда ишлашни таклиф қилдик. Ер эгаларига техника ва ўғитни ўз вақтида етказиб берамиз. Экин парваришидаги барча йўл-йўриқлар билан таништириб борамиз. Йилига уч маротаба ҳосил олишга ундаймиз. Етиштирилган ҳосилни ўзимиз бозор нархида сотиб оламиз. Деҳқон эътиборини маҳсулот етиштиришга қаратади, холос. Етиштирилган маҳсулотини мақбул нархда қаерга, қандай сотиш ҳақида қайғурмайди. Ишида ҳам унум бўлади. Қишлоғимиздаги 52 нафар Россия, Қозоғистон ҳудудларида ишлаб юрвчи йигитларни ва кам таъминланган оилаларни йиғиб 12 сотихдан 6 гектар ерни тақсимлаб бердик. Меҳнат қилишди, олинган даромадни кўриб, бирортаси оиласини ташлаб четга чиқиб кетгани йўқ.

Ер нақд, даромад нақд бўлгандан кейин, ўзини ва оиласини қийнаб нима қилади. Аҳолимизнинг оғирини енгил қилиш мақсадида, Экспорт бозорини ташкил қилдик.

ГУЛЛАР ШАЙДОСИ

30 июнь – Ёшлар куни. Шу кун юртимизнинг кўплаб иқтидорли ёшлари Президентимиз томонидан муносиб тақдирланишди. Албатта, бундай унвону мукофотлар орқасида жуда катта меҳнат, сабр ва матонат ётиши ҳеч кимга сир эмас. “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланганлар орасида Бувайда туманида истиқомат қилувчи Мардонхўжа Мухторовнинг ҳам борлиги туман аҳлини ғоятда хурсанд қилиши билан бирга тенгқурларига яна бир бор ўз касбларига янада садоқат билан меҳнат қилишлари лозим эканлигини англади.



Суратда: “Келажак бунёдкори” медали соҳиби Мардонхўжа Мухторов.

– 2014 йил Бувайда иқтисодиёт коллежини тамомлагач, менда гулларни парваришlashга бўлган қизиқиш уйғонди, – деб гап бошлади Мардонхўжа. – Ўша йили бозордан гул уруғларини харид қилиб, ҳовлимизда парваришладим. Эрта баҳорда кўчатларимни маҳалламиз аҳлига ва туманимиз бозорига олиб чиқиб сотдим. Озгина жойдан мўмайгина даромад олишга муваффақ бўлдим. Кейинги йили 5 сотих ҳовлимизга иссиқхона қуриб ишга туширдик. Асосан Голландия давлатидан келтирилаётган Петония, Каторантас, Шафран, Салвия, Виола каби гуллар уруғларини Тошкент шаҳридан сотиб олиб парваришлай бошладик. Гуллар гўзаллик рамзи бўлса-да, уларни парваришlash катта меҳнат талаб қилади. Январ ойи охирлари, февраль ойи бошларида асосий ҳаракат бошланади. Иссиқхона иссиқлигини, ернинг намлик даражасини сақлаш, кўчатлар ривожланишини мунтазам назорат қилиш, униб чиққан кўчатларни пикаровка (бошқа идишга кўчириш) ишларини ўз вақтида амалга ошириш зарур. Бунинг учун яхшигина ишчи кучи талаб қилинади. Шу вақтгача маҳалламиз ёшларидан 3-4 нафари доимий иш билан таъминланган бўлса, 10-15 нафари эса мавсумий иш билан банд бўлишди. Албатта, уларнинг меҳнатига яраша кунига 70-90 минг сўмдан бериб бораёмиз.

– Сиз кейинги йиллар давомида Фарғона вилоятининг кўплаб туманларига гул кўчатлари етказиб бериш билан бирга, шу туманлар ободончилигига ҳам катта хисса қўшаётган экансиз.

– 2015 йилдан буён нафақат Бувайда тумани ободончилигига, балки Данғара, Боғдод, Бешариқ ва Қўқон шаҳрининг ҳам чирой очишига ўз хиссамизни қўшиб келяёмиз. Биласими, атроф туманларга борсангиз, атрофда барқ уриб яшнаб турган гулларни кўриб, кўнглингиз яшнайдиган. Бу гуллар ўзингизнинг маҳсулотингиз эканлиги эса дилингизни яйратади, фахрланасиз.

– Сизнинг иссиқхонангизнинг алоҳида жиҳати бор, деб эшитдик...

– Ҳа, 5 сотих ҳовлимизга иссиқхона қурган бўлсак, 1 сотих яшаб турган хонадонимиз томини ҳам иссиқхонага айлантирдик. Сабаби, томга иссиқлик ҳовлига нисбатан вақтлроқ

тушади. Қишнинг совуқ кунларида ҳам пастдан иссиқлик узилмаганлиги сабаб кўчатлар ривожланиши ердаги иссиқхоналарга нисбатан тезроқ бўлади. Шунинг учун кўчатларни етиштиришда томдаги иссиқхонанинг ўрни катта.

– Сир бўлмаса, 6 сотих иссиқхонадан қанча соф даромад оласиз?

– Деҳқончилик, боғбончилик ва гулчиликда йилига мана шунча даромад қиламан дейиш жуда қийин. Сабаби, табиат инжиқликлари, иқтисодий етишмовчиликлар ва бозордаги рақобатбардошлик кун эмас, соат сайин ўзгариб туради. Шунинг учун ўтган йиллар давомидаги даромадларимиз ҳақида айтсам тўғрироқ бўлади. Йил бошида 3-4 минг АҚШ долларига турли хил гул кўчатларини сотиб оламиз. Йил давомида парваришlab 60-70 млн. сўм атрофида савдо қиламиз.

– Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз?

– Юртимизда гулчилик жадаллик билан ривожланиб бораётган соҳалардан бири саналади. Бизда гулдан совға ва ободонлаштиришда фойдаланилади, деб ўйлайдиганлар кўплаб топилади. Ривожланган давлатларда гуллардан дори-шунослиқда ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, Озарбайжон, Голландия ва Ҳиндистоннинг асосий даромадларидан бири ҳам айнан гулчилик. Шунинг учун уларда бу соҳа анчайин ривожланган. Бизнинг юртимизда гулнинг ривожланиши учун жуда яхши шароит бўлса-да, биз бу имкониятдан деярли фойдаланмаймиз. Ёки четдан сотиб олинadиган уруғнинг нархи энди-энди фаолият бошлаётганларнинг ҳам ривожланишига тўсқинлик қиляпти. Шунинг учун туманимиз ҳокимиятига гул уруғларини етиштириш учун 1 га ер ажратиб беришларини сўраб мурожаат қилганман. Ўйлайманки, шу режамиз амалга ошса, яна бир неча қишлоқ ёшлари доимий иш билан банд бўлишлари билан бирга гул уруғлари нархларининг пастлашишига ҳам хисса қўшган бўламиз.

Ҳа, “Интилганга – толе ёр” дейишади. Мардонхўжа ҳам йиллар давомида ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишди. Эндиликда уни янада катта-катта марралар кутяпти. Биз ҳам бу ёш йигитнинг эзгу ишлари амалга ошишини тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз
Каримжон ҲАЙИТБОЕВ суҳбатлашди.

КЎПНИНГ ДУОСИНИ ОЛИШ БАХТИ

Президентимиз Фармонига биноан юртимиз равнақи, иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрнатилган ва намуна бўлиб келаётган бир гуруҳ фаол ёшлар июнь – Ёшлар ойлиги якунида Ватанимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланишди. Улар орасида Мирзачўл туманининг “Ипак йўли” қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи оддий ва камсуқум, аммо бошлаган ишини охирига етказишга одатланган йигит - Комилжон Ҳатиев ҳам бор эди.



Жорий йилнинг 27 январь куни Президентимиз раислигида “Ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида туманнинг 1 минг 884 нафар ёшларига салкам 600 гектар ер майдони ажратиб берилди. “Ёшлар дафтари”га киритилиб, ер олганлар рўйхатидан мақоламиз қаҳрамони Комилжон ва унинг икки нафар укаси Собиржон ва Муроджонлар ҳам ўрин олишди.

...Ака-укаларнинг отаси Жовли ака Ҳатиев 1-гуруҳ ногирони, тақдир тақозоси билан бир неча йилдан буён тўшака михланиб қолган. Шунинг учун ҳам оиланинг барча ташвишлари тўнғич ўғил зиммасида. Комилжон эса, ўз гарданига тушган ана шу масъулиятли вазифани мардлик билан бажаришнинг уйдасидан чиқмоқда.

Ўзи 3 нафар фарзандни тарбиялаётганига қарамасдан ҳам ногирон отасига эътибор қаратади, ҳам дала ишларига улғуради. Бунинг устига, қишлоқнинг “Ёшлар дафтари”га киритилган яна 18 нафар йигит-қизларининг бошини бир жойга тўплаб, уларга ердан унумли фойдаланиш борасида “маҳорат дарси” ўтади, маслаҳатини аямайди, қўлидан келган ёрдамни беради. Удда-бурунлиги, меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги билан ота-онаси, қўни-қўшнилари, қишлоқ аҳлининг дуосини олмоқда.

Халқимизнинг “Кўпнинг дуоси кўкка етказди” деган нақли бор. Ёш бўлишига қарамасдан яқинлари, элу-юрт олқишини олишга эришган Комилжон мисолида ҳам ана шу пурмаъно хикмат ўз тасдиғини топди.

– 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ “Шуҳрат” медалига сазовор бўлганимни эшитганимда қулоқларимга ишонмадим, – дейди Комилжон ўзи. – Наҳотки, мендай бир оддий йигитнинг камтарона меҳнати шунчалик қадрланади, эътироф этилади, дейман ўзимга ўзим. Сал кейинроқ эса, Ўзбекистондек бағри кенг диёрда ҳар бир инсон, айниқса, ёшларнинг ҳалол меҳнати, интилиши, эришаётган натижалари изсиз кетмаслигини тушуниб етдим.

“Ипак йўли” маҳалласининг бир қатор ёшларига йил бошида “Ҳар бир ёшга - бир гектар” лойиҳаси доирасида “Қуёшли водий” фермер хўжалиги ҳудудидан ер майдонлари ажратиб берилди. Комилжон ва унинг тенгдошлари бу ғамхўрликни ўзлари учун катта имконият, деб билишди. Улар миришкор деҳқонлар, дала ишлари усталарининг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари ва катта умидлар билан тупроққа уруғ ташладилар.

Ёшларнинг саъй-ҳаракатлари бекор кетмади: Улар парвариш қилган сабзавот ва полиз экинлари унумли бўлди. Комилжон

ва унинг укалари етиштирган тарвузнингдан ҳам мўл ҳосил олинди. Аксарияти эҳтиёжманд хонадонларнинг фарзандлари бўлган йигит-қизлар яхшигина даромад олишди, оилалари бюджетига салмоқли ҳисса қўшишди.

– Далада иш қизғин пайтда ҳолимиздан хабар олгани Юртбошимиз маслаҳатчиси Қаҳрамон Қуронбоев келиб қолди, – дея эслайди Комилжон. – Қилаётган ишларимизни кўриб, мамнун бўлди. “Қандай ёрдам керак”, деб сўради. Мен, “Биз ёшларга Президентимиз шунча шароит, имконият яратмоқда, шунинг ўзи етарли. Энди фақат ишлашимиз, меҳнат қилишимиз керак” деб жавоб бердим.

Амалда ҳам шундай ҳам бўлди: “Ипак йўли” маҳалласининг 61 нафар ёшлари ўзларига ажратилган ерларда самарали меҳнат қилишди. Аввалига эртаги экиндан самарасини кўришди. Энди эса, такрорий экинларга эътибор қаратишмоқда. Ҳар бир ёшнинг нияти - йил якунида ўз еридан камида 50-60 миллион сўм даромад олиш...

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: “Шуҳрат” медали совриндори Комилжон Ҳатиев.

ҚАТРАДАГИ ҚАДР

Бугун қишлоқ хўжалигида янги технологияларнинг жорий этилиши, хусусан, экинларни томчилатиб суғориш тизимининг ўйлаб топилган сувни тежаш баробарида ҳосилдорликни оширишда. Айниқса, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда бу усул жуда қўл келмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Шу билан бирга, сув тежовчи қурилмалар, уларга эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи, етказиб бериш субъектлар, ўз фаолиятида тежамкорликка асосланган лойиҳаларни жорий этаётган хўжаликлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига, турли имтиёзларга эга бўлишига асос яратди.

Бу борада Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, айни пайтда туманда 3 минг 507 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияларини ўрнатиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

— Бугунги кунда туманимиздаги аксар фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш технологияларини жорий этдик, — дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари Қобил Тоғаев. — Ҳозирги вақтга келиб, тумандаги “Ризворон жонкил даласи”, “Қорадарё сойлари” ва “ORGANIC PRODUCTS OF JONKEL”

фермер хўжаликлари далаларидаги ғўзанинг бўлажак ҳосили авжидан ҳам ушбу тизимнинг афзаллигига сиз билан гувоҳ бўлиб турибмиз. Айтиш жоиз, бу технологиянинг устувор жиҳати жуда кўп, аввало, намнинг сақланиш даражаси меъёрида бўлиб, жўяқда бегона ўтлар бўлмайди. Мавсум давомида экинга барча минерал ўғитлар сув билан берилади, техника харажатлари қисқаради. Сув сарфи ўртача 40 фоизга камаяди. Шу билан ҳосилдорлик ошиб, ҳосил анча эрта етилади.

— Айни кунларда туманимизда, қолаверса, бизнинг ҳудудимиздаги фермер хўжаликларида ҳар бири камида 15 гектардан пахта майдонида томчилатиб суғориш тизимини жорий этишга бел боғлашган, — дейди яна бир суҳбатдоши-

миз, “Орзу Махмудов” ҳудуди раҳбари Ғанишер Йўлдошев. — Бугун туманимиз деҳқон ва фермерлари ҳам томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини аллақачон англаб етган. Шу боис, бу усул тобора оммалашиб, катта майдонлардаги пахта далаларида ҳам кенг жорий этилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун деҳқон учун долзарб дамлар бошланди. Маълумки, август ойи ғўзанинг ривожланиши ҳолатидаги ўта масъулиятли палла ҳисобланиб, экин маромида ривожланиб, мўлжалдаги ҳосилни тўплашида тўғри суғоришнинг аҳамияти катта. Сабаби, бу энг нозик агротехник тадбирлардан бири бўлиб, сифатли бажарилсагина, шаклланган ҳосил нишонларини сақлаб қолиш ва уни кўпайтиришга хизмат қилади.

— Ғўза парваришидаги энг муҳим тадбир, бу тўғри суғориш ишлари бўлиб, у ҳосил тақдирини ҳал этади. Боиси, қатор ораларига экин ҳолатидан келиб чиқиб сув таралса, ғўзалар кўнгилдагидек қонади. Натижада кўсакларнинг мағзи тўқ, пахта-нинг сифати юқори бўлади. Бу йилги сув тансиқлигидан тўғри хулоса чиқариб, келгуси йили хўжалигимиздаги 30 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишга қарор қилдик, — дейди, Оқдарё туманидаги “Қамбарота” фермер хўжалиги раҳбари Раҳмат Раупов.

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб, ҳудудда пахта майдонларида сув тежовчи лойиҳаларни кенг оммалаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бошланган. Бу бежизга эмас. Ҳисоб-китобларга кўра, томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатилган далаларда ариқлар олинмаслиги туфайли кўп-лаб майдонлардаги ғўза нобуд бўлишидан сақлаб қолинади ва сув исроф бўлмасдан, тўғри ниҳолнинг илдизига етиб боради. Натижада сув тақчил бўлган йилда ҳам ғўза яхши ривожланади. Бу эса деҳқончиликдаги муаммолар бартараф этилиб, харажатни камайтиради, даромаднинг ошишига олиб келади.

Суратларда: каттақўрғонлик фермерлар пахта даласида.



ТОМЧИЛАРДА УНГАН ҲАЁТ

Бугун бутун жаҳон зироатчилари олдидаги мураккаб ва оғриқли муаммолардан бири, бу, шубҳасиз, сув танқислиги масаласидир. Бу муаммони ҳал этиш усулларида бири эса томчилатиб суғориш тизимини қўллашдир. Томчилатиб суғориш сувнинг ўсимликлар томир зонасига кам миқдорда етиб боришига асосланган бўлиб, унда сув барча ўсимликларга бир текис ва бир хил миқдорда, ўсимликка қанча керак бўлса, айнан шунча, тупроқни сув босмайдиган ва уни исроф қилмайдиган тарзда келиб туради. Бу усул мамлакатимизда ҳам ердан фойдаланувчиларнинг катта эътиборига сабаб бўлиб, кенг жорий этилмоқда. Эътироф этиш мумкинки, ушбу долзарб масалага ечим топишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори сувдан тежамли фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу аснода бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Бухоро вилоятида ҳам мазкур қарор ижроси юзасидан ва талаб тақлифлар асосида, суғориш тизимида ўзига хос меҳнат талаб этадиган кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

– Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда, иқтисод қилинишида самарали усул ва илғор технологиялардан, ху-

сусан, томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Эгитларда намлиқ меъёрининг етарлича сақланиши пахтанинг баравж ривожланишини таъминлайди ва бу сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда оби ҳаёт тақчиллигининг олдини олади, – дейди «Аму-Бухоро» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Эркин Файзиллаев. – Жорий йилда вилоятимизда жами 17 минг 440 гектар, шундан, 15 минг гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш белгилаб берилган. Соҳада кластер тизимининг яратилгани кенг имкониятларни туғдирмоқда. Вилоят туманларида 2021 йилда 556 та 15 минг гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилаётган бўлса, шундан 6 та кластер корхоналарининг ўзида 3 минг 710 гектар майдонларида ва 550 та фермер хўжалиқларининг 11 минг 290 гектар пахта майдонларида жорий этилмоқда. Албатта, кейинги йилларда ҳам бу технологиядан кенг фойдаланишни режалаштирмоқдамиз ва шу мақсадда унинг афзаллиқларини тушунтириш учун туманларда семинарлар ташкил қилиб, фермер хўжалиқлари раҳбарларига ушбу технологиянинг афзалликлари тўғрисида тавсиялар бериб бормоқдамиз.

Албатта, тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиб суғориш усулига амал қилиш сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш баробарида ҳосилдорликни ва даромадни оширишга хизмат қилади.

ТЎКИНЛИК ВА ҲАВОНЛИК ОМИЛИ

Бугунги кунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дунё мамлакатлари учун энг долзарб масалага айланмоқда. Ана шулар ҳисобга олиниб, юртимизда ҳам қишлоқ хўжалиғи соҳасида тизимли ислохотларни амалга ошириш ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида тадбиркорлик билан иш юритиш талаб этилади. Айни кунларда деҳқонларимиз мавжуд суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, бир даладан бир мавсумда икки-уч ҳосил етиштириб, кўпроқ даромад олиш, озиқ-овқат сероблигини таъминлаш чоралари амалга оширилмоқда.

Нон ўзбекнинг дастурхони кўрки бўлгани ҳолда унинг хомашёси ҳисобланган дон етиштириш миришкорларимизнинг ҳар йилги саботли вазифаси бўлиб келмоқда. Жорий йилда Ургут тумани ғаллакорлари ҳам 3040 гектар экин майдонида 8 минг 565 тонналик шартномавий режани вилоятда биринчилардан бўлиб, 110 фоизга бажаришди.

– Айни кунларда туманимизда асосий эътиборни ҳосилдан бўшаган ерларга такрорий экинлар экиш ва уларни парваришlashга қаратганмиз, – дейди туман қишлоқ хўжалиғи бўлими бошлиғи



Суратда: Туман қишлоқ хўжалиғи бўлими бошлиғи Л.Самиев (чапда), дон қабул қилиш маскани мудири З.Мурзаев.



Суратда: “Баҳрин” сабзавотлар корпорацияси аъзолари.

Лазиз Самиев. – Ҳозирда такрорий экин сифатида 391 та фермер хўжалиқларимиз дала майдонларига картошка, мош, сабзи, булғор қалампир, қарам, қўқат каби озуқабоп экинлар экяпмиз. Бугун ҳар бир кун ғанимат. Шу боис, ургутлик фермерлар ҳам ўзларининг мавжуд имкониятларидан оқилона фойдаланган ҳолда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳсулот экспортини ривожлантириш мақсадида ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин экишга катта эътибор қаратмоқда.

– Жорий йил ҳудудимиздаги 141 гектар ғалла ҳосилидан бўшаган 39 та фермер хўжалиқларимизнинг дала майдонларига экспортбоп такрорий экинлар экдик. Бизда деҳқон-фермерларимиз томонидан етиштирилган маҳсулотни сотиш учун харидор қидиришларига ҳожат йўқ. Чунки уларнинг маҳсулотига туманимизнинг ўзида фаолият юритаётган экспортёр корхоналар ва “Томорқа хизмати” МЧЖлар, қолаверса, кўплаб корхона-ташкilotлар, савдо мажмуалари ҳам харидор бўлишмоқда, – дейди “Баҳрин” сабзавотлар корпорацияси раҳбари Абдуҳамид Рўзиев.

Албатта, озиқ-овқат экинлари тўкин дастурхон манбаи бўлиб, аҳолининг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжини қондиради, нарх-навоининг арзонлашувини кафолатлайди. Зеро, бугунги пандемия даврида бу олдимиздаги энг муҳим ва долзарб масаладир.

Қўшсаҳифани ўз мухбиримиз
Шуҳрат НОРМУРОДОВ тайёрлади,

ТАЛАБАЛАР АМАЛИЁТНИ ВИЛОЯТЛАРДА ЎТАШДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХМИИ) да таҳсил олаётган талабаларнинг бир гуруҳи ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини эксперимент тариқасида ўташ учун Жиззах ва Сирдарё вилоятларига бўлишди. Қарор талабаларидан келиб чиқиб, талабаларнинг ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалиёти Сув хўжалиги вазирлиги ва институт маъмурияти билан келишилган ҳолда тасдиқланган жадвал ва дастур асосида ташкил этилди.

Талабаларга Жиззах воҳасининг Пахтакор, Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл, Зафаробод ва Зомин туманларида сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларнинг буюртмачи, бош пудратчи ва фойдаланувчилари фаолияти билан яқиндан танишиш имконияти яратиб берилди.



– Мамлакатимиз сув хўжалигининг бўлажак мутахассисларида, айниқса, “Зоминсой” каналини реконструкция қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар катта таассурот қолдирди, – дейди Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлигининг ўринбосари Фахриддин Адиллов.

– Талабалар “Учтепамаҳсуссувқурилиш” МЧЖ жамоаси кучи билан янгича тус олаётган канал, унинг қирғоқларида барпо бўлаётган дам олиш масканлари яқин келажақда мамлакатимизнинг йирик туристик ҳудудига айланиши кути-

лаётган Зомин туманининг диққатга сазовор нуқталаридан бири бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилишди.

Яна 80 нафар талаба олийгоҳнинг ихтисослашган кафедралари профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида Сирдарё вилояти сув хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишиш, институтда олган назарий билимларини амалиётда синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.

Буюртмачи идоралар, қурилиш монтаж ишларини олиб боришни зиммасига олган пудратчи корхоналар, сув хўжалиги ташкилотлари билан ҳамкорликда жойлардаги объектларга уюштирилган экскурсиялар талабаларда катта таассурот қолдирди. Улар шу ернинг ўзида сувдан, лойиҳа-смета ва қурилиш назорати ҳужжатларидан, ирригация ва мелиорация соҳаси техника ва технологияларидан оқилона фойдаланиш борасида тажриба ва кўникмаларини оширишга муваффақ бўлдилар.

– Албатта, институт аудиторияларида олинган билим билан жойларда ташкил этилган амалий машғулотларнинг катта фарқи бор, – дейди институт амалиёт гуруҳи раҳбари Элёр Маликов. – Шу маънода, талабаларимизнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари сув хўжаликлари фаолияти билан яқиндан танишгани, сув иншоотларида амалга ошаётган юмушларни ўз кўзлари билан кўргани бошқача бўлди. Ёшларимиз жараён давомида олийгоҳда олаётган назарий билимларини бевосита амалиётда қўллаб, маҳоратларини оширишгани аниқ. Шубҳасиз, ушбу амалиёт тадбири шогирдларимиз учун тажриба мактаби, ўзлари танлаган соҳанинг ўзига хосликларини намоён этувчи жараён бўлди.

Яқунда шуни таъкидлаш керакки, ТИҚХМИИ талабалари учун жорий йилда биринчи марта, эксперимент тариқасида ташкил этилган малакавий ишлаб чиқариш амалиёти олийгоҳ ёшлари учун нафақат тажриба мактабига айланди. Амалиёт, шу билан бирга, мамлакатимизнинг икки вилояти, уларнинг меҳнаткаш халқи билан яқиндан танишиш, ушбу ҳудудларнинг диққатга сазовор жойларини ўз кўзлари билан томоша қилиш имкониятини ҳам берди. Сирдарё ва Жиззахлик сувчилар эса, ўз соҳаларига яқин келажақда билимни, иқтидорли ва дунёқараши кенг ёш мутахассислар кириб келишига ишонч ҳосил қилишди...

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: талабалар амалиёти жараёнидан лавҳалар.

ИШСИЗЛАР ИШЛИ БЎЛМОҚДА



Хурматли Президентимизнинг халқимиз фаровонлиги ва дастурхони тўкинлиги йўлида кўплаб фармон ва қарорлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Жумладан, 2021 йилда ғалла ҳосилидан бўшаган ер майдонларини Темир дафтар, Аёллар дафтари, Ёшлар дафтари ҳамда ишсиз фуқароларга такрорий экин экиш мақсадида ажратилиб берилиши ҳам қишлоқ аҳолиси учун аини муддао бўлди.

– Туманимизнинг умумий 10490 гектар такрорий экин майдонидан 2010 гектарини 3+1 дастури асосида халқимизга тақсимлаб бердик, – дейди Поп туман қишлоқ хўжалиги бўлими бош мутахассиси Бекзоджон Нуриддинов. – Ушбу майдонларда меҳнат қилиш истагини билдирган Темир дафтардагилардан 265 нафар, Аёллар дафтаридаги 682 нафар, Ёшлар дафтаридаги 1192 нафар ҳамда ишсиз фуқаролардан 8400 нафари 20 сотихдан экин майдонларида мош, маккажўхори, ерёнғоқ каби экин турларини экишди. Албатта, 326 нафар фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар экин майдонларини шай ҳолатга келтириб, экин турлари, агротехник тадбирлар ҳақида тушунчалар бериб боришяпти.

– «Аброрбек Шоҳрухмиро» фермер хўжалигини такрорий экин майдонидан 30 нафар фуқарога 6 гектар ер майдонини 20 сотихдан тақсимлаб бердик, – дейди Озод МФЙ раиси Воҳиджон Умаров. – Фермер ёшлар билан суҳбатлашиб иложи борица бир хилликка риоя қилишни, агротехник тадбирларни биргаликда, аҳиллик билан бажариш лозимлиги ҳақида ўз фикрларини айтди. Аҳолимиз ҳам унинг фикрларини қўллаб, қувватлади.

– Менга 20 сотих экин майдони ажратиб беришди, – дейди Аёллар дафтарида рўйхатда турувчи Хуршида Шерматова. – Мен фақат уруғлик сотиб олдим, холос. Экин майдонига чиройли ишлов берилибди. Фарзандларим билан келиб маккажўхори уруғини экдик. Насиб қилса, 1.5 тонна макка олишни мўлжал қияпмиз. Пояси ҳам 400-450 боғ бўлади. Бу ҳам оиламга қўшимча даромад бўлади. Шундай савобли ишни бошлаб бергани учун албатта юртимиз раҳбариятига раҳмат.



– Менга ҳам ер ажратиб беришди, – дейди ишсиз фуқаролардан Фаррухжон Холматов. – Ерга уруғ қадаб, суғориш ишларини бошладик. Мақсадим йиғиштириб олинган ҳосил оилам учун дастмоя бўлиши ва унинг ҳисобидан чорва моллари ҳарид қилишни режалаштирдим.

Ушбу экин майдонидан ер олган Дилноза Эргашева, Улуғбек Ортиқовлар ҳам ушбу дастур аҳоли фаровонлиги учун аини муддао бўлганлиги, айниқса, пандемия шароитида оилаларни қўллағувчи тиргак вазифасини бажараётганлиги ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

Ўз мухбиримиз.

САХОВАТЛИ ФЕРМЕРЛАР

Элига, юртига нафи тегиб яшаган, қалбига эзгу ниятларни жойлаган саховатли инсонлар доимо иззат-хурматда бўладилар.

Қачон Самарқанд вилоятига бормай, доимо менга саховатли фермерлар рўпара бўлаверади.

Қўшработ туманидаги “Соҳибкор қорақўли” фермер хўжалиги раҳбари Умид Қўчқоров ҳам кимгадир ёрдами тегса, хурсанд бўлиб яшайдиган мард йигитлар сирасига киради. Туман раҳбарлари ҳамда қишлоқдошлари уни кўп ва хўп мақташди.



Суратда: “Соҳибкор қорақўли” фермер хўжалиги раҳбари Умид Қўчқоров

— 2017 йилдан фермер бўлибдики, яхшилиқни, ҳолис ниятни ўзига ҳамроҳ қилиб олган — дейди туман чорва-насл агентлиги вакили Шерзод Эшхолов. — Айни кунда 280 бош қўй-эчки, 100 та товуқ рацион асосида парваришлаб мақсад сари даядил бораётган фермеримиз мармарни қайта ишловчи кичик заводни ҳам бошқармоқда. Туман агробанкидан 130 минг доллар кредит олиб иш бошлади. 15 та ишчи ўрин яратди. Ишчиларнинг тўй-маъракаларида доимо бош-қош.

Иштихон туманидаги “Хўроз Норқулов” фермер хўжалиги раҳбари Жононбек Норқуловни қизгин иш устида учратдик. Бизга ҳамроҳлик қилган ушбу тумanning “Кёт” номли ҳудуди раҳбари Севарбой Файзиевнинг айтишича, Жононбек ҳар йили пахта, ғалла режалари-

ни ортиғи билан бажариб, даромаднинг бир қисмини қишлоқдошларига бўлиб берар экан.

— Эшитишимча, ушбу ҳудуд аҳил, иноқ илғорлари бисёр экан, — дейман Севарбой акага. — Демак, сизнинг ҳам анча-мунча меҳнатингиз сингган-да?

— Давлатимиз раҳбари элни рози қилайлик, деб ҳолис ният билан куйи-наётганларида томошабин бўлсак уят-да. Ахир, халқ рози, Худо рози деган, пурмаъно сўзлар бор...

Жононбек 40,7 гектар майдонда пахта етиштирмоқда, 40,7 гектар майдондаги ғалладан мўл уруғлик ҳосил олди.

— Насиб этса, пахтанинг ҳар гектаридан 45 центнер ҳосил кўтарамиз. Ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йиғиб олдик, — дейди Жононбек. — 46 бош қорамол, 10 гектар узум, 5 гектар боғ ҳам фермерга қарашли.

Пайариқ тумани заршунослари ҳам айни даврда кунни

тунга улаб меҳнат қияптилар. Тумanning “Карим ота” фермер хўжалиги раҳбари Хўрозали Каримбоевнинг шийпонида бир пиёла чой устида гурунглашдик.

— 33 гектар ғалла майдонидан 72 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Тенг ярми ўзимизга қолди — дейди Хўрозали. — Аъзоларимиз ҳам хурсанд. Уларга маошларидан ташқари бугдой ҳам тарқатдик. Пахтадан, на-

сиб қилса, 43 центнерни мўлжаллаб турибмиз.

— Бахтли йигит экансиз-да — дейман ҳазил аралаш.

— Ҳа-да, опа. 10 гектар боғдаги олма, узум, нок каби меваларга ҳам меҳр бериб қаралгани боис ҳосил баракали. Ўғлим Дилшод, укам Обиджон доимо ёнимда кўмакчи.



Суратда: “Карим ота” фермер хўжалиги раҳбари Хўрозали Каримбоев (ўнгда) ҳамда Пайариқ туман фермерлар кенгаши раиси Саъдулла Эсанов

Ушбу тумanning “УЗЗ-Умиджон” фермер хўжалиги раҳбари Наргизахон Убайдуллаева муомала маданиятни, ҳурмат-эҳтиромни, дала юмушларини онаси Сонияхон Мурматовадан ўрганган. У онажони ишларини давом эттириш билан бирга, саховатли бўлишни виждон амри деб билади. 30 гектар ғалла майдонидан 65 центнердан ҳосил йиғиб олиб, давлат режасини ортиғи билан бажарибди.

— Бугдой унидан ёпилган ноннинг хиди бошқача, — дейди Наргизахон, — озгина сариеғ қўшиб тайёрласангиз, дунёда ягона нонга айланади.

45 гектар пахта майдонига экилган ғўзалардаги кўсаклар лўппи бўлиб очилиш арафасида.

— 16 йил онажоним мана шу дала-ларни оби-тобига келтиргунча тинмадилар. Қўллари очик, сўзлари мулоим бўлганлиги учун бизнинг далада ишловчилар сони кўп эди. Инсон у дунёга қуруқ қўл билан кетса-да, яхшилиқ, меҳр-оқи-



Суратда: “УЗЗ-Умиджон” фермер хўжалиги раҳбари Наргизахон Убайдуллаева (чапда) ҳамда укаси Умиджон Убайдуллаев

бат қолади. Худойим мол-дунё сўрамайди, савобли ишларингни сўрайди, дер эдилар раҳматли онажоним, — дейди у.

Булунғур тумани менга таниш, дўстларим бисёр. Иккиланмай, сафарим ниҳоясида ушбу туман фидойилари томон ошиқдим. “Алия опа” фермер хўжалиги раҳбари Суннатжон Мисировнинг биз билан суҳбатлашишга вақти йўқлигини шошиб-пишиб гапиришидан сезиб қолдим.

— Узр, озгина вақтингизни оламан!.

— Майли, опа, фермерни биласиз-ку, сониялари ғанимат, — дейди Суннатжон. — 11 гектари картошка, 8 гектари ғалла, 3 гектари пиёздан иборат ер майдонимизнинг ҳар бирига алоҳида меҳр бериб режаларни ортиғи билан бажаряпмиз. Сен бирни берсанг, Худойим ўрни беради дейишади. Ғалладан

бўшаган ерларни кам таъминланганларга бўлиб бердик. Ёрдам сўраганларга имкон қадар мурувват кўрсатяпмиз.

Ушбу тумanning “Мирзаканал Дилшодбек” номли фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммаджон Алиқулов навбатдаги суҳбатдошим бўлди.

2004 йилдан фермерчиликни бошлаган қаҳрамонимиз ўз касбининг устаси бўлганлиги боис ҳар йили режаларни ортиғи билан бажарди, юзи ёруғ бўлиб, туманда обрў-эътибор топди. Кам таъминланганларга бераётган ёрдамидан эса қишлоқдошлари хурсанд. 10 гектар картошка, 15 гектар ғалла, 3 гектар пиёз, 4,5 гектар тут қўчатлари бўлиб, ҳар бири алоҳида парваришни талаб қилади.

У ишчиларни танлашда адашмади. Уларнинг маошларини вақтида бериб, дуоларини олгани боис ишлари ўнгидан

келаверади. Ғалладан бўшаган ерларни ёшларга, темир дафтарда турган хотин-қизларга бўлиб берди.

Булунғур туманида фидойилар бисёр. “Самарқанд-Булунғур-Элита” фермер хўжалиги раҳбари Шерали Эшманов ҳам том маънодаги фермер.

— 20 гектарда картошка, 4 гектарда пиёз бор, шундан 1 гектар пиёзимиз уруғчилик учун етиштирилади, — дейди Шерали. — Туманимизда пахта экилмайди, ғалла, мева-сабзавот экинларини экамиз. Биз мулкдормиз. Мулк бизники. Демак, меҳнатимизга яраша даромад топаверамиз.

— Ҳа, фидойиликни ўзига касб қилиб олган дала заҳматқашлари кўпаяётгани учун юртимиз кундан-кун гўзаллашиб, обод масканларга айланмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ФЕРМЕРЛАР ҲУЗУРИДА

ҚАДРИНИ БИЛГАН ҚАДРДОНЛАР

Инсон аввало ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмоғи керак. Шундагина иккиланмай, бошлаган ишини охирига етказа олади. Шунинг унутмаслик лозимки, биз Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Ал-Фарғоний, Амир Темур, Алишер Навоий каби буюк инсонларнинг, аллоҳларнинг авлодларимиз. Қанчадан-қанча дунёга танилган буюк зотларнинг давомчиларимиз.

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги “Бешбулоқ” фермер хўжалиги раҳбари Холйигит Шербеков ўз қадрини биладиган, бир сўзли, мард йигит эканини суҳбат асосида билиб олдим. 60 гектар пахта, 50 гектар ғалла майдонидан олаётган даромади чакки эмас. Ахир, режаларни ортиғи билан бажараётгач, даромад ҳам шунга яраша бўлади-да. Улар 2019 йили туман Халқ банкидан олган 100 минг доллар кредит эвазига 110 бош қора-ола зотли мол олишган эди. Кредитларини ёпиб, фойдага кирибди. 30 оила асаларилардан эл дастурхонига тоза ва сифатли асал етказиб бермоқда. 40 гектар ерга чорва моллари учун ошқовоқ, лавлаг, беда экиб, зотли молларни рацион асосида парваришламоқда.

Зафаробод тумани меҳнат аҳли ҳар соҳада илғор, инсонийлиги баланд, меҳмондўст, қўли очиқ, фидойи, камтар, бир сўз билан айтганда, самимий инсонлардир. Буни неча бор борганимда билиб олганман. Ушбу тумanning “Фатхул файз” фермер хўжалиги раҳбари Хайрулло Файзуллаев юқорида келтирилган таърифга мос ва хос.

Мени кўярда қўймай уйига меҳмондорчиликка таклиф этди. Уста деҳқон, 30 йил раҳбарлик лавозимида ишлаган отаси Файзулло Турдиевдан эсдалик бўлиб қолган шинамгина ҳовлига гуллар, мевали дарахтлар янада чирой бахш этарди. Онажони Зарифахон ая билан анчагача суҳбатлашиб ўтирдик. 80 ёшдан ошган бўлса-да, зийраклиги, тик қоматлилиги мени лол қолдирди.

— Хайрулла кенжатоим, у отасидан ўрганиб, далага меҳр қўйган меҳнатқаш, — дейди онахон.



Суратда: “Фатхул файз” фермер хўжалиги раҳбари Хайрулло Файзуллаев (чапда) ҳамда “Мададкор қуш” фермер хўжалиги раҳбари Зафар Исмаилов

— 50 гектар пахта, 30 гектар ғалла майдонида бирорта бегона ўтқи кўрса, дарров тозалайди, катталарга, қўни-қўшнига ҳам ёрдамини аямайди, — дея таъриф беришади қўшнилари.

— 25 сотихда балиқхонамиз бор, ҳозирда сазан уруғини ташладик. Худо насиб этса, кўпайтирамиз, — дейди фермер.

Унинг кичикроқ ҳажмли овқатланиш масканида одамлар ҳордиқ олишиб, бир пиёла чой устида хангомалашар эканлар.

Хайрулла 50 сотихли иссиқхонага лимон қўчатларини экмoқчи. Бир гектар майдондаги ёнғoқ, ўрик, анжир каби мевали боғдан ҳам у анчагина даромад қилмоқда.

Туман раҳбарлари аёллигимни инобатга олиб, туман агросаноат ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раисаси Матлубахон Ҳақимованинг менга ҳамроҳ қилиб беришганди. Туманда опанинг ҳурмати баланд экан, фермерларни топишда қийинчилик бўлмади.

Навбатдаги қаҳрамонимиз “Мададкор қуш” фермер хўжалиги раҳбари

Зафар Исматов. 37 гектар пахта, 30 гектар ғалла майдонида деҳқончилик қилаётган фермернинг нияти ҳолислиги боис ҳар гектар ердан 70 центнердан дон йиғиб олибди. Пахтазорлари ҳам кўзни қувонтиради. Кўсаклар момиқ пахта бўлиб очилай деб турибди.

— Худо насиб этса пахтадан 42 центнердан ҳосил йиғиб оламиз, — дейди Зафар кўзларидан қувонч нурини таратиб. — Ғалланинг 100 тоннасини давлатга топширдик, яна ўзимизга 80 тонна қолди. Қадр топган юртда қадримиз баланд.

200 бош қўй, 30 бош қорамол, 15 бош отни ҳам меҳр бериб, парваришлайётган фермер бу билан чекланиб қолгани йўқ. Унинг Автотеххизмат йўналишидаги кичик корхона, турли хил кийим-кечаклар жамланган дўкони ҳам эл хизматида.

— Зафаробод туманида атиргулдай ифори фермерларимиз ҳам бисёр, — дея Матлубахон опа ушбу тумanning “Писталикент лоласи” фермер хўжалиги раҳбари Санобархон Норбекова билан таништирди.

91,3 гектар пахта, 49 гектар ғалла майдони ҳақида айтишгина осон, лекин бу опа эплайпти, яъни бу ишлар аёл учун катта масъулиятли вазифа. Ваҳоланки, 5 сотих ерини увол қилиб ташлаб қўйган хонадон эгалари ҳам бор орамизда. Ақлни иродага, сабрни қаноатга бағишлаб, меҳнатнинг номини ҳалоллаб, эли, раҳбарлари олдида юзи ёруғ, чеҳраси баҳор бўлаётган ушбу қаҳрамонимизга ҳавас қилсак арзийди.

— Ғалланинг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Шундан 90 тоннаси ўзимизга қолди, фермер хўжалиги аъзоларига, кам таъминланган қишлоқдошларимизга ҳам тарқатдик, — дейди фермер. — Эндиги навбат пахтазорларга. Кўриб турибсиз, кўсаклар бисёр. 43 центнерни мўлжаллаб турибмиз.

— Қадр-қиммат деган тушунчалар ўз ўрнига қўйилмаптими? Яъни туманингиздаги раҳбарларнинг сиз фермерларга эътибори қандай?

— Албатта, туманимиз раҳбарлари ишлаганни ҳурмат қилишади. 2016 йили қоқлашиб қолган фермернинг ерини менга олиб беришди. Билим ва тажрибани ишга солдим, қолаверса, туман раҳбарлари кўмагига таяниб ишни давом эттирдим.

— Келажакдаги мақсадларингиз?

— Худо хоҳласа, кўп тармоқли фермер хўжалиги бўлмоқчимиз. Туман агробанк ходимлари билан маслаҳатлашиб, Қозоғистондан 200 бош қорамолларни келтириб, сутни қайта ишлаш цехини очмоқчиман.

— Покиза ниятингиз ҳамроҳингиз бўлаверсин.

Зафарободлик заршунослар билан хайрлашиб, Пахтакор туманига йўл олдим. Ушбу туманда “Имкон макони” фермер хўжалиги раҳбари, эндигина 26 баҳорни қаршилаган, аммо дунёқараши кенг, фаолияти ёрқин бўлган Абдуллажон Со-



Суратда: “Имкон макони” фермер хўжалиги раҳбари Абдуллажон Солиев

лиев билан дала майдонида, пахтазорлар оралаб суҳбатлашдик. 30 гектар майдондаги ғўзаларда кўсаклар шу қадар кўпки, санаб чарчаб қоласиз.

— 60 гектардаги ғаллани йиғиштириб олдик, — дейди қаҳрамонимиз. — Сўраб келгувчиларга бўшаган ерларни берган эдик, кўриб турибсиз, ҳар ким хоҳлаганини эқди. Натижасидан ҳамма хурсанд.

— Сиз ҳақингизда “пахтазорларини томчилатиб суғоришга мўлжаллаб ишлар бошлаган” деб эшитдик.

— Шундай. Пахтани томчилатиб суғорсак, баракали ҳосил олиш билан бирга сувни тежаймиз, айрим сувга муҳтож аҳолининг розилигини, дуоларини оламиз.

Пахтакор туманидаги “Семуруғ” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад Сувонқулов 2019 йил замонавий элита уруғчилик кластерини ташкил этиб, Хитой давлатидан ускуналар олиб келган. Натижада 57 та янги иш ўрни яратилди. Истиқболли лойиҳанинг умумий қиймати 10 миллиард 720 миллион сўм.

Уруғчиликка ихтисослашган “Семуруғ кластер” МЧЖ ҳамкорликда инновацион истиқболли иккита янги нав ҳаммуаллифлигига эга бўлди. 2020 йил ҳосилидан тайёрланган “Султон” навли юқори ҳосилли уруғлик чигитни Қозоғистонга шартнома асосида сотиб, республикамиздаги кластерлар орасида энг юқори нархда уруғлик чигит экспорт қилишга эришди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги жами 12 та пахта-тўқимачилик кластерига шартнома асосида мувофиқлик сертификати билан уруғлик чигит етказиб берди.

Зомин тумани аҳолисининг кўпчилиги лалми майдонларга ғалла сепиб, осмонга қараб, ёмғир кутиб яшайди. “Азизбек-



Суратда: “Азизбек-Лазизбек Камоловлар” фермер хўжалиги раҳбари Алишер Аҳмедов (чапда) ҳамда “Дилшод Эсонтурдиев” фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Эсонтурдиев

Лазизбек Камоловлар” фермер хўжалиги раҳбари Алишер Аҳмедов сувли 22 гектар ғалла майдонидан юқори ҳосил олиб, режани 120 фоизга уддалади. Аммо 15 гектардаги лалми ғалласи ёмғир ёлмагани туфайли нобуд бўлди.

— Начора, элга келган тўй деймиз, мақсад сари интилаверамиз, 2021 йил кузда экиладиган ғалламизга Аллоҳ аввал кузги, кейинчалик баҳор ёмғирини ёғдирса 2-3 йиллик даромад топамиз. 10 гектар полиз экинларимизга кўз тегмасин, далаларга кўрқибериб яшнаб турибди, — дейди Алишер.

35 гектардаги узумзорларни томчилатиб суғоришни ният қилган қаҳрамонимиз ана шу ҳолисона қарори устида бош қотиряпти. 5 гектар боғ, 100 бош қўй, 25 бош қорамол ҳам фермерга қарашли. Техникаларига қизиқдик.

— Етарли, ҳамма туридан бор, — дейди у.

Ушбу тумanning “Дилшод Эсонтурдиев” фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Эсонтурдиевнинг муваффақиятларини ҳам намуна қилсак арзийди. 6,5 гектар сувли ғалла майдонидан режани ортиғи билан бажариб, ўзига ва фермер хўжалиги аъзоларига тақсимлаб берибди. Афсуски, 38 гектардаги лалми жойга экилган ғалла жойида қуриб қолган. Яхшиямки, 4 гектар полиз экинлари, 3 гектар боғидаги мевалар сувли жойда бўлганлиги учун унга даромад келтириши аниқ. 100 бош қўйи, 20 бош моллар ҳам фермер хўжалиги ихтиёрида.

Хуллас, Жиззах вилоятининг фермерлари иссиқда ҳам, совуқда ҳам миришкорлик билан ишлаётган изланувчан, ўз юртига содиқ, ғурури баланд фидойилар, десам, айна ҳақиқат.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

**Қадрини билган қадрдонларим,
Сизга доим омад ёр бўлсин.
Тупроғига вафодорларим,
Самода офтоб, зиё бор бўлсин.**

**Сиз эришган ғалабаларда,
Элнинг дуоси, розилиги бор.
Сиз ёқтирган хув далаларда
Кетмон жаранги, унинг сеҳри бор...**

ФЕРМЕРАЛАР ҲУЗУРИДА

ШИЖОАТ БАРАКА КЕЛТИРАР

Аунёда ўзбеклардай меҳмондўст, самимий ва ўзига хос фазилатларга эга миллат топилмаса керак.

Ҳаёю ибоси, мардлиги, тўғрисиўзлиги, билим-саботи, доно-зукколиги, айниқса, тинчликсеварлиги туфайли бугунги кунда халқимизни бутун дунё танимоқда, тан бермоқда. Она юртимизнинг кундан-кун чирой очаётган кўркем қиёфаси, гўзал боғлари дастурхонининг тўқинлигида шижоатли фермерларимизнинг ҳалол меҳнат самараси бор.

Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар туфайли фермерлик тизими ривожланиб, эътиборга лойиқ ютуқларга эришилаётгани, кўп тармоқли фермер хўжаликларимиз сонининг кундан-кун ортиб бораётгани ҳам бунинг исботи. Бу каби ютуқларни Фарғона вилояти фермерлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Қува туманида фаолият юритаётган “Усмон ҳожиота” фермер хўжалиги раҳбари Камолидин Мамадалиевнинг тажрибаси ўрнатма лойиқ десак, хато бўлмайди.

Фермернинг айтишича, илмнинг осони йўқ, аммо режага амал қилиб, ернинг дардига тушуниб, унга вақтида ишлов бера олсак, қачон нималар билан озиқлантириш кераклигини англаб етсак, 7 куннинг талабини қондира олсак, қанча тонна кутсангиз, ортиғи билан олсиз. 25 гектар буғдойимиздан 70 центнердан ҳосил олдик. Давлат режасини бажариб, юзимиз ёруғ бўлди.

Фермер хўжалигимиз ишчиларининг ҳам, ўзимизнинг ҳам дастурхонимизни бир йилгача мазали, тўйимли, ҳиди димоғингизни жамбил ҳидидай тотли нонлар бегаб туриши аниқ.

Ушбу тумандаги “Умарова Мавлудахон бўстони” фермер хўжалиги раҳбари Дадажон Умаров эса шундай дейди:

— Нон — ўзбекнинг энг эъзозли неъматидир, дастурхонимиз кўрки. Шунинг учун бу йилги ютуқларимиздан нафақат ўзим, балки фермер хўжалигимизнинг барча аъзоларидан тортиб, кўни-қўшниларимиз ҳам хурсанд, 39 гектардаги ғалла майдонидан 75 центнердан дон йиғиб олдик. Сомонини ҳам, режадан ортган донини ҳам фермер хўжалиги аъзолари,



Суратда: (ўнгдан) “Усмон ҳожиота” фермер хўжалиги раҳбари Камолидин Мамадалиев ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи Озодбек Ристаев ва “Умарова Мавлудахон бўстони” фермер хўжалиги раҳбари Дадажон Умаров

қўшнилар билан бўлиб олдик. Ахир, савоб ишни ҳар сония, ҳар дақиқаларда қилмоқлик инсоний бурчимиз-да. Энди бор эътиборимизни 45 гектардаги пахта майдонимизга қаратамиз. Худо насиб қилса, 42 центнердан оқ дурларни йиғиб олиш дилдаги мақсадимиз.

— Демак, даромадингиз ҳам шунга яраша, яхшигина бўлади?

— Секинроқ айтасизми, ахир мулкдоримиз, ўз еримиз, ўз майдонимиз бор. Унга қанча кўп меҳр берсак, у бизга саховат кўрсатаверади. Шукрки, тўйлар қиялпимиз, тўйлар кўряпимиз, кам таъминланган қишлоқдошларимизга ёрдам беряпимиз.

Туманимизда илғор фидойи фермерларимиз бисёр, – дейди Кува тумани қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи Озодбек Ристаев. — Вақтингиз бўлса, яна шижоатли фермерлар билан таништираман. Матбуотга кўриниб туришни хоҳловчилари ҳам кўп.

– Яхши бўларди, айрим қолоқлар ҳам ўрнак олармиди, – дейман.

Тумanning Деҳқонобод маҳалласида “Турғунбой Исмоилов” фермер хўжалиги раҳбари Усмонжон Исмоилов билан танишиб, унинг меҳнатдаги муваффақияти сирлари ҳақида сўрадик.

Авалло ерга яхшилаб ишлов бериш керак, – дейди фермер. – Октябрь ойида экилган буғдой уруғларининг натижаси салмоқли бўлади. Бегона ўтлардан ҳимоя қилсак, айниқса, техникадан фойдаланиб, дорисини, сувини меъёردа, тартиб билан бериб парваришласак, натижаси баракали бўлади.

16 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йиғиб олган Усмонжон 28 гектардаги пахта майдонидан 43 центнер ҳосил йиғиб олиб, даромаднинг бир қисмини кам таъминланган қишлоқдошларига ёрдам тариқасида ҳадя қилмоқчи.

Ушбу тумanning “Нилуфар” фермер хўжалиги раҳбари Фаррух Шайдуллаев ёш бўлишига қарамасдан ўткир зеҳни, ақли. У меҳнат сирларини отаси, 25 йил колхоз раиси лавозимида ишлаган Ахмадулло акадан ўрганган.

– Панду насиҳатларига қулоқ тутиб кам бўлмадим. Ернинг тилинигина эмас, дилигача ўзлаштирдим, опа, – дейди ҳазил аралаш.

Шўх, юрагида ўти бор, меҳнат қилиб чарчамайдиган Фаррухга ҳавасим келди.

– 19,6 гектардаги ғалла майдонидан 76 центнердан ҳосил йиғиб олдик, – дейди фермер. — Ғалладан бўшаган ерларга 20-30 сотихдан темир дафтарга кирган аёлларга, ёшларга бўлиб беряпмиз. Шудгорлаб, экиб ҳам беряпмиз.

– Виждонли, ориятли йигит 28,4 гектар пахта майдонидан 41 центнердан ҳосил йиғиб олмоқчи.

Бир сўз билан айтганда, Кува туманида шижоатли фермерлар бисёр. Мен уларнинг пахта, ғалла майдонлари ҳақида сизларга ҳикоя қилдим. Улар аслида кўп тармоқли. Моллари, қўйлари, товуқлари ҳам бор. Боғлардаги меваларидан келаётган даромад ҳам талайгина. Асаларичилик, балиқчилик соҳасини ҳам пухта ўрганишган.

Хуллас, миришкор, узоқни кўзлаётган фермерларга омад ёр бўлаверсин.

Кувалик фермерлар билан хайрлашиб, Риштон туманида не гаплар дея ушбу манзил томон ошиқдик. Мени туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи Муроджон Маҳмудов илиққина эмас, иссиққина кутиб олди.

Ташқаридан камтар, содда кўринган бўлим бошлиғининг ўта ақли, ўз ишининг билимдони эканлигини суҳбат асносида билиб олдим. Меҳмонлари бисёрлигини айтиб, узр сўраб, мени туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбари Фарҳоджон Жамолов билан таништирди. “Эҳтиёт қилинг, ўзимизни опа-я” дея ҳазиллашиб қўйди.

У ерда ушбу тумanning илғор фермер аёлларидан бўлмиш “Ихтиёр СМИК” фермер хўжалиги раҳбари Мўтабархон Аҳмедова билан дилдан суҳбатлашиб бахтига муяссар бўлдим.

– 90 гектар ғалла майдонидан ҳар йили 70-80 центнер ҳосил йиғиб оламиз, – дейди опа ғурур билан. – 90 гектар пахта майдонидан 40-45 центнердан ҳосил олиб раҳбарларимиз олдида юзимиз ёруғ. Очиқроқ гапирганда, меҳнатни ақл ва тартиб билан бажарсак, режалар улкан, даромад ҳам шунга яраша бўлади-да. Уйимизда тўю тантана. Аъзоларимиз ҳам улушини олишганлигидан хурсанд.

Ҳа, опанинг кўркам шийпони бор, гулу райҳонлар янада чирой бериб, чарчоқ сезилмас даражада гўзал.

– Ажойиб, тароватли, хушбўй дам олиш масканингиз бор экан, ҳордиқ олиб, ижод қиладиган оромгоҳ экан, – дедим кулгу аралаш.

– Сиз мақтаётган мана шу кошонамиз покизаликни хуш кўрувчи қишлоқ хўжалиги вазирлигининг биринчи ўринбосари Шухратжон Тешаевнинг тавсияси, очиқроқ айтсам, топшириғи билан яратилган – дейди фермер, – Шухратжон бекаму кўст инсон, муомаласи, билими, дунёқарашига бизнинг фарғоналик деҳқонлар тасаннолар айтишади. Билмаган соҳаси, ўқимаган китоби йўқ. Соғ бўлсин укажоним.

Опани кўп тармоқли миришкорлар қаторига қўшсак арзийди. Анча-мунча йигитлар қилолмайдиган ишлар унинг забардаст елкасига оғирлик қилмайди. Германиядан келтирилган 125 бош қорамол, 50 оила асал арилар, 13 гектардаги сабзавот экинлар, 100 бош товуқ ҳам қаҳрамонимизга қарашли.

– Аёلسиз, сизга шунча ишлар оғирлик қилмайдими?

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевни кўрган, суҳбатлашган бахтли аёлман. Ўзинг яхши, олам яхши деган гўзал ибора бор. Қалбинг пок, ниятинг улуғ, ўзингни, ўзгаларни ҳурмат қила олсанг, сени қўллагувчи, ҳимоя қилгувчи дўстларинг кўпаяверади. Ўғли Эркинжон онасига ёрдамчи.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: “Ихтиёр СМИК” фермер хўжалиги раҳбари Мўтабархон Аҳмедова

**Бахт ва омад сизга ярашгай,
Фарғонамнинг зўр фермерлари,
Аллоҳ сизга доим қарашгай,
Марду майдон, жонон ҳурлари.**

**Чўлни бўстон қилган ўзингиз,
Сизга таъзим, сизга борлигим,
Кулиб турсин чарос кўзингиз,
Менинг азиз Ватандошларим.**

ҲАЁТ МЕЗОНИДА ИНСОФ...

Менинг отам кўп йиллар колхоз раиси бўлган. Аммо оддий одамлардай яшаганмиз. Бировнинг дилини оғритмаган, ночорларга ёрдам бериш керак, дея топганини қишлоқдошларимиз билан баҳам кўрган. Онам эса бизга ёмонлик қилганларга ҳам яхшилик қилган, улар уялганларидан дунёқарашини ўзгартиради, дер эди.

Мен кўлимга қалам олибманки, отажоним каби меҳнат қилган дала фидойилари ҳақида ёзаман. Деҳқон меҳнати мен учун жуда қадрли. Баъзан “бир хиллик бир ҳолат” деган кинояларни ҳам эшитиб қоламан. Устозларимга эътирозлар ноўрин эканлигини айтиб, хафа бўламан. Ахир, деҳқон кечаю кундуз ўша гектарида режаларини ортиғи билан бажарай деб ишлайди. Қаҳрамонларим орасида “раҳмат” дегувчилари бисёр. Аммо айримлари, мен ҳақимда кам ёзибсиз дея хафа ҳам бўлишади.

Уларга қарата: “Азиз фермерлар, жонкуярларим, гап журналнинг икки бетини тўлдириб ёзишда эмас, сизнинг борлигингиз, тонналар учун қилаётган меҳнатингизни, аниқ рақамлар мезонидаги фаолиятингизни эътироф этишда” дея таскин бераман.

Мен яна ўша самимий фидойи деҳқонларим – меҳнаткаш фермерлар томон ошиқаман. Июн ойида Ховос туманидаги “Норбўта-Набижон” фермер хўжалиги раҳбари Алимқул Ҳасановнинг ғалла майдонидаги иш жараёнини кузатдим. Комбайнлар тонгни тунга, тунни тонгга улаб ҳаракатланмоқда.

Фермер эса ҳосилнинг донаси ҳам тўкилмасин, буғдой тозалаб ўрилсин дея комбайнлар орқасидан чопади, назорат қилади.

58 гектардаги донлар бошқалардан ажратилиб, тонналарга айланмоқда. Комбайн бошқарувчилари учун иссиқ овқат, чой, нон, мевалар тайёрлаб, қачон хоҳишлари бўлганида тановул қилишлари мумкин, дея таклиф қилишади



Суратда: “Тинибек бобо” фермер хўжалиги раҳбари Нади Тинибек

Фақат ғаллачиликдан иборатми фаолиятингиз?

— Ҳозирча шундай, ҳудуд раҳбариман, бошқа фермерлар учун ҳам масъулман.

— Ғаллангиз кўзни кувнатади.

— Ўзим ҳам хурсандман, 70 центнердан ҳосил йиғиб оламиз. Режадан ортиғини фермер хўжалиги аъзолари билан баҳам кўраимиз.

Сирдарё туман заршунослари ҳам кўп йиллик уста деҳқонлар тажрибасидан ўрناк олиб, астойдил меҳнат қилишмоқда. Масалан, “Тинибек бобо” фермер хўжалиги раҳбари Нади Тинибек 65 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олибди, тенг ярми ўзи ва фермер хўжалиги аъзоларига насиб қилган.

Қойил-э, устасига барибир деганлари шу бўлса керак.

— Албатта, ҳалол меҳнат, далани соғиниш, меҳр бериш, вақтида озиқлантириш натижасида эришдик синглим, — дейди Нади бобо.

— Пахтазорларингиз ҳам чакки эмас, эндиги навбат ғўзалар парваришига, шундайми?

Кўряпсизми? 31 гектардаги ғўзала-римиз гуллаб, кўсак тугай деб турибди. Аллоҳим қарашса, ҳар гектаридан 42 центнерни мўлжаллаб турибмиз.

— Ҳа, азиз мухлис, яхшини яхши, ёмонни ёмон дегувчи халқ. Халқини, юртини эъзозлайдиган раҳбарлар доимо эл назарида. Мақоламнинг номини бежизга “Ҳаёт мезонидаги инсоф” дея номламадим. Азиз замондош, ҳаётимиз тинч, юртимиз фаровон, ғўзал, обод Ўзбекистонимизга кўз тегмасин.

Раъно ЮСУПОВА,
журналист.



Суратда: “Норбўта-Набижон” фермер хўжалиги раҳбари Алимқул Ҳасанов

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ “ТЕРМИЗ-202” ҒЎЗА НАВИНИНГ БАРГЛАРИ ТЎКИЛИШИ ВА КЎСАКЛАРИ ОЧИЛИШИГА ДЕФОЛИАНТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

In the conditions of takyr-like soils with signs of alluvial growth in the Surkhondarya region, the use of defoliant Liquid KMD with a rate of 8.0-9.0 l / ha and UzDEF with a rate of 7.0-8.0 l / ha for opening of bolls of 30-40% and 40-50% on fine-fiber cotton variety Termiz-202, depending on leaf maturation and opening of bolls, the yield of raw cotton averaged 34.6-35.2 c / ha and 34.8-35.9 c / ha.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида” ги қарорига асосан Сурхондарё вилоятининг асосий майдонига (жами: 20,650 гектар) ингичка толали ғўза навларини жойлаштириш режалаштирилган. Ушбу ингичка толали ғўза навларида сифатли дефолиация ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Республикаимиз пахта майдонларида, асосан, Суюқ-ХМД, Супер-ХМД, ЎзДЕФ, Августон-экстра, Энто-дефол, дефолиантларидан фойдаланилиб, сунъий баргсизлантириб келинмоқда.

Бироқ, шуни ҳам эътироф этиш керакки, ҳар бир янги ингичка толали ғўза навида ушбу дефолиантларнинг мақбул меъёри ва муддатларини ишлаб чиқиш зарур. Сабаби, дефолиантлар қачонки мақбул меъёрларда қўлланилсагина, унинг самарадорлиги юқори бўлади. Шу нуқтаи-назардан ингичка толали “Термиз-202” ғўза навида Суюқ-ХМД ва ЎзДЕФ дефолиантларини турли меъёрларда қўллаб, уларнинг мақбул муддат ва меъёрларини аниқлаш бўйича 2018-2020 йилларда илмий-тадқиқотлар олиб бордик.

Ғўза дефолиацияси сифатли, мақбул меъёр ва муддатларда ўтказилса, ғўза барглари тўкилибгина қолмай, балки қатор ораларидаги ҳаво аэрацияси яхшиланиб, кўсақлар самарали ҳароратдан кўпроқ фойдаланади ва пишиб етилиши эрта бўлиши ҳисобига ҳосил салмоғи ва сифати ортади. Қолаверса, халқимиз ризқи ҳисобланган ғаллани мақбул муддатларда экиш имкони яратилади.

Тажрибалар ПСУЕАИТИнинг Сурхондарё илмий-тажриба станцияси тажриба хўжалик далаларида олиб борилди. Тажриба услубий қўлланмасига (Дала тажрибаларини ўтказиш услублари, ЎзПТИ 2007 й) асосан ўтказилиб, Суюқ-ХМД (8,0-9,0-10,0 л/га) ҳамда ЎзДЕФ (7,0-8,0-9,0 л/га) дефолиантларининг турли меъёрлари ингичка толали “Термиз-202” ғўза навининг кўсақлари 30-40% ва 40-50% очилган муддатларда қўлланилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, тажриба ўтказилган йилларда дефолиантларнинг барглари тўкилиши, кўсақлар очилиши ва пахта ҳосилдорлигига таъсири ўрганилганда, қолган (2019-2020) йилларда ҳам бир-бирига яқин қонуният кузатилганлиги сабабли, 2018 йилги маълумотлар келтирилди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, дефолиациядан олдин ўсимликнинг биологик ҳолати аниқланиб, 1-муддатда ўсимликнинг бўйи 106,0 см. ни, яшил барглари сони 20,3 кў-

сақлар сони 18,4 донани ва шундан очилганлари 35,7% ни, 2-муддатда эса ўсимликнинг бўйи 105,7 см. ни, яшил барглари сони 21,6 донани, кўсақлар сони 21,8 донани ва шундан очилганлари 49,2% ни ташкил этиб, белгиланган муддатларга мос келганлиги маълум бўлди.

Суюқ-ХМД ҳамда ЎзДЕФ дефолиантининг ғўза барг тўкилиши ва кўсақлар очилишига таъсири ўрганилганда, 1-муддатда (кўсақлар 30-40% очилганда) Суюқ-ХМД дефолианти 8,0 л/га, ЎзДЕФ дефолианти 7,0 л/га меъёрда, 2-муддатда (кўсақлар 40-50% очилганда) эса Суюқ-ХМД дефолианти 9,0 л/га, ЎзДЕФ дефолианти 8,0 л/га меъёрда қўлланилганда, бошқа вариантларга нисбатан самараси юқорироқ бўлганлиги кузатилди. Яъни, 1-муддатда дефолиациядан 14 кундан сўнг тўкилган барглари сони Суюқ-ХМД 8,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда 90,2% ни, кўсақлар очилиши 83,2% ни ташкил этган бўлса, ЎзДЕФ 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 90,8-84,1% бўлгани кузатилди. Шунингдек, 2-муддатда Суюқ-ХМД 9,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда тўкилган барглари 89,3% ни, кўсақлар очилиши 91,2% ни ташкил этиб, ЎзДЕФ 8,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда юқори бўлиб, тўкилган барглари 90,2% ни, очилган кўсақлар 91,8% ни ташкил этди. Ушбу дефолиант қўлланилганда барг тўкилиши бироз юқорилиги аниқланди.

Дефолиантларнинг “Термиз-202” ғўза нави ҳосилдорлигига таъсири аниқланганда, 1-муддатда дефолиация ўтказилганда (Суюқ-ХМД-8,0 ва ЎзДЕФ-7,0 л/га) ҳосилдорлик ўртача 34,6-35,2 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,2-1,8 ц/га қўшимча ҳосил олингани аниқланди. 2-муддатда Суюқ-ХМД-8,0 ва ЎзДЕФ-7,0 л/га меъёрда дефолиантлар қўлланилган вариантларда пахта ҳосили 34,8-35,9 ц/га ни ташкил қилиб, қўшимчаси эса 1,3-2,0 ц/га ни ташкил.

Шундай қилиб, Сурхондарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида парваришланаётган ингичка толали “Термиз-202” ғўза навидан юқори ва сифатли пахта хомашёси териб олиш учун ғўза кўсақлари 30-40% очилган муддатда Суюқ-ХМД дефолиантини 8,0 л/га ва ЎзДЕФ дефолиантини эса 7,0 л/га меъёрда, ғўза кўсақлари 40-50% очилган муддатда Суюқ-ХМД-9,0 л/га ҳамда ЎзДЕФ-8,0 л/га меъёрлари энг мақбул бўлганлиги аниқланди.

Фатхулло ТЕШАЕВ,
қ.-х.ф.д., профессор,

Ахмаджон КОДИРОВ,

ТошДАУ Термиз филиали ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Зокиров Т.С. Химическая дефолиация и десикация хлопчатника. Ташкент. “Ўзбекистан”, 1968. С. 309.
2. Имомалиев А.И. Дефолианты и их физиологические действия на хлопчатник. Ташкент. “Фан”, 1969. С. 307.
3. Тўраев У.А. Дефолиантлар сардори. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Тошкент, 2000 й, №4. 21-б.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ. Тошкент, 2007 й, 87-90-б.

ДЎЗАНИНГ ГЕОГРАФИК УЗОҚ ДУРАГАЙЛАШ УСУЛИ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН F_4 ОИЛАЛАРИДА ҚИММАТЛИ-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

The article presents an analysis of the valuable economic characteristics of the F_4 families created by the method of remote geographical hybridization of the cotton.

Кейинги йилларда турли зараркунан-да ва касалликлар кўзғатувчиларининг нисбатан агрессив, янги популяцияларининг пайдо бўлиши сабабли ўсимликларда чидамлилиқнинг генетик тўсиғи бузилиши кузатилиб, бу ўза ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Янги генетик манбалар асосида вертициллёз вилтига бардошли, комплекс қимматли-хўжалик белгиларига эга ўза навларини яратиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ушбу муаммони ҳал қилиш имконини беради.

Дунёнинг пахта етиштирувчи давлатлари олимлари томонидан географик узоқ дурагайлаш усули кенг қўлланилмоқда. Улар томонидан турли минтақалар селекциясига мансуб ўза навлари иштирокида қимматли рекомбинантлар ажратиб олинган ва навлар яратилган.

Тажрибалар 2016-2019 йиллар давомида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Марказий тажриба хўжалиги дала-сида олиб борилди. Тадқиқотларда агротехник тадбирлар ЎзПТИ да ишлаб чиқилиб тасдиқланган агро-техник тадбирлар доирасида олиб борилди. Дала шароитида чигитлар 60х20-1 тартибда, вариантлар 4 так-рорланишда, рендомизация усулида экилди.

Тадқиқотлар натижасида яратилган F_4 оилаларининг қимматли-хўжалик белги кўрсаткичлари бўйича маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган. Маҳсулдорлик белгиси бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар F_4 Л-Т х S-6593 ва F_4 Л-578 х S-6596 оилаларида кузатилиб, кўрсаткичлар мос равишда 150,9 ва 156,1 г.ни ташкил этди. Ўсув даври давомийлиги бўйича F_4 оилалари андоза навларига ва ота-она шакллари нисбатан 4-6 кунга эртапишар бўлди. Фақат F_4 Л-Ю х S-6596 оиласининг ўсув даври давомийлиги (110 кун) ота-она шакллари ва андоза навидан фарқ қилмади. Бир дон қўсақдаги пахта вази белгиси бўйича кўрсаткичлар

андоза навларига нисбатан 1-1,5 г.га юқори бўлган бўлса, ота-она шакллари кўрсаткичларидан фарқ қилмади. Л-Т х S-6593 оиласи 1000 дон чигит вази белгиси бўйича андоза навларига ва ота-она шакллари нисбатан 7-9 г.га юқори бўлди. Тола чиқими белгиси бўйича яратилган F_4 оилаларининг кўрсаткичлари андоза навларига нисбатан 4-5 % га, ота-она шакллари нисбатан 1-2% га юқори бўлди. Тола узунлиги белгиси ажратилиб олинган 5 та оилада андоза навларига нисбатан 0,05-0,09 дюймга узун, қолган оилаларда ушбу

кўрсаткичлар андоза навлари ва ота-она шаклларида деярли фарқланиши кузатилмади. Яратилган оилаларнинг вертициллёз вилт билан кучли ва умумий даражада зарарланиши андоза навларига нисбатан анча паст бўлиши кузатилди. Фақат F_4 Л-578 х S-2515 оиласи вертициллёз вилт билан кучли даражада 17,5% га, умумий даражада 22,7% га зарарланди. F_4 Л-578 х S-489 ва F_4 Л-Т х S-6593 оилаларида вертициллёз вилти билан зарарланиш ҳолати кузатилмади.

Олиб борилган селекцион-генетик Жадвал.

Дўзанинг F_4 оилаларининг қимматли-хўжалик белги кўрсаткичлари ва вертициллёз вилти билан зарарланиши

Андоза навлари ва F_4 оилари	Ўсув даври давомийлиги (кун)	Маҳсулдор-лик, г	Бир дон қўсақдаги пахта вази, г.	1000 дон чигит вази, г	Тола чиқими, %	Толанинг юқори ўрғача узунлиги (дюйм)	Вилт билан зарарланиши, %	
							Кучли	Умумий
St.Наманган	110	163,6	5,5	124	37,3	1,12	18,9	18,9
St.C-6524	109	146,2	6,1	128	36,1	1,16	16	20
Л-578	109	184,1	6,2	120	40,2	1,17	2,2	17,7
Л-Т	108	154,0	6,1	122	40,5	1,2	8,1	32,6
Л-Ю	110	162,7	6,5	108	40,0	1,17	4,7	37,2
S-6003	115	145,2	5,8	109	41,3	1,18	15,7	18,4
S-2515	114	161,7	6,4	144	35,8	1,16	1,1	14,7
S-6082	110	140,9	5,6	112	40,1	1,17	68,5	84,2
S-489	118	150,9	6,0	112	40,4	1,16	21,7	36,9
S-6593	109	137,0	5,4	122	38,5	1,19	13,0	19,5
S-6596	110	150,7	6,0	120	40,6	1,2	17,6	44,1
Л-578 х S-6003	105	141,0	6,6	117	38,8	1,17	0	1,8
Л-Т х S-6003	103	139,0	6,4	119	39,1	1,21	9,5	13,7
Л-578 х S-2515	105	113,7	6,3	118,6	41,1	1,14	17,5	22,7
Л-Т х S-2515	106	134,3	6,3	122,4	38,4	1,17	3,7	4,6
Л-578 х S-6082	105	138,8	6,1	114	42,8	1,2	1,6	1,6
Л-Ю х S-6082	105	139,7	6,2	121	38,2	1,15	5,2	6,9
Л-578 х S-489	104	119,7	5,9	116	36,9	1,2	0	0
Л-Т х S-489	104	136,5	6,6	117,6	37	1,15	1,5	1,5
Л-Т х S-6593	104	156,9	6,9	135	37,3	1,21	0	0
Л-Ю х S-6596	110	117,4	6,7	120,8	40,1	1,16	0,9	0,9
Л-578 х S-6596	104	156,1	6,0	111,6	39,6	1,2	2,6	5,2
ЭКФ _{0,5}	1,59	6,29	0,77	3,23	1,42	0,05		

тахсиллар асосида қимматли-хўжалик белгиларининг ижобий мажмуи эга бўлган F₄Л-578 х S-6596, F₄Л-Т х S-6003 оилалари ажратиб олинди. F₄Л-Т х S-6003 оиласининг ўсув даври давомийлиги 103,9 кун, маҳсулдорлик белгиси кўрсаткичи 139,0 г, бир дона кўсагдаги пахта вазни 6,4 г, 1000 дона чигит вазни 119 г, тола чиқими 39,1%, толанинг

юқори ўртача узунлиги 1,21 дюйм, вертициллёз вилти билан зарарланиши кучли даражада 9,5% ни, умумий даражада 13,7% ни ташкил этди. Шунингдек, F₄Л-578 х S-6596 оиласининг ўсув даври давомийлиги 104,7 кун, маҳсулдорлик белгиси кўрсаткичи 156,1 г, бир дона кўсагдаги пахта вазни 6,0 г, 1000 дона чигит вазни 111,6 г, тола чиқими 39,6%,

толанинг юқори ўртача узунлиги 1,2 дюйм, вертициллёз вилти зарарланиши кучли даражада 2,6% ни, умумий даражада 5,2% ни ташкил этди. Яратилган F₄Л-Т х S-6003 ва F₄Л-578 х S-6596 оилалари селекцион-генетик дастурларда қўлланишга тавсия этилади.

Тиллахон СЕЙТНАЗАРОВА,
қ.х.ф.ф.д., ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Автономов В.А. Генетические аспекты селекции болезнеустойчивых сортов хлопчатника с повышенным выходом и качеством волокна: Автореф. дисс. докт. с.-х. наук: 06.01.05. – Ташкент, 1993 г. – 24 с.
2. Намазов Ш.Э. Амалий ғўза селекциясида тур ичида ва турлараро мураккаб дурагайлашнинг генетик асослари: Автореф. дисс. қ.-х. фан. докт: 06.01.05. – Тошкент, 2014 й. – 28 б.
3. Нияматов М.М. Изучение комбинационной способности географически отдаленных гибридов хлопчатника на гетерозис. Автореф. дисс. канд. с.-х. наук: 06.01.05. Душанбе, 2009 г. – 22 с.

УДК: 631.633.27

ИССЛЕДОВАНИЕ

ИЗУЧЕНИЕ РАЗЛИЧНЫХ СОРТОВ СОИ В ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ УСЛОВИЯХ

The article discusses the correct placement of varieties on the ecological zones of the regions, taking into account the greatest adaptability of each variety to local conditions. The main criterion for determining the adaptability of a variety to local conditions is normal growth and development, ensuring sustainable high yields from year to year.

Современное производство предъявляет к сортам все более высокие требования. Разнообразие почвенно-климатических условий климата, ставит новые задачи перед сельским хозяйством. Особенности резко континентального климата заключается еще и в том, что по характеру распределения и интенсивности проявления метеорологических факторов по годам и в течение вегетационного периода наблюдается значительная нестабильность.

Усыхание Аральского моря привело к оживлению многочисленных мелких солончаков к контурам орошаемых массивов. В связи с отсутствием естественных препятствий и равнинностью рельефа, беспрепятственно проникает с севера и северо-востока значительные воздушные массы, соле-пылевые бури. Орошаемые зоны Южного Приаралья, ежегодно подвергаются вторичному засолению, из-за поднятия грунтовых вод и соле-пылевых переносов из высохшего дна Аральского моря. Поэтому в Республике Каракалпакстан возникает необходимость на скороспелых и солеустойчивых сортах сои. Широкое испытание исходного материала в этих условиях, позволяет выявить местных экотипов.

Сорта могут быть более приспособленными, менее приспособленными или вовсе неприспособленными для тех или иных природных условий. Это определяет, в конечном счете, способность сорта давать больший или меньший урожай в одинаковых условиях агротехники. Наибольший производственный эффект от того или иного сорта можно получить только в том случае, когда он попадает в условия, соответствующие его требованиям. Поэтому, очень важная задача заключается в правильном размещении сортов, по экологическим зонам регионов, с учетом наибольшей приспособленности каждого сорта к местным условиям.

Основным критерием для определения приспособленности сорта к местным условиям, является нормальный рост и развитие, обеспечивающего получение устойчивых высоких урожаев по годам. Для производства наибольшую ценность представляют сорта, способные давать в данной местности высокие и устойчивые урожаи.

В целом, высокая модификационная изменчивость генотипов сои, в различных агроэкологических условиях, делает необходимым изучение исходного материала и выделение новых образцов в этих зонах, для которых создается сорт. При этом мы уделяем большое внимание разнообразным образцам по происхождению с ценными генетическими, физиологическими, морфологическими и другими признаками, что облегчает выделение форм с необходимыми свойствами. Для решения данной задачи, используем множество местных и зарубежных сортов, выведенных в разных агроэкологических условиях.

В.Зуев отмечает, что необходимо учитывать потребность сои в элементах питания по фазам развития и содержание в пахотном слое их доступных форм. Нужно иметь в виду, что 50-70 % общего потребления азота, соя восполняет за счет биологической фиксации его из воздуха посредством симбиоза с клубеньковыми бактериями. Подбор удобрений, дозы и сроки внесения определяются потребностями растений, свойствами почвы и климатическими условиями данной местности. Г.Ларионов большое внимание уделял роли сорта в повышении урожайности. Он отмечает что, важно знать морфологические отличия, требование каждого сорта к окружающей среде, т.е. почвам, климатам, удобрению, поливам и др. Особенно важно знать биологические свойства сорта, определяющие производственную ценность его и яв-

ляющиеся основой для построения правильной технологии выращивания семян.

Соя, обогащающая почву азотом, является одним из лучших предшественников для зерновых, овощных, кормовых и технических культур. Р.Мавлянова отмечает, что сою можно размещать после любых культур, но лучше всего она удается после зерновой культуры. Не следует размещать сою рядом с посевами зернобобовых культур и бобовых трав, у которых с соей много общих вредителей и болезней. В борьбе с вредителями, особое значение имеет севооборот, с возвращением сои на прежнее место, через 2-3 года. Д.Пирназаров и В. Ким отмечают, что эффективным методом повышения урожайности сои на 20-25 % является предпосевная обработка семян. Откалиброванные семена обеззараживают от ряда болезней, обрабатывая их протравителями, разрешенными к применению на продовольственных культурах. Полезны и обработка семян микроэлементами (молибден и бор), с инокуляцией их соевой ризоторфином. Микроудобрения положительно влияют на развитие растений и их устойчивость к неблагоприятным факторам окружающей среды. Наиболее эффективно внесение микроэлементов при предпосевной обработке семян и некорневой подкормке растений. При сборе материалов для исследования, мы уделяли особое внимание образцам сои, по происхождению с ценными биологическими, морфологическими и другими признаками, что облегчает выделение форм с необходимыми свойствами. Для решения данной задачи, объектами исследований служили сорта местного происхождения Орзу, Нафис, Ойжамол, Барака, Тумарис, и инорайонные, как Фаворит, Селекта-302, Селекта-201, Амиго, Спарта, Арлетта, Виктория, Аванта. Все заготовленные материалы изучались в экспериментальной базе Каракалпакского научно-исследовательского института земледелия, где почвы по механическому составу относятся к

средне суглинистой и среднесоленной. Посев производили в оптимальный срок для данной зоны (вторая декада апреля), т.е., когда почва прогрелась на 12-14°C на глубине посева семян. Вышеперечисленные сорта высевались на делянках размером 24 м² каждый (10м x 2.4м. один проход хлопковой сеялки), в четырехкратной повторности, в два яруса, норма высева 70 кг/га.

У бобовых растений, высота расположения первых бобов имеет особое значение. При низком расположении бобов, ценная часть зерна остаётся не убранной. Высокое расположение первых бобов наблюдались у сортов Виктория, Арлетта, Орзу, Селекта – 201 и Тумарис. Высота прикрепления бобов у них были на уровне 15,1-15,5 см.

Среди сортов скороспелыми были Селекта-201, Тумарис, Арлетта, Виктория, где вегетационный период составил от 111 до 118 дней. Позднеспелыми оказались сорта Барака, Нафис, Ойжамол, Орзу и Селекта – 302, где вегетационный период длился до 140 дней.

По урожаю лучшими были сорта Тумарис, Виктория, Фаворит. Арлетта, Селекта-302, обеспечившие урожай 26,6-27,5 ц/га. Относительно низкий урожай получен у сортов Ойжамол, Нафис, порядка 22,4-23,6 ц/га.

Среди испытываемых сортов перспективными оказались сорта, Виктория, Тумарис, Арлетта и Селекта-201, которые со следующего года будут испытываться на больших делянках.

Оракбай УТАМБЕТОВ,

докторант Нукусского филиала ТашГАУ,

Бисенбай БЕКБАНОВ,

к.с.х.н., Каракалпакский НИИ земледелия,

Илхом КАЙПОВ,

магистрант,

Махмуд АДИБЕКОВ,

магистрант Нукусского филиала ТашГАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ёрматова Д. Соя истикболли экин. // Ж. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги». 2017. №3. - 13 б.
2. Зуев В.И. Рекомендация по технологии возделывания сои в Узбекистане. – Ташкент, 2008.
3. Ларионов Г.И. Опыт организации специализации семеноводства в разных зонах. Промышленное семеноводство. М.: «Колос», 1980. - 86 с.
4. Мавлянова Р.Ф. Технология возделывания овощной сои в Узбекистане. – Ташкент, 2008
5. Пирназаров Д., Ким В. Рекомендация по технологии возделывания сои в Узбекистане. – Ташкент, 2008

УЎТ: 631.633.27

ТАДҚИҚОТ

УЗУМНИНГ ШАРОББОП НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

The article examines the yield indicators of wine grape varieties. The yield of grapes of Saperavi, Rkatsiteli, Soyaki, Tarnau, Tashkent, Aleatico, Muscat Vira, Rubinovy, Pinot black and Cardinal varieties has been determined. The most productive branches accounted for 70% of the varieties Aleatico, Rubinovy and Pinot black. It was found that the number of grape clusters on one stem of the culture was 1.4–1.6. It was found that the fruitful stem of the Cardinal cultivar was at least 53.2%.

Узумчилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида узум етиштириш уч йўналишда олиб борилади: хўраки узум етиштириш, майиз қилиш ҳамда вино тайёрлаш. Дунё бўйича узум ҳосилининг 80%

вино, 16% истеъмол учун ва қолган 4% эса майиз тайёрлаш учун ишлатилади.

Ток навларининг асосий белгиларидан бири бу – унинг ҳосилдорлигидир. Ток тупининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари шу йилги пишиб етилган новдаларидаги қишлоқчи куртакларда шакл-

ланган тўпгул муртагининг миқдори ва уларнинг турли давридаги ҳолатини аниқлаш йўли билан белгиланувчи (биологик ҳосилдорлик), ўсимлик органик маҳсулотлари массасини кўрсатувчи (биологик ҳосилдорлик), ҳар бир ток тупи ёки бир гектар

Узумнинг шароббон навлари ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2017-2019 йиллар).

Т/р	Навлар	Ҳосилли новдалар, %			Бир ҳосилли новдага тўғри келадиган узум бошининг ўртача сони, дона	Бир новдага тўғри келадиган узум бошининг ўртача сони, дона
		бир узум бошли	икки узум бошли	жами		
1.	Ркацетий (назорат)	45	15	60	1,3	0,6
2.	Сояки	52	5	57	1,1	0,6
3.	Тарнау	36	18,3	54,3	1,5	0,74
4.	Ташкентский	38	23	61	1,6	0,6
5.	Саперави (назорат)	40	16	56	1,4	0,8
6.	Алеатико	60	10	70	1,6	1,1
7.	Мускат вира	44	25	69	1,5	0,7
8.	Рубиновий	46	24	70	1,5	0,7
9.	Пино чёрний	45	25	70	1,4	0,7
10.	Кардинал	29,3	23,9	53,2	1,53	0,87

майдондаги етиштирилган ҳосилни умумий миқдори билан белгиланувчи (хўжалик ҳосилдорлиги), шунингдек, энг олий шароитда кишки куртакларнинг 100% ҳосил бериш қобилиятига эга бўлгандагина олиш мумкин бўлган (ҳақиқий) ҳосилдорлик кўрсаткичи, яъни ҳақиқий ҳосилдорлик муҳим аҳамият касб этади. Булардан ташқари, ток тупи маҳсулдорлигини аниқлашда унинг ҳосилдорлик коэффициенти ва новдалар ҳосилдорлиги энг муҳим нав белгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун тажрибада ўрганилаётган узумнинг шароббон навлари ҳосилдорлик коэффициентини, яъни битта ҳосилли новдадаги узумбошлар сонини ва ҳосил бериш коэффициентини ёки ток тупидаги узум бошларнинг кўрсаткичларини барча ривожланган новдаларга нисбатан аниқлади. Навларнинг ҳосилдорлиги ер бирлигига ёки бир гектарга тўғри келадиган ҳосил новдалари сонига шу новдалардаги мавжуд узум бошлар сонига ва ҳар бир узум бошнинг ўртача оғирлигига боғлиқдир. Бу омиллар бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган узумнинг шароббон навлари ҳар доим ер бирлигидан юқори ҳосил беради. Ҳосилдорлик коэффициенти – битта ҳосилли новдадаги узум бошларининг сонига айтилади.

Навнинг асосий белгиларидан ҳисоблашиб, шароббон навларда одатда 1-2 та, баъзан эса 2-3 та бўлиши мумкин. Бу кўрсаткични ток кесиш вақтида новдаларни керакли миқдорда ва узунликда қолдириш, токнинг озиқа ва сув режимини яхшилаш, новдаларнинг учини чилпиш, чеканка қилиш, ток новдаларини симбағазларга эгиброк боғлаш каби тадбирлар ёрдамида ошириш мумкин.

Ҳосил бериш коэффициенти – ток тупидаги узум бошларининг барча ривожланган новдаларга бўлган нисбати. Узум навиға қараб ушбу коэффицент 0,2 дан 2 гача ва ундан ортққ бўлиши мумкин. Ҳосил бериш коэффициенти тупроқ-иклим шароитлари, сув ва бошқа агротехника тадбирларига боғлиқ бўлади.

Узумнинг шароббон навлари ҳосил новдалари кўрсаткичлари ҳар хил бўлиши аниқланди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, узум шароббон навларининг ҳосил новдалари кўрсаткичлари 53,2-70% га тўғри келди.

Узум шароббон навларининг ток тупидаги ҳосилли новдалари навга боғлиқ равишда ўзгарди. Узумнинг шароббон навларининг ҳосилли новдалари структураси таҳлил қилинганда улар

сонини 1 ва 2 узум бошли новдалардан иборат эканлиги аниқлади. Ҳосилли новдаларнинг аксарият қисми 2 узум бошли новдалардан иборат бўлди. Узумнинг шароббон навларида ривожланган новдалар сони ҳамда ҳосилли новдалар сони бўйича бир-биридан фарқ қилади. Ҳосилли новдалар структурасига кўра, улар 1 ва 2 узум бошли новдаларга бўлинади. Ҳосилнинг асосий қисми – деярли 80% дан юқориси 2 узум бошли новдаларида бўлади. Бунда энг кўп ҳосилли новдалар Алеатико, Рубиновий ва Пино чёрний навларида 70% ни ташкил қилди. Битта ҳосил новдадаги узум бошлари 1,4-1,6 тагача тўғри келиши аниқланди. Ҳосилли новда энг кам Кардинал навида 53,2% ни ташкил қилди.

Хулоса. Ҳосилли новдаларнинг энг кўп Алеатико, Рубиновий ва Пино чёрний навларида 70% ни ташкил қилди. Битта ҳосил новдадаги узум бошлари 1,4-1,6 тагача тўғри келиши аниқланди. Ҳосилли новда энг кам Кардинал навида 53,2% ни ташкил қилганлиги қайд этилди.

Жамолддин ФАЙЗИЕВ,
профессор,
Сарвиноз ҚУРБОНОВА,
магистр,
ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Джавакянц Ю.М. “Узумнинг энг яхши маҳаллий навлари ва уларни парвариш қилиш технологияси”. Тошкент 2010. - Б. 42-51.
2. Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта”. Москва.: Агропромиздат. 1985.
3. Джонибекова Н.Э., Файзиев Ж.Н. Хоразм ҳудудида кўплаб экиладиган маҳаллий узум навларининг қимматли хусусиятлари. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива-2020. 19-22-б.
4. Лазаревский М.А. Изучение сортов винограда. Ростов н/Д.: Изд-во Рост. ун-та, 1963.
5. Темуров Ш. “Узумчилик”. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат нашриёти. Тошкент-2005. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива-2020.

ПРОИЗВОДСТВЕННО-БИОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА НОВЫХ ПОЗДНОЦВЕТУЩИХ СОРТОВ АБРИКОСА (*ARMENICA VULGARIS* LAM.)

The article provides data on the production and biological characteristics of promising apricot varieties.

The variety Mulla Sodi stands out for the quality of fruits and yield.

В Узбекистане актуальной является задача полного обеспечения населения в течении года плодово-дачной продукцией, расширение экспортного потенциала, производство, хранение и переработка плодов. На сегодняшний день площадь садов в республике составляет более 280 тыс. гектаров, а годовое производство плодов превышает 3,0 млн. тонн. В 2020 году впервые достигнута договорённость с Всемирным Банком о выделении 500 млн. долларов для осуществления проекта модернизации отрасли плодового и виноградарства.

Абрикос (*Armenica vulgaris* Lam.) — ведущая плодовая культура в Узбекистане. Эта культура занимает 45% всех плодовых насаждений республики. Плоды абрикоса отличаются высокой сахаристостью, содержанием витамина А, наличием органических кислот, ароматических и очень ценных минеральных веществ. Абрикос является важным источником ряда витаминов, особенно, каротина. В зависимости от сорта и почвенно-климатических условий содержания каротина в плодах абрикоса, выращенных в Узбекистане, колеблется от 0,86 до 3,30 мг на 100 г сырой массы.

Целью исследований являлось выделение высокопродуктивных, позднецветущих, устойчивых к весенним заморозкам и класпоспориозу, а также к условиям жаркого сухого климата сортов, созданных в Самаркандской научной станции Научно-исследовательского института садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева, оценка их биологических и производственных особенностей, качества плодов и урожайности.

Работа проведена в условиях Самаркандской научной станции Научно-исследовательского института садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева в 2015-2020 годах. Исследования проводились по методикам Х.Буриева и других "Методика учёта фенологических на-

блюдений при проведении опытов с плодовыми и ягодными растениями".

В качестве объектов исследования в опыте использовали шесть сортов и гибридов абрикоса, созданные в Самаркандской научной станции Научно-исследовательского института садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева: Юбилейный Навои, Мароканд, Мулла Содик, Навруз, гибрид № 4332 и Курсодик.

В наших исследованиях начало цветения у испытываемых сортов и гибридов абрикоса наблюдалось 26 марта-9 апреля. Раннее цветение было отмечено у сортов Юбилейный Навои (26.03), Курсодик (26.03) и Навруз (31.03). Более позднее начало цветения на 8-11 дней по сравнению с контролем было выявлено у сорта Мулла Содик (03.04) и гибрида № 4332 (06.04). Массовое цветение позднецветущих сортов абрикоса наблюдалось 31 марта (Юбилейный Навои, Курсодик) -12 апреля (гибрид № 4332). У сорта Мароканд массовое цветение было отмечено 2 апреля, у сорта Навруз-7 апреля. Самые поздние сроки массового цветения наблюдались у сорта Мулла Содик (09.04) и гибрида № 4332 (12.04), что на 9-12 дней позднее контрольного сорта Юбилейный Навои.

Созревание плодов у сортов и гибридов было отмечено 25 июня-10 июля. Самое раннее созревание плодов наблюдалось у сорта Курсодик (25 июня-5 июля). По устойчивости к класпоспориозу выделились сорта Мароканд, Мулла Содик и гибрид № 4332, остальные сорта оказались средне устойчивыми. Начало листопада по сортам абрикоса пришлось на первую декаду ноября, а окончание - на 25-30 ноября.

Среди плодовых культур плоды абрикоса считаются самыми ценными и продуктивными, их потребляют в свежем виде, сушённые и переработанные плоды экспортируют в разные страны мира. В наших исследованиях средняя масса одного плода в зависимости от сорта составила 35,7 (Мароканд) -

Таблица 1.

Урожайность перспективных, позднецветущих сортов абрикоса

Научно-исследовательский институт садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева
(2015-2020)

Сорт, гибрид	Средняя масса одного плода, г	Дегустационная оценка, баллы	Урожайность по годам, т/га						Урожайность, т/га	
			2015	2016	2017	2018	2019	2020	т/га	%
Юбилейный Навои-контроль	45,9	4,5	9,4	11,7	12,6	13,3	11,9	13,1	12,0	100,0
Мароканд	35,7	4,6	13,9	13,4	14,8	14,5	14,2	15,0	14,3	119,2
Мулла Содик	55,8	4,6	13,6	14,1	15,2	16,2	14,7	15,6	14,9	124,2
Навруз	45,6	4,4	13,1	13,7	13,9	14,7	14,0	15,8	14,2	118,3
№ 4332	51,3	4,7	14,5	15,0	15,8	16,6	15,4	16,9	15,7	130,8
Курсодик	38,2	4,5	9,9	13,8	14,3	14,9	13,8	14,9	13,6	113,3
НСП ₀₅ (т/га)			2,63	2,86	3,14	3,56	3,12	3,34		
S _x (%)			3,13	3,21	3,47	3,64	3,41	3,51		

55,8 г (Мулла Содик). Самыми крупными плодами выделялись сорт Мулла Содик и гибрид № 4332, средняя масса плода у этих сорта и гибрида, соответственно, составила 55,8 и 51,3 г.

В годы проведения исследований (2015-2020 гг.) урожайность по позднецветущим сортам абрикоса изменялась от 9,4 т/га (Юбилейный Навои) до 16,9 т/га (гибрид № 4332). В 2015 году самые высокие показатели по урожайности были получены по сорту Мораканд (13,9 т/га) и гибриду № 4332 (14,5 т/га), в 2016 году самыми высокоурожайными оказались сорт Мулла Содик (14,1 т/га) и гибрид № 4332 (15,0 т/га), в последующие годы эти показатели, соответственно, составили 15,2-15,8 т/га (2017 г.), 16,2-16,6 т/га (2018 г.), 14,7-15,4 т/га (2019 г.) и 15,6-16,9 т/га (2020 г.). В среднем в годы проведения исследований самая высокая урожайность была получена по сорту Мулла Содик (14,9 т/га) и гибриду № 4332 (15,7 т/га), что на 24,2-30,8 % выше показателей контрольного сорта Юбилейный Навои.

На основе проведенных многолетних исследований, полученных результатов и анализов по устойчивости к весенним заморозкам, к клостоспориозу, дегустационной оценке и

урожайности при выращивании абрикосов выделились позднецветущий сорт Мулла Содик и гибрид № 4332, они обеспечивают получение высокого урожая плодов абрикоса с хорошим качеством и рекомендуются для специализированных фермерских хозяйств республики и они сданы в Государственную сортоиспытательную станцию.

Ўрмонбек МИРЗОХИДОВ, к.с.х.н.,
зам.директора Самаркандской научной станции
НИИ садоводства, виноградарства и виноделия
имени академика М.Мирзаева,

Давлат НОРМУРАДОВ,

д.с.х.н., доцент, СамГУ,

Бахром ХАЛМИРЗАЕВ,

доцент, СамГУ,

Улугбек БАЙЖОНОВ,

ст. научный сотрудник Самаркандской научной
станции НИИ садоводства, виноградарства и

виноделия имени академика М.Мирзаева,

Дониёр ХУДАЙБЕРДИЕВ,

магистр Самаркандского филиала ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Буриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. ва бошқалар. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. – Т., 2014. – 64 б.
2. Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных для посева на территории Республики Узбекистан. – Ташкент, 2020.
3. Каршиев А.Э. Биологические особенности абрикоса. Сборник конференции НИИ садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева «Значение инновационных технологий в перспективном развитии садоводства, виноградарства и виноделия. — Ташкент, 2019. –С.80-83.
4. Махмудов А., Алиев Х. Перспективные сорта абрикоса. //Ж. Agro ilm — Ташкент, 2020-№1-С. 39-40. ISSN 2181-502X.
5. Мирзаев М., Кузнецов В. Абрикос в Узбекистане. — Ташкент: Фан, 1984.—С.5-59.

УЎТ: 631.5; 631.8; 631.111.

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИНИ БЕДА БАРГ ФИЛЧАСИДАН (*PHYTONOMUS VARIABILIS* HBST) ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Подсев наполняющие культуры (злаковые и др) осени одновременно дискованием и боронованием люцерников обеспечивают снижение численности опасного вредителя, люцерны от фитонюмы и других вредителей защищаются урожай фуражной и семенной люцерны. Технология очень простая и экологичная и прибыльная.

Overseeding of the filling crops (cereals, etc.) in autumn by simultaneously disking and harrowing alfalfa ensures a decrease in the number of a dangerous pest, alfalfa from phytonomus and other pests, the harvest of fodder and seed alfalfa is protected. The technology is very simple and environmentally friendly and fast-paced.

Маълумки, беда чорва моллари учун энг оқсилга бой ва тўйимли ем-хашак экини ҳисобланади. Беда экилган ернинг унумдорлиги ошиб боради, чунки унинг илдизиди симбиоз яшовчи ҳаводан азот йиғувчи бактериялар мавжуд.

Бироқ муаммо шундаки беда, айниқса, унинг энг серҳосил биринчи ўрими ҳосилини беда барг филчаси (*Phytonomus Variabilis* Hbst) зараркунадаси таъсиридан ялли йўқотилиши чорвачиликнинг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Олимларнинг аниқланишича беданинг поясида бир дона фитонюмус личинкаси бўлса, гектаридан 17.2 центнер ҳосил (хашак 4.56 ц) йўқотилиши аниқланган.

(Яхонтов, 1962, Одилов, 1995, Шомуротова 1999). Аммо личинка сони бундан, бир неча баравар кўп бўлиб ем-хашак йўқолиши ўртача 65% ни ташкил этмоқда.

Бедазорларда экинни ҳимоя қилишда асосан агротехник (ерларни дискаш, боронаш, бостириб суғориш) ва кимёвий усуллари (инсектицидлар) қўллаш тавсия этилади, яъни бедани поя тортиш даврида кўн-ғизларига ва шоналаш даврида личинкаларига қарши турли кимёвий гуруҳларга мансуб препаратлар (децис, сумицидин, циперметрин, каратэ, БИ-58, карбофос, талстар, дельтофос ва б.) билан ишлов бериш тавсия этилади. Бироқ бедазорлар, фойдали чангловчи (аса-

ларилар) ва энтомофаглар (хонқизи, олтинкўз, паразит яйдоқчилар ва б.) нинг асосий йиғилиш жойи бўлгани учун бу препаратлар табиатга, биохилма-хилликка жуда катта зиён етказди. (Хўжаев 2006, 2017; Шамуратова, Хўжаев, 2006 ва б.). Бу ҳолат биологик усулни қўллашга катта тўсиқ бўлади.

Бундан ташқари, пестицидлар айрим ҳолатларда чорва молларини заҳарланишига олиб келади, улардан олинadиган маҳсулотларида инсонлар учун заҳарли пестицид қолдиқлари қолади.

Юқоридагиларни инобатга олиб бедазорлардан мўл ем-хашак ҳосили олиш учун Тошкент давлат аграр университетининг Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедрасида “Ем-хашак экинларини беда барг филчаси (Phytonomus Variabilis Hbst) дан ҳимоя қилиш инновацион технологияси” яратилди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади бедазорлардан фитонормус ва бошқа ашаддий зараркундаларнинг зарарини табиий усуллардан фойдаланиб камайтириб мўл ва экологик тоза ем-хашак ҳосилини етиштиришдан иборат. Бунинг учун қуйидагиларни вазифа қилиб қўйдик.

Бедазорларга кузда ерга юза ишлов бериш (дискаш, боронаш) орқали зичловчи экинлар (буғдой, арпа, сули, жавдар, тарик, тритикале, кўк нўхат ва б.) экиб уларнинг фитонормус ва бошқа зараркундаларга таъсирини ўрганиш;

Кузда, қишда, эрта баҳорда бедазорларда фитонормус, бошқа зараркундалар қишлаш, тарқалиши ривожланиши ва зарар етказиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

3.Бедазорларда зичловчи экин экиш технологиясини қўллашнинг хўжалик самарадорлигини аниқлаш;

Бедазорларда зичловчи экин экишнинг фойдали энтомофауна, энтомофаглар ва бошқа ҳашаротларга таъсирини ўрганиш;

Зичловчи экин экиш технологиясини бедазорлардаги иккиламчи зараркундалар ривожланиши ва зарарига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотлар қуйидаги йўналишлар олиб борилади.

Вариант кузги ғалла экинлари (буғдой, арпа, жавдар, тритикале, сули, тарик) ни кузда бедазорга дискаш ва боронаш орқали экилади. Эрта баҳор ва ёз ойла-

рида фитонормус (ва бошқа зараркундалар) ни зарар етказилишини ўрганиш;

2. Вариантда баҳорда (ёки кузда) бедазорга зичловчи экин - кўк нўхат экиб, эрта баҳор ва ёзда фитонормус ва бошқа зараркундаларнинг бедага зарар етказилишини баҳолаш;

Вариантда кузда (ёки эрта баҳорда) бедазорга зичловчи экин кўк нўхат экиб, эрта баҳор ва ёзда фитонормус ва бошқа зараркундаларни бедага зарар етказилишини баҳолаш.

Тадқиқотлар Тошкент, Сирдарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида чорвачилик кластерлари бедазорлари, фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида дастлабки бедазорларда ғалласимонлар (кузги буғдой, арпа, жавдар, сули, тритикале ва кўк нўхат экинларини экишда ерларни тайёрлаш (боронаш, дискаш, ўғитлаш ва б.) да мавжуд тегишли техникалардан фойдаланилади.

Тадқиқотлар натижасида зичловчи экин экишнинг фитонормус ва бошқа зараркундалар ҳамда энтомофагларга таъсири ўрганилди.

а) Бедазорларда зичловчи экин экиш технологиясини қўллаш юқори, сифатли ем-хашак ҳосили ва беда уруғини олиши таъминланади:

б) Энтомофаглар ва чангловчи ҳашаротлар учун мутлақо зарар етмайди, аксинча, уларнинг ривожланиши ва кўпайиши учун қулай шароит яратилади.

Тавсия этилаётган технологияни жуда содда осон бўлиб, уни қўллаш ортиқча меҳнат ва харажатлар талаб қилмайди. Уни барча чорвачилик ва паррандачилик кластер дала майдонларида, аҳоли томорқаларида бемалол қўллаш мумкин. Унинг атроф-муҳитга, биохилма-хилликка зарари йўқ. Органик деҳқончилик талабларига тўлиқ жавоб беради. Биологик кураш усулининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бироқ энг муҳими, чорвачилик учун кўп миқдорда ва тўйимли ем-хашак биомассасини олишга эришилади.

Ботир БОЛТАЕВ,

қ.-х.ф.н., доцент,

Санжар БОЛТАЕВ,

кичик илмий ходим, ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Яхонтов В.В. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳамда маҳсулотларининг зараркундалари ва уларга қарши кураш. Тошкент. “Ўрта ва олий мактаб”. 1962-695 б.
2. Хўжаев Ш.Т., ва б. Ўсимликларни зараркундалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. “Наврўз” нашриёти, Тошкент. 2015. 552 б.
3. Б.А.Сулаймонов, И.Ю.Подковыров, Б.С.Болтаев, А.Р.Анорбаев, Ш.А.Махмудова. – Интегрированная защита растений. Ташкент 2019 г.
4. Шамуратова Н.Г. Энтомоценоз и интегрированная система защиты люцерны в Каракалпакстане в Новых условиях взаиморасчетов: Автореферат дисс. канд сельскохозяйственных наук. –Ташкент: УзНИИЗР-1999. 24 с.
5. Обзор фитосанитарного состояния посевов сельскохозяйственных культур Российской Федерации в 2017 году. И прогноз развития вредных объектов в 2017 году. Москва-2018. –с. 265-280.
6. Защита хлопчатника, люцерны и кукурузы (колл. Авт)-Ташкент: Госиздат.- УзССР, 1959. 192 с.
7. Справочник по хлопководству- Ташкент- “Ўзбекистан”, 1981. 224-230 с.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли қарори.

ТУРЛИ МУДДАТДА ТУҒИЛГАН ҚЎЗИЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

The article presents the results of the study of the characteristics of the growth and development of lambs of different terms of lambing

Қоракўлчилик технологиясини жадаллаштиришда ташкилий-зоотехникавий тадбирларга катта эътибор қаратиш лозим. Эрта қўзилатиш қўзилар организмни ноқулай мавсумий ҳарорат ўзгаришларига ва турли юқумли касалликларга чидамли қилади. Қўзилатиш даврининг илк ҳафталарида туғилган қўзилар юқори ўсиш ва ривожланиш суръатларига эга бўлади. Эрта баҳорги қўзилатиш даври қўзилари яйлов озқасини яхши истеъмол қилади ва ёзнинг иссиқ жазирама шароитида онасидан ажратиш даврини ҳам яхши ўтказди. Бу эса ҳайвонларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсирини кўрсатади. Турли қўзилатиш муддатларида туғилган қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш учун ҳар бири 20 бошдан иборат 3 та гуруҳ шакллантирилди. Биринчи гуруҳга 1 мартгача, иккинчи гуруҳга 1 апрелгача туғилган қўзилар ва учинчи гуруҳга 1 апрелдан сўнг туғилган қўзилар киритилди. Ҳайвонлар вазнини ва тана ўлчамини ўлчаш асосида ўртача суткалик ўсиш ва тана тузилиш индекслари ҳисобланди. Қоракўлчиликда тўлнинг бошида туғилган қўзиларнинг баҳор фаслида ўсувчи яйлов ўтларидан тўлиғича фойдаланиш эвазига тўл мавсумининг ўртаси, айниқса, охирида туғилган қўзиларга нисбатан серҳаракат ва дуркун бўлишини, оналаридан ажратиш пайтида эса анча йирик бўлишини кўрсатмоқда. Қўй сурувларини эрта баҳорда туғилган моллар билан тўлдириш ўша сурувларнинг ҳаётчанлигини ошириш, соғломлаштириш, маҳсулдорлигини кўпайтириш имконини беради. Тўлнинг ўрталарида, айниқса, охирларида туғилиб ўстиришга қолдирилган қўзилар анча ноқулай муҳитга тушиб қолади: ҳаво ҳарорати кўтарилиб кетади, момиқ ўтлар қуриб қолади. Бу эса нафақат қўзиларнинг тўйимли озиқланишига, балки она қўйларнинг физиологик ҳолатига ҳам салбий таъсир қилади. Бу бизнинг

2-жадвал.

Турли муддатда туғилган қўзиларнинг тана тузилиш индекслари, %.

Ёши	Семизлик	Чўзилувчанлик	Суякдорлиги
Қора рангли қўзилар			
Туғилганда			
1-гуруҳ	105,35	97,93	16,69
2-гуруҳ	103,69	98,38	16,81
3-гуруҳ	103,76	98,83	16,93
Онасидан ажратишда			
1-гуруҳ	112,66	106,45	13,48
2-гуруҳ	107,28	106,05	13,67
3-гуруҳ	107,84	103,03	13,39
Сур рангли қўзилар			
Туғилганда			
1-гуруҳ	103,72	99,12	16,60
2-гуруҳ	106,07	97,25	16,85
3-гуруҳ	106,64	94,63	16,71
Онасидан ажратишда			
1-гуруҳ	111,48	103,90	13,61
2-гуруҳ	107,86	102,20	13,49
3-гуруҳ	106,04	101,35	13,37

ҳайвонларнинг тирик вазнини ўрганиш натижаларидан ҳам кўриниб турибди:

Жадвал маълумотларидан маълум бўлишича, бошланғич даврда кеч туғилган қўзилар устунлик қилган бўлса-да, кейинчалик эрта туғилган қўзилар томонга ўтади. Тана ўлчамларини олиш асосида тана тузилиш

1-жадвал/

Турли муддатда туғилган қўзиларнинг тирик вазни, кг.

Қўзилар ёши	Тўл муддатлари				
	1 мартгача	2 мартдан	1 апрелгача	1 апрелдан	сўнг
	M ± m	M ± m	t _d	M ± m	t _d
Қора рангли қўзилар (n=20)					
Туғилганда	4,90±0,07	5,21±0,03	4,42	5,62±0,22	3,13
1 ойлик	13,0±0,17	12,40±0,18	2,50	11,90±0,22	4,07
2 ойлик	19,96±0,24	16,56±0,22	10,62	15,36±0,17	15,68
4 ойлигида	29,0±0,25	26,10±0,19	9,35	25,06±0,17	13,13
Сур рангли қўзилар (n=20)					
Туғилганда	4,73±0,02	5,18±0,03	15,0	5,21±0,03	16,0
1 ойлик	12,56±0,16	11,93±0,19	2,62	11,26±0,27	4,19
2 ойлик	19,76±0,29	16,10±0,31	8,71	15,06±0,15	14,68
4 ойлигида	28,63±0,26	25,43±0,17	10,32	24,50±0,23	10,86

индекслари ҳисоблаб чиқарилди. Тана тузилиш индекслари қўзиларнинг ривожланиши тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Тана тузилиши индексларида эрта туғилган қўзилар туғилган даврида кеч туғилган қўзилардан суякдорлик ва чўзилувчанлик бўйича орқада қолиши кўринди. 2 ойлик даврга бориб аксинча ҳолат кузатилади. Аста-секинлик билан эрта туғилган қўзилар кеч туғилган қўзиларга нисбатан устунликка эга бўла бошлайди.

Хулоса. Тадқиқот натижалари биринчи ўн кунликда туғилган қўзилар кеч туғилган қўзиларга нисбатан жадал ўсишини кўрсатди. Тадқиқотларимиз натижалари ушбу тадбирни қоракўлчилик амалиётига кенг жорий этиш лозимлигини кўрсатди. Отарларни эрта баҳорда туғилган қўзилар билан тўлдириш ўша сурувлар ҳаётчанлигини

ошириш, соғломлаштириш, маҳсулдорлигини ошириш имконини беради.

Раббимқул РЎЗИМУРАДОВ,
қ.-х.ф.н, мустақил тадқиқотчи,
Наргиза ЧЎЛИЕВА,
Санжар МИРЗАЕВ,
СамВМИ магистрантлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Херремов Ш.Х, Абаев Д.Ч. Эффективность разных сроков ягнения. Овцы, козы и шерстяное дело. №1, 2015г. Стр. 16-18.
2. Абдазимов Ж.А. Особенности роста и развития каракульских ягнят черной и серой окрасок в условиях Кызыл-кумов. Научно технический прогресс в каракулеводстве. Кайнар, 1988. Стр. 71.
3. Ашуров М.С. Продуктивность каракульских овец разных сроков ягнения в условиях горно-отгонного содержания Таджикистана. Автореферат канд. дисс. Ташкент, 1993. Стр. 6-7.

УЎТ: 631.312.6

ТАДҚИҚОТ

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРДА КИЧИК ТРАКТОРЛАРНИНГ ТЕХНИК-ЭКСПЛУАТАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР ТАЛАБЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

The article presents the wishes of farms and farms on the design and technical and operational characteristics of small tractors in the form of categories and groups

Республикаимиз бўйича жами ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий улуши деҳқон (томорқа) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелдаги ЎРҚ-681-сон “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги Қонунида тегишли идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан томорқа хўжаликларининг моддий-техника таъминотини яхшилашда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши белгилаб қўйилган [1].

Томорқа эгалари ўзларининг ерларида қимматли моддий-техника воситаларидан бири бўлган кичик тракторларни кўп ишлатадилар. Чунки томорқа ери ҳеч қачон бўш қолмайди — бир экин ҳосилини йиғиштириб олиниши билан иккинчи экин уруғи экилади.

Шу боис кичик тракторлар кичик механизация агрегатларининг энергетика манбаи сифатида томорқа хўжаликларидаги деярли барча деҳқончилик тадбирларини, юклаш-тушириш, ташиш каби бир қатор юмушларни бажарилишини таъминламоқда [2]. Бу эса уларнинг содда конструкцияли, пухта-пишиқ, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш ва бошқариш учун ўнғай ҳамда зарур кичик қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуроллари билан агрегатланадиган бўлишини талаб этади.

Биз юқоридагилардан келиб чиқиб, республикаимизнинг турли минтақаларига қилган хизмат сафарларимиз давомида томорқа эгаларига анкеталар тарқатиб, улардан янгидан яратилаётган кичик тракторларнинг конструкциялари ва хусусиятларига бўлган истак ва таклифларини ёзиб беришни сўраган эдик [3].

Анкеталарда ёзилган таклифлар умумлаштирилди, уларга ишлов берилди (техникавий тилга келтирилди) ва учта гуруҳга ажратилди.

Биринчи гуруҳ таклифлар — кичик трактор конструкциясини такомиллаштириш бўйича:

ташқи ўлчамлари, айниқса, кенглиги ва баландлиги иложи борица кичкина бўлсин (массаси пасаяди, боғ ва тоқзорларда, иссиқхоналарда ҳам ишлай олади);

агротехник (йўл) тирқиши паст бўлмасин (баланд бўйли экинлар қатор ораларига ҳам ишлов бера олади, шохлар ва мевалар шикастланмайди);

кабинадаги механик тебраниш ва шовқин даражаларини камайитириш (механизатор бутун смена давомида толиқмасдан ишлайди);

кабинадаги ҳавонинг доимо янгиланиб туриши, унинг ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши (йил давомида ишлаш мумкин бўлади);

ўриндиққа чиқиш ва ундан тушининг осонлиги (ёши катта тракторчилар қийналмайди);

носоз деталларнинг енгил алмаштирилиши (таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш вақти қисқаради);

назорат асбобларининг ўрнатилганлиги ва уларнинг соддалиги (трактор қисмларининг созлик ҳолати доимо механизатор назоратида бўлади);

мотор қувватини маълум чегарагача ошириш (қамров кенглиги нисбатан катта бўлган иш қуроллари ҳамда бир неча турдаги операцияларни бирваракайига бажарадиган комбинациялашган агрегатлардан фойдаланиш мумкин бўлади);

узатмалар (тезликлар) сонининг кўп бўлиши (далачилик ишларини агротехник талабларда белгилаб қўйилган тезликларда адо этишга эришилади);

тракторларнинг транспорт тезлигини соатига 30-40 километрга етказиш (агрегатлар бир фермер даласидан иккинчи фермер даласига тезда етиб боради, улардан смена давомида фойдаланиш коэффициентини оширади);

тракторнинг олди томонини ҳам ўрнатиш механизмлари билан жиҳозлаш (масалан, бульдозер осиш учун).

Иккинчи гуруҳ таклифларда тракторларни қуйидаги замонавий қурилмалар билан қўшимча жиҳозлаш истаклари билдирилган:

гидроагрегатлар (тракторнинг иш тезлигини раво ёзгартириш имкониятлари пайдо бўлади);

тракторнинг ён томонларига ҳам қувват олиш валларини ўрнатиш (тракторнинг функционал имкониятлари кенгайди, ишчи машиналар сони ва қамров кенглигини ошириш мумкин бўлади);

моторни юргизишга ёрдам берадиган кичик двигателъ (бу талаб трактор электр ускуналарининг сифати ва пухталиги пастлигидан, машина-трактор паркларида уларни сошлаш ва тиклаш учун зарур шароитлар йўқлигидан келиб чиққан);

тракторни механик стартерлар билан жиҳозлаш (моторни совуқда ҳам тез ишга туширилишини ва механизатор хавфсизлигини таъминлайди).

Учинчи гуруҳ таклифлар — кичик тракторларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш бўйича:

трактор узоқ муддат хизмат қилсин (янгисини ҳадеб сотиб олишга ҳолат қолмайди);

деталларни юқори аниқликда ясаш (уларнинг пухталиги ортади);

узел ва агрегатларни сифатли йиғиш (машинада бузилишлар кам содир бўлади);

тракторни завод стендларида техник талаблар даражасида чиниқтириш (аниқланган камчиликлар заводнинг ўзида бартараф этилади, трактор дала шароитида бузилмасдан узоқ ишлайди);

тормоз йўли узун бўлмасин (трактор тормозланганда тез тўхтайдиган, авариянинг олди олинади);

узел ва агрегатларни лойиҳалаш, ясаш ва йиғиш жараёнида уларнинг таъмирбончилигини ҳамда хизмат кўрсатиш учун ўнғай бўлишини таъминлаш (носоз қисмларни ташлаб юбориш ёки янги билан алмаштириш ўрнига устахонада тузатишга эришилади, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш-

га кўп вақт сарфланмайди, тракторлардан смена давомида фойдаланиш коэффициентлари ортади);

ишлатиладиган мой ва суюқлик турлари кам бўлсин (мотор, гидравлик қурилмалар, радиатор, узатмалар қутиси, редукторларга кўпи билан 2-3 йил мой ва суюқлик ишлатиш мақсадга мувофиқдир);

ёнилғи ва мойлаш материаллари сарфини камайтириш (трактор ёрдамида бажариладиган далачилик ишларининг баҳоси ошиб кетмайди);

трактор қияликларда ҳам ағнамай ишлай олсин (кўтарилиш ва тушиш бурчакларининг чегаравий қийматлари стандарт талабларига биноан танланади, авария ва бошқа нохушликлар келиб чиқмайди);

трактор баҳосини пасайтириш чора-тадбирларини кўриш (арзон тракторни фермер тезликда сотиб олади);

фирмавий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш тадбирлари тракторни ишлаб чиқарган машинасозлик корхоналарининг сервис марказлари томонидан амалга оширилганда сифат ва пухталиги таъминланади);

механизаторларнинг малакасини ошириш (билимли механизаторга бириктирилган трактор бузилмасдан узоқ вақт ишлайди, агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли адо этилади).

Юқорида баён этилган таклифларни ҳисобга олиш конструктор ва машинасозлар учун самарадорлиги юқори бўлган кичик тракторларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш стратегияларини белгилаб олиш, агрокластерлар, машина-трактор парклари ва техник сервис ташкилотлари учун уларни ишлатиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш, фермер ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун эса етиштирилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг таннархини пасайтириш имкониятларини яратади.

Зухра МУРОДОВА,
мустақил тадқиқотчи,
(ҚХМИТИ)

АДАБИЁТЛАР

1. <https://lex.uz/docs/5351489>.
2. Муродова З. Деҳқон мадақдори: кичик техника воситалари хусусида // “Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги” журналы. — Тошкент: 2004. — №5. 8-9-б.
3. Тошболтаев М., Муродова З. Қишлоқ ҳўжалигида кичик техника воситалари маркетинги. — Тошкент: Фан, 2009. — 139 бет.

УЎТ: 631. 301.

ТАДҚИҚОТ

ЗИЧЛОВЧИ ҒАЛТАКНИНГ ДУМАЛАШИГА ҚАРШИЛИК ҚИЛУВЧИ КУЧНИ АНИҚЛАШ


When cotton seeds and soy bean seeds are sown together, they are covered with soil. In order to make the covered soil layer dense enough a reel, which makes the soil dense, is set. This article is focused on determining the power resisting against the reel to roll.

Пахта чигити ва соя уруғини бир вақтда белгиланган схема асосида экувчи секцияли сеялканинг конструкцияси ишлаб чиқилган, синов варианты яратилган ва бирламчи дала синов-



1-расм. Пахта чигити ва соя уруғини бир вақтда экувчи секцияли сеялка ЧСС - 4Х нинг ишлаши

ларидан муваффақиятли ўтган. Сеялканинг ҳар бирида уруғ экилгандан сўнг уруғ устидаги тупроқни агротехника талабига кўра зичловчи ғалтак ўрнатилган.



2-расм. Зичловчи ғалтакка таъсир қилувчи кучлар схемаси.

Зичловчи ғалтак юмшоқ тупроқ билан муносабатда бўлгани учун тупроққа маълум чуқурликда ботиб юради. Бу эса зичловчи ғалтакнинг думалашига қаршилик туғдиради, яъни думалашга қаршилик қилувчи кучни ҳосил қилади. Шу кучнинг миқдори қайси параметрларга боғлиқ эканлигини ўрганамиз. Бунинг учун зичловчи ғалтакнинг ҳаракати пайтида таъсир қилувчи кучлар кўрсатилган схемадан фойдаланамиз. (2-расм).

бу ерда: P – тортқи томонидан тортиш кучи, Н;

T – пружинанинг тортиш кучи, Н;

Y_g – тупроқнинг тик реакция кучи, Н;

Y_r – тупроқнинг горизонтал реакция кучи ёки зичловчи ғалтакнинг думалашга қаршилик кучи, Н;

G – зичловчи ғалтакнинг оғирлик кучи, Н

a_F – вертикал реакция кучини тупроқнинг реакцияси туфайли силжиш елкаси, мм;

β – зичловчи ғалтак тортқисининг қиялик бурчаги, град.

Ғалтакнинг думалаш натижасида икки хил момент ҳосил бўлади:

Думалашга қаршилик қилувчи момент, M_r ;

Думалатувчи момент, M_g .

Думалашга қаршилик қилувчи момент қуйдагига тенг:

$$G \cdot a_F = Y_g \cdot a_F = M_r \quad 1$$

Думалатувчи момент эса қуйдагича аниқланади:

$$(P \cos \beta + T) \cdot r_g = P Y_r \cdot r_g = M_g \quad 2$$

Агрегатнинг ҳар қандай тезлигида ғалтакнинг текис думалаш учун қуйдаги шарт бажарилиши керак.

$$M_r = M_g$$

Бу шарт асосида (1) ва (2) ифодаларнинг ҳар бир аъзосини тенг деб қараш мумкин. У ҳолда:

$$Y_r \cdot r_g = G a_F \quad 4$$

Бу тенгламадан Y_r ни аниқлаймиз.

$$Y_r = \frac{a_F}{r_g} \cdot G \quad 5$$

Агар a_F/r_g ни μ билан белгиласак, тупроқнинг горизонтал реакция кучи ёки ғалтакнинг думалашга қаршилик кучи қуйдагига тенг:

$$Y_r = \mu \cdot G \quad 6$$

бу ерда μ – ғалтакнинг думалашга қаршилик коэффициент.

Коэффициент μ нинг қийматлари ғалтакнинг материали ва ишлаш шароити бўйича справочникларда берилади ёки қуйдаги Гранвуанэ - Горячкин номи билан аталадиган ифода орқали аниқлаш мумкин:

$$\mu = 0,86 \sqrt[3]{\frac{G}{b \cdot C_x \cdot D^2}}$$

бу ерда:

D – ғилдирак диаметри;

C_x – тупроқнинг механик хусусиятини билдирувчи коэффициент;

b – ғилдиракнинг кенглиги.

Демак, Y_r ни камайтириш учун ғалтакнинг оғирлик кучини камайтириш керак ёки тупроқнинг деформациясини камайтириш ҳисобига a_F камайтириш керак бўлади ёки ғалтакнинг радиусини катталаштириш зарур бўлади. Ғалтакнинг оғирлик кучини камайтириш ёки радиусини катталаштириш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Бу параметрлар тажриба йўли билан аниқланади.

Хулоса. Зичловчи ғалтак параметрларининг мақбул қийматларини экилган уруғ устидаги тупроқнинг зичланишидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Раҳимжон ЙЎЛДОШЕВ,
докторант,

Орифжон АБДУЛЛАЕВ,
мустақил тадқиқотчи,

Анджон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти.

АДАБИЁТЛАР

1. С.Худойбердиев. Трактор ва автомобиллар (Шасси назарияси). – Тошкент – 2017. С 323.

УЎТ: 631.31.

ТАДҚИҚОТ

ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРУВЧИ ФАОЛ ИШ ОРГАНЛИ МАШИНАЛАР ИШЧИ ОРГАНЛАРИ РЕСУРСИНИ ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

Жаҳонда тупроққа ишлов бериш жараёнларининг сифатли бажарилишини таъминлайдиган технологиялар ва уларни амалга оширадиган техник воситаларни ишлаб чиқишга, уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб

борилмоқда. Ушбу йўналишда, қишлоқ хўжалик машиналари иш органлари ишлаш даврининг ошириш қишлоқ хўжалик машинасозлигининг ечилиши лозим бўлган муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Чунки иш органлари ишончлилигининг етарли эмаслиги

уларни таъмирлашдаги харажатларни ортиб кетишига, тупроққа ишлов бериш машиналарининг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурсларни тежаш,

меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва уларни амалга оширишда қўлланиладиган юқори унумли машиналар ишлаб чиқариш, мавжудларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун, жумладан, тупроқни экишга тайёрлашда қўлланиладиган машина ва қурилмаларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, иш органларининг ресурсини жаҳоннинг илғор корхоналари ишлаб чиқараётган иш органлар ресурси даражасига етказиш ҳисобида экинлардан юқори ҳосил олиш ва уларнинг таннарини пасайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Тупроққа ишлов беришда қўлланиладиган машиналар ишчи органларининг конструкциясини такомиллаштириш ва ишлаш муддатини оширишга В.П.Горячкин, Г.Н.Синеоков, Е.П.Огрызков, М.М.Хрущов, М.М.Севернев, М.М.Тененбаум, А.Ш.Рабинович, В.Н.Ткачев, А.И.Селиванов, В.И.Казарцев ва бошқалар, Республикамизда Г.М.Рудаков, Р.И.Байметов, А.Х.Хаджиев, В.А.Сергиенко, М.Муродов, А.Тухтакузиев, С.Н.Шамшетов, М.В.Вахобов, К.К.Нуриев, М.Т.Мадазимов ва бошқа тадқиқотчи олимлар катта илмий ва амалий ҳисса қўшганлар.


Улар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида ишчи органларнинг турли конструкциялари яратилган ва мавжудлари такомиллаштирилган, натижада тез ейиладиган ишчи органларнинг ишга яроқлилиги ва умрбоқчилиги сезиларли даражада ортган. Аммо ушбу тадқиқотларнинг кўплари Марказий Осиёнинг суғориладиган ерлари учун мўлжалланмаган ёки конструкцияларнинг мақбул параметрларини асослаш билан чекланган. Бугунги кунда Республикамизда қишлоқ хўжалик

машиналарини ишлаб чиқарадиган корхоналар илмий асосланмаган материал ва конструкцияга эга бўлган ишчи органлар ишлаб чиқараётганлиги ушбу муаммони янада мураккаблаштирмоқда.

И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети тадқиқотчилари шу соҳада илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Тажрибаларимизда тупроққа ишлов берувчи фаол иш орган (пичоқ) ларнинг ресурси тугаган ишчи қисмларини қайта таъмирлаб, уларга махсус қўшимча қисмларни пайвандлаш ёки болтли бирикмалар билан ўрнатиш орқали, уларнинг импорт миқдорини камайтиришга қаратилган. Изланишлар шуни кўрсатдики, ишқаланиш натижа-сида ейилган фаол (фреза) ишчи қисмларини пайвандлаш ёрдамида махсус қўшимча қисмнинг конструкцияси ва тажриба нусхаси ишлаб чиқилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, фаол ишчи органли тупроққа ишлов бериш машиналари ишчи қисмлари, яъни пичоқлари энг тез ейилиб ишдан чиқадиган ишчи органи ҳисобланади. Шунинг учун ишлаш жараёнида улар тез-тез янгисига алмаштириб турилади ва шу сабабли тупроққа ишлов беришда фаол иш органли эҳтиёт қисмларга бўлган талаб юқори ҳисобланади. Республикамиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда пахта, ғалла ва бошқа экинларни етиштиришда қўлланиладиган тупроққа ишлов бериш машиналарининг фаол иш органларини маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда тежамкор, самарали ва фермербоп усул ва конструкцияси ва қайта тиклашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Шуни таъкидлаш лозимки, тупроққа ишлов берувчи фаол иш органларига эга бўлган машиналарнинг сарф-харажатлар сарфини камайтиришда уларнинг пичоқлари ейилган

қисми 1 ни, махсус қўшимча қисм 2 га пайвандлаш билан иш органлар ресурсини қайта тиклаш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сарф-харажатларнинг камайтишига, иқтисодий самарадорлиқнинг ортишига олиб келади (1-расм).



1-расм. Ресурси қайта тикланган фаол ишчи органининг умумий кўриниши.

1- ресурси тугалланган ишчи органи;

2-махсус қўшимча ишчи қисм.

Республикамиз ва хорижда қўлланилаётган ва ишлаб чиқилган тик текисликда ҳаракатланувчи фаол ишчи органли машиналарнинг ресурси тугалланган, ейилган ишчи органларига таклиф этилган махсус қўшимча қисмларни пайвандлаш ёки болтли бирикмалар билан маҳкамлаш орқали тупроққа ишлов беришда қўлланиладиган фаол ишчи органли машиналар ишчи қисмларининг ресурсини ошириш ва қайта тиклашнинг самарали, тежамкор, фермербоп усул бўлиб хизмат қилади.

**Шухрат ИШМУРАДОВ,
Рустамжон АБДУМАЖИДОВ,
Тошкент давлат техника университети.**

АДАБИЁТЛАР

1. Қосимов К.З., Муйдинов А.Ш., Мадазимов М.Т., Хошимов Х.Х. Перспективы восстановления изношенных деталей машин наплавкой композиционных порошковых материалов. // БГАУ научный журнал "ВЕСТНИК". – №3 (43). – Башкортостан, 2017. – Б. 54-56.
2. Фархшатов М.Н., Муйдинов А.Ш., Мадазимов М.Т. Перспективы сотрудничества с республикой Узбекистан в области восстановления изношенных деталей сельскохозяйственных машин. // ТРУДЫ ГОСНИТИ. – Том 130. – Москва, 2018. – С. 163-167.
3. Ишмурадов Ш.У., Абдумажидов Р.Б. Тупроққа ишлов бериш машиналари фаол иш органларини қайта тиклашнинг тежамкор, самарали усулини ишлаб чиқиш // Инновационные пути решения актуальных проблем развития пищевой и нефтегазохимической промышленности: Материалы Международной научно-практической конференции. – Бухара, 2020. – ст. 492-495.

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КЛАСТЕРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

The perspectives of the development strategy of agricultural clusters in Uzbekistan were presented in article

Жаҳон бозорида глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган халқаро рақобат шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги асосан мавжуд имкониятлардан қанчалик самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Ернинг капиталлашуви кўрсаткичларини ошириш ва тармоқ корхоналари фаолиятини уйғунлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида кластерли ёндашув давр талаби бўлиб қолди.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислохот жараёнларининг давомийлигини таъминлаш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун экин майдонлари сезиларли равишда кенгайтирилди, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича қувватлар ишга туширилди, молиявий ресурслар, жумладан, халқаро молия институтлари маблағлари фаол равишда жалб этилмоқда. Шу билан бирга, хорижий мева-сабзавот маҳсулотлари бозорларидаги юқори даражадаги рақобат агротехниканинг ҳамда ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб бериш жараёнларини бошқаришнинг замонавий услубларини жадал равишда жорий этишни талаб қилмоқда. Бироқ, қатор салбий омиллар мамлакатимиз агросаноат соҳаси салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- мева-сабзавот маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ва тайёрловчилари ўртасида мева-сабзавот экинлари бозорида хариддор экинлар ва уларнинг навларини жойлаштириш масалаларида ўзаро ҳамкорликнинг бозор механизмларидан тўлиқ фойдаланмаслик (молиявий имконият ва илмий ёндашувларнинг пастлиги ёки йўқлиги);

- тузилган шартномаларни ўз вақтида, сифатли, тўлиқ ёки мутлақо бажармаслик каби ҳаракатларда намоён бўлувчи кичик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан шартнома интизомига риоя қилиш даражасининг пастлиги;

- қишлоқ хўжалиги меҳнатини механизациялаштириш, замонавий интенсив, аввало, сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш, уларни сақлаш ва транспортировка қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақил равишда ташқи бозорга чиқиши учун молия ресурсларини жамғариш учун қулай имкониятларнинг йўқлиги;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг реал эҳтиёжларига жавоб бермайдиган кадрлар тайёрлаш тизимининг паст даражаси, жумладан, замонавий билимларга эга ўрта ва олий бўғиннинг юқори малакали мутахассисларини тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги;

- логистика ва транспорт инфратузилмаси ривожланмаганлиги, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиши, шунингдек, етиштирилган маҳсулотни арзон нархларда сотиш ва натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг қониқарсиз молиявий кўрсаткичларига сабаб бўлмоқда (зарур инфратузилмани яратишда давлатга қарамлик);

- турли экинлар агротехнологияларининг долзарб масалалари ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотларнинг йўқлиги, илмий институтлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг паст даражада эканлиги (илмий соҳага маблағ ажратмаслик, манфаатли маркетинг алоқаларининг йўқлиги).

Сурхондарё вилоятидаги тадқиқотларимизга кўра, қишлоқ хўжалигида юқори самарадорликка эришиш учун вилоятда мавжуд боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 2016 йилда 1904 та бўлиб, уларга бириктирилган ер майдонлари 13935 гектарни, шундан интенсив боғлар 771 гектарни, маҳаллий боғлар 13164 гектарни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сонли қарорига асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган фермер хўжаликларини оптималлаштириш, йириклаштиришдан кейин 2020 йилга келиб боғдорчилик фермер хўжаликлари сони 1879 тага қисқартирилди ва уларга бириктирилган ер майдонлари 19674 гектарга етказилди, шундан 4309 гектар интенсив, 15365 маҳаллий боғларни ташкил этган, бу ўз ўрнида 2016 йилга нисбатан 5739 гектарга кўпайиб ёки 141,1 фоизга оширилган.

Вилоятдаги мавжуд яроқсиз боғ майдонлари 2016 йилда 639 гектарни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 566 гектарга камайиб, қайтадан реконструкция ва янгидан барпо қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 декабрдаги қарорига асосан вилоятда 2 та боғдорчилик кластерлари ташкил этилиб, уларга 1180 гектар ер майдонлари ва 35 та боғдорчилик фермер хўжаликлари бириктирилган.

Ушбу қарорнинг ижроси жиҳатидан қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- логистика марказлари (мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш бўйича қувватлар, қишлоқ хўжалиги техникаси), шунингдек, ички ва ташқи бозорда мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тажрибасига эга, қўшимча қийматлар занжири бўйича кластер усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун шахсий ва жалб қилинган молиявий маблағларига эга, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш, жумладан, экспорт қилишни ташкил қилиш, замонавий ресурс ва сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш вазифаларини ўз зиммасига оладиган хўжалик юритувчи субъектларга ердан узоқ муддатли ижара шартларида фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳуқуқий асосни яратиш зарурияти мавжуд.

Бунинг учун қуйидагилар иноватга олиниши лозим:

- мева-сабзавот кластерларига ички ҳамда ташқи бозордаги эҳтиёж ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, маҳсулот етиштириш ҳажми, уларнинг нави ва турини белгилаш, шунингдек,

фермер ва деҳқон хўжаликлари билан улар томонидан тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқи тақдим этилиши;

- мева-сабзавот кластерларига кўчатзорлар, жумладан, логистика марказлари (музлатгич, омбор, қайта ишлаш қувватлари, лаборатория, машина-техник станциялари учун инфратузилма бинолари)ни ташкил қилиш учун ер майдонлари ажратилиши жараёнлари;

- кўчатзорларни ташкил қилиш, мева-сабзавот кластерлари логистика марказлари, иссиқхоналар қуриш ва интенсив боғлар барпо этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари кредит линиялари ҳажмини

кенгайтириш;

- четдан олиб кирилатган уруғлар, кўчатлар ва пайвандтаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмларига божхона тўловларида имтиёзлар бериш ва ҳ.к.;

Фермерлик фаолиятини ташкил этиш, юритиш ва тузилган шартномалар ижроси жараёнидаги хато-камчиликлар кластер тизимида тақдорланмаслиги учун аввало ҳуқуқий асос мукаммал бўлиши керак.

**Ашурали АВЛИЯКУЛОВ,
Бобир РАХМАТУЛЛАЕВ,**

ТошДАУ Термиз филиали ўқитувчилари.

АДАБИЁТЛАР

1. Хохряков М.К. Методические указания по экспериментальному изучению фитопатогенных грибов. – Л.1969., вып. I. –Б. 52–55.
2. De Candole, A., 1967. Origin of cultivated plants. Hafner Publishing Company, NewYork. 441.
3. Saxena A.K., Mann J.N., Berry S.K., 1984. Pomegranate, postharvest technology chemistry and processing. Indian Food Packer 41, 43–60.

УЎТ: 631.675.2.

ТАДҚИҚОТ

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

The article discusses the use of information technology in the implementation of investment projects in agriculture.

В статье рассматривается использование информационных технологий при реализации инвестиционных проектов в сельском хозяйстве.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳаси энг асосий соҳаларидан бири бўлиб қолмоқда. Барча соҳалардаги инвестицион фаолиятни бошқариш ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бормоқдаки, уларсиз жамиятнинг муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлаш мумкин эмас. Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чуқур ўйланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган бундай ёндашув ҳаётни таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш, бандлик шароитлари яратишнинг муҳим таркибий қисми сифатида давлат иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг устувор мезонларидан бирига айланди. Бугунги кунда ушбу соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали мунтазам ривожланишига эришиш долзарб аҳамиятни касб этади. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва мураккаблиги шундаки лойиҳалаштириш ва ҳисоб-китоб ишларини бажаришни максимал даражада автоматлаштириш, шу билан бирга, вақт ва инсон меҳнати-ни тежаш имконини берадиган ахборот технологияларидан фойдаланишни талаб қилади.

Бизга маълумки, инвестициялар - бу инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига тавakkалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулк

объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялар бўлиб топилади. Инвестиция лойиҳаси иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалигидаги инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш хусусиятларини ўрганишдан олдин, соҳанинг асосий иқтисодий хусусиятларини эътиборга олиш керак бўлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий жараённинг табиий жараён билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Қишлоқ хўжалиги саноатида асосий манба ва асосий ишлаб чиқариш воситаси ер ҳисобланади. Ернинг асл сифати табиат томонидан яратилган ва одамлар фақат уни қўллаб-қувватлайди.

Ишлаб чиқариш даврининг иш даври билан мос келмаслиги ҳам катта аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш даврининг иш даври билан мос келмаслиги ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигини белгилайди.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш манбалари ҳаракатсиз бўлиши эътиборга олинади. Бундан ташқари, бозор нархларининг пасайиши тенденцияси кузатилиши мумкин. Озиқ-овқатга бўлган талаб эҳтиёжлар билан чекланган, аммо таклиф фақат илмий ва техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланиш имкониятлари билан чекланган. Агар ердан унумли фойдаланиш мумкин бўлса, унумдорликни ошириш мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши нисбатан турғун талабга эга бўлганда, маҳсулот нархининг пасайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигидаги ноаниқлик ва хавф саноатга қараганда анча юқори бўлади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш натижаларини тўлиқ ишонч билан башорат қилиб бўлмайди.

Бу омилларнинг барчаси қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ҳисоблашда бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши кераклигини англатади.

Инвестицияларнинг ҳам хўжаликлар, ҳам бутун мамлакат учун жуда катта ўрни бор. Инвестицияларнинг жалб қилиниши ҳар бир хўжалик ёки корхона ўз ресурсларини самарали тўплаши ва потенциалини ошириши мумкин. Албатта, инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлиги (янги технологияларни жорий этиш, реконструкция, модернизация) асосланиши керак. Сармоядорларнинг маблағларини оқилона жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш, рақобатбардошлик ва банкротликнинг пасайишига олиб келади.

2019 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида жами 625 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган (1-жадвал). 1-жадвалдан кўриниб турганидек, 70 та лойиҳа қишлоқ хўжалиги, 242 та лойиҳа саноат йўналишига, 313 та хизмат кўрсатиш йўналишларига тўғри келади. Бу инвестиция лойиҳаларини қиймати бўйича таққослайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигига 180754 млн. сўм, саноат йўналишига 1634152 млн. сўм, хизмат кўрсатиш йўналишига 302601 млн. сўм қийматдаги инвестициялар жалб қилинган. Бу кўрсаткичлар мос равишда 2020 йил мобайнида жами 586 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган. 204 та лойиҳа қишлоқ хўжалиги, 152 та лойиҳа саноат йўналишига, 230 та хизмат кўрсатиш йўналишларига тўғри келади. Бу инвестиция лойиҳаларини қиймати бўйича таққослайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигига 344102 млн. сўм, саноат йўналишига 3005411 млн. сўм, хизмат кўрсатиш йўналишига 327108 млн. сўм қийматдаги инвестициялар жалб қилинган.

Қишлоқ хўжалигидаги инвестицион фаолиятнинг ҳолатини кўриб чиқиб, қишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантиришга

маблағлар йўналтирилганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал), лекин бу борада мавжуд имкониятларни ишга солиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган асосий капиталга инвестицияларнинг умумий ҳажми динамикаси 2016 йилга нисбатан 2020 йилда 9,4 марта ошганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал). Юқоридаги 2-жадвалдан кўриниб турганидек, жами асосий капиталга нисбатан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2020 йилда 19,3% ни ташкил қилмоқда. Бугунги кунда соҳага инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш орқали янги технологияларни жорий этиш, реконструкция ва модернизация қилишни таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, юқорида келтирилган вазифаларни амалга оширишда хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш, реинвестициялар имкониятларидан фойдаланиш каби масалаларга эътибор қаратишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, соҳага замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жалб қилиш, ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда инвестиция муҳитини яхшилаш, соҳани етарлича ахборот манбалари билан таъминлаш, ахборот-таҳлил ишларини олиб бориш заруратини вужудга келтиради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда ахборот технологияларининг имкониятларини қуйидаги йўналишларда фойдаланишни кўрсатиш мумкин:

Ахборотлар билан таъминлаш;

Тезкор маълумотлар алмашинуви;

онлайн хизматлар ва платформалардан фойдаланиш;

маълумотлар базасидан фойдаланиш;

махсус дастурий таъминотлардан фойдаланиш;

махсус рақамли ускуналардан фойдаланиш.

Замонавий ахборот технологияларнинг ва махсус дастурларнинг имкониятларидан фойдаланганда, маълум бир

1-жадвал.

2019-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот

№	Лойиҳа йўналиши	Лойиҳалар сони		Лойиҳалар қиймати, млн. сўм		Ўз маблағлари, млн. сўм		Банк кредити, млн. сўм		Хорижий инвестиция ва кредит, минг доллар	
		2019	2020	2019	2020	2019	2020	2019	2020	2019	2020
1	Қишлоқ хўжалиги	70	204	180754	344102	60088	124711	109007	143536	1400	7350
2	Саноат	242	152	1634152	3005411	703659	1314034	697764	82564	27955	155893
3	Хизмат кўрсатиш	313	230	302601	327108	108845	177449	193234	104763	63	4346

Манба: www.qrstat.uz (Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси)

2-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий капиталга инвестициялар ҳақида маълумот

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2020 й. 2016 й. га нисбатан % да
Асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм.	3778,3	2822,0	6757,8	8750,6	8167,4	216,1
Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм.	167,0	234,4	349,6	1328,2	1576,2	943,8
Жами асосий капиталга инвестицияларга нисбатан % да	4,4	8,3	5,1	15,2	19,3	

Манба: www.qrstat.uz (Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси)

амалга оширилган ҳисоблаш методологияси, ишончлилик, натижаларни тақдим этишнинг қулайлиги, вақтни тежаш, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг имкониятларини ошириш каби афзалликларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш ва мавжуд инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш орқали реинвестиция имкониятларидан фойдала-

нишда иқтисодиётнинг самарадорлигини оширадиган илғор технологиялар, ёндашувлар ва тажрибалардан, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишни назарда тутди.

Рустам УТЕМУРАТОВ,
мустақил тадқиқотчи,
Қорақалпоқ давлат университети.

АДАБИЁТЛАР

1. «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2019 йил 25 декабрь, ЎРҚ-598-сон
2. Матвеева Л.Г., Черновой О.А., Прикладная информатика в экономике: теория и практика. Ростов-на-Дону, «Содействие-XXI век», 2013 г.
3. <https://qrstat.uz/qr/rasmiy-statistika/investitsiyalar11/435-analiticheskie-materialy-en1/4146-tiykar-kapital-a-investitsiyalar?layout=edit>

УДК: 004.021:519.857:639.331.5

ИССЛЕДОВАНИЕ

ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВОДСТВА ХЛОРЕЛЛЫ, КАК ОБЪЕКТОВ МАТЕМАТИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ И АВТОМАТИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ

Данная статья раскрывает проблемы особенностей производства хлореллы, как объектов математического моделирования и математического управления.

This article represent us features of microalgae production as objects of mathematical modeling and automatic control

Протококковые водоросли – один из источников ценных витаминов. Многими исследователями установлено положительное влияние биомассы хлореллы и сценедесмуса, как поливитаминных добавок в рацион сельскохозяйственных животных и птиц.

Молодые клетки водорослей отличаются более высоким содержанием витаминов, нежели старые. Содержание витаминов в водорослях увеличивается до конца недели культивирования, а затем постепенно снижается.

По содержанию каротина водоросли превосходят все известные растительные корма. В водорослях содержится значительное количество токоферола, рибофлавина и никотиновой кислоты. Водоросли содержат столько же тиамин и предоксина: сколько кукуруза, ячмень, джугара и овес. Эффективность биосинтеза витамина зависит от вида и штамма водорослей, а также от способа культивирования.

При батарейном способе культивирования каротин в биомассе удерживается на высоком уровне более стабильно, нежели при накопительном в гомогенно-непрерывном способах.

Биомасса водорослей, выращенная на минерально-органической и собственно органической средах по содержанию витаминов, мало отличается от биомассы, полученной на минеральной среде.

При массовом культивировании хлореллы и сценедесмуса с использованием импульсного концентрированного солнечного света наблюдается увеличение каротина почти в 2-2,5 раза по сравнению с контролем. Хлорелла и сценедесмус – наиболее богатые источники каротина среди зеленых растений. По содержанию каротина они в 7-10 раз превосходят сухие абрикосы и шиповник и почти в 40 раз – сухие соевые бобы.

В хлорелле и сценедесмусе найдены такие витамины как В₁, В₂, В₆, РР, С и другие, имеющие важное физиологическое значение для организма человека и животных.

Водоросли – мощный аккумулятор растворимых в воде солей. В биомассе хлореллы и сценедесмуса содержится значительное количество магния, калия, натрия, кальция, фосфора, а также микроэлементов – молибдена, бора, кобальта, никеля и др.

Установлено, что белки хлореллы и сценедесмуса усваиваются организмом животных на 60-80%. По питательной ценности белки протококковых водорослей гораздо полезней, чем белки многих бобовых растений. В связи с высоким содержанием питательных веществ биомасса хлореллы и сценедесмуса отличаются довольно высокой калорийностью.

Протококковые водоросли являются мощными фотосинтетическими реакторами. Культура протококковых водорослей усваивает от 3% до 7% солнечной энергии, тогда как наземные растения поглощают ее не более 1%. Кроме того, коэффициент усвоения водорослями углекислого газа также довольно высок.

Водоросли, постоянно находясь в водной среде и получая питательные вещества в достаточном количестве способны синтезировать в своем организме в этой среде ценные биохимические компоненты.

Анализ специфических особенностей производства микроводорослей, как объекта математического моделирования и автоматического управления, свидетельствует о том, что в недостаточной степени разработаны математические модели, которые позволяли бы учитывать физико-химические, биотехнологические закономерности исследуемых процессов и явлений. Это объясняется, по-видимому, малой изученностью

конкретных особенностей производства, многообразием типа ферментов, факторов, оказывающих влияние на процесс, недостатком достоверной информации по ферментативной кинетике реальной гидродинамике, взаимодействующих потоков и закономерностях тепло- и массообмена, а также биотехнологических закономерностей, обусловленных скоростью размножения микроорганизмов.

Задача оперативного прогнозирования и автоматического управления технологическим процессом массового культивирования хлореллы отличается особой актуальностью. Ее успешное решение требует разработки таких математических моделей, которые достаточно полно и правильно учитывали бы основные технологические и

микробиологические особенности объекта исследования. Для этого необходимо исследовать и разработать методы и практические приёмы составления прогнозирующих моделей и синтезировать системы управления, способные вырабатывать рекомендации и управляющие воздействия по оптимальному ведению технологического процесса культивирования хлореллы.

Шеркул РАХМАНОВ,
к.т.н., доцент,
Шердор МАЛИКОВ,
Жуманийёз ДОНОБОВ,
Ислом КАДИРНАЗОВ,
студенты ТИИИМСХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Sherkul Rakhmanov, Rano Gaziyeva, Dilbaroy Abdullaeva, and Nigora Azizova Development of an algorithm for optimization of continuous technological process of cultivation of microorganisms E3S Web of Conferences 264, 04032 (2021) CONMECHYDRO - 2021 <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126404032>
2. Rakhmonov Sh. A.A.Abduganiev, D.Abdullaeva, N.Azizova Automatic control system for the technological process of chlorella cultivation IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 883 (2020) 012154 IOP Publishing <https://doi.org/10.1088/1757-899X/883/1/012154>
3. Rakhmonov Sh., Nematov A.M., Azizova N.Sh., Abdullaeva D.A Mathematical modeling of the hydrodynamic structure of flows in the apparatus for cultivating chlorella. Parametric identification of the mathematical model ICECAE 2020 IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science 614 (2020) 012152 <https://doi.org/10.1088/1755-1315/614/1/012152>
4. Ахметов К.А., Исмаилов М.А. Математическое моделирование и управление технологическими процессами биохимического производства. — Ташкент: Фан, 1988.
5. Юсупбеков Н.Р., Мунчиев Н.А., Якубов Э.М. Управление процессами ферментации с применением микро-ЭВМ. — Ташкент, 1987.
6. Рахманов Ш.Р. Система управления процессом приготовления субстратов. — Ташкент, 1993.

УДК: 631.1.65

ИССЛЕДОВАНИЕ

О НЕКОТОРЫХ АСПЕКТАХ СОЗДАНИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ ПЛАТФОРМЫ ПО ОРГАНИЗАЦИИ И РАЗВИТИЮ КЛАСТЕРОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

The article analyzes one of the existing problems of the cluster system-the lack of a single electronic space. Foreign experience in this area is highlighted.

В статье анализируется одна из существующих проблем кластерной системы — отсутствие единого электронного пространства. Освещается зарубежный опыт в этом направлении.

На сегодняшний день во многих отраслях экономики Узбекистана широко внедряется практика кластерного подхода в производстве. Как эксперты отмечают, практика кластеризации в стране развивается очень большими темпами, однако существуют и такие некоторые нерешенные организационные вопросы, как отсутствие достоверных данных о количестве, масштабах деятельности, отраслевой направленности, степени зрелости и других важных характеристиках местных кластеров, многие из которых демонстрируют высокую эффективность и обладают серьезным потенциалом роста, оставаясь при этом невидимыми для инвесторов.

Передовой международный опыт создания единых электронных банков информации о кластерах, в том числе проекты Европейской кластерной обсерватории и «US Cluster Mapping» (карта кластера) на практике показывают свою значимость.

Практическая польза таких карт заключается в возможности получать не только общую информацию о кластерах, но и профессиональную, дающую представление, в том

числе, об их специализации, производимой продукции (услугах), приоритетах развития. Также пользователям карты доступны сведения об участниках и партнерах кластеров, органах управления, реализованных, актуальных и перспективных проектах. В открытом доступе размещены ключевые документы кластеров, регулирующие их деятельность. Сводная информация о кластерах доступна как в формате интерактивной карты, так и табличного реестра. В рамках карты действует система фильтрации и агрегации данных, позволяющая ранжировать кластеры по специализации, числу участников, уровню организационного развития, региону базирования и иным признакам. Представленные на ней кластеры также могут быть ранжированы, исходя из наличия поддержки со стороны органов государственной власти, применяемой к ним.

Кроме того, пользователи карты имеют доступ к индивидуальным профилям кластеров. Таким образом, она является удобным инструментом анализа и оперативного отслеживания актуальных практик в сфере развития кластеров и реализа-

ции кластерной политики на национальном и региональном уровнях.

При анализе состояния доступности информации о местных кластерах в сети интернета нами наблюдались следующие системные проблемы:

во-первых, за развитие таких, как агро- и промышленных кластеров отвечают соответствующие отраслевые государственные органы. По этой причине у инвесторов отсутствует полная информация (о количестве, о местах локации и др.) о местных кластерах;

во-вторых, в целях решения проблемных вопросов в деятельности кластеров, расширения объема экспорта продукции, также для укрепления взаимоотношений между кластерами правительством Узбекистана создаются разного рода ассоциации и комитеты. Несмотря на это, фактически отсутствуют официальные сайты этих организаций, что затрудняет получение статистических данных;

в-третьих, отсутствует единое пространство для всех видов кластеров в целях обмена опытом, дискуссии общих вопросов по деятельности.

Ниже предоставляется краткая информация об успешных проектах по созданию электронной платформы для участников кластеров:

www.clustermapping.us (США) — это национальная экономическая инициатива, которая предоставляет более 50 миллионов открытых данных по отраслевым кластерам и региональной деловой среде в Соединенных Штатах, чтобы способствовать экономическому росту и национальной конкурентоспособности;

www.clusterobservatory.eu (ЕС) — это онлайн-бесплатная и удобная платформа, которая обеспечивает единую точку доступа к данным и анализу кластеров, находящегося на территории ЕС.

Закключение. Создание подобной платформы в Республике Узбекистан в будущем принесут следующие положительные результаты: уменьшение нагрузки на государственные органы со стороны кластеров и инвесторов в виде обращений (получение информации и т.д.); появление возможности для правительства и региональных властей объективно оценить текущее состояние; решение проблемных вопросов по организации сотрудничества научно-исследовательских центров и кластеров.

Фарход АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
независимый соискатель.
УГТК по Ташкенту.

ЛИТЕРАТУРА

1. Манукян М.М. Основы экономики, управления и права. Электронный ресурс. <http://cyberleninka.ru> [Кирилган сана: 2021 йил 14 февраль]
2. Навруз Мелибаев "Кластерлар – аграр соҳанинг "локомотиви"
3. Раздел "О проекте" - данные сайта www.clustermapping.us (США)
4. Раздел «Информация» - данные сайта www.clusterobservatory.eu (ЕС)
5. Портер М. (2003) Конкуренция. М: Издат.дом "Вильямс", 5-15 стр.



Polimer Galantery

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Надёжная полимерная продукция от производителя

(+998) 94-638-33-33
(+998) 95-142-31-19
(+998) 97-342-50-08

polimergalantery@mail.ru
www.polimergalantery.uz

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

ТЕРМИНОЛОГИЯ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

Терминология имеет большое значение для каждой сферы. В данной статье мы проанализировали основные принципы создания отраслевой терминологии (комбинации отраслевой терминосистемы) и старались уточнить ведущие принципы терминологии.

Terminology is the great important for every fields. In this article, we analyzed the basic principles of creating industry terminology (industry terminology) and tried to clarify the leading principles of terminology.

Терминология — совокупность терминов определенной отрасли знания или производства, а также учение об образовании, составе и функционировании терминов. Между тем многозначным был сам термин терминология, который употреблялся в двух значениях.

1. Терминология как совокупность слов и словосочетаний, называющих специальные объекты и выражающих специально-профессиональные понятия.

2. Терминология — раздел языкознания, изучающий совокупность терминов, их грамматическую организацию и законы функционирования. Предмет общей теории терминологии составляют: изучение формирования и употребления специальных слов, с помощью которых аккумулируются и передаются накопленные человечеством знания; совершенствование существующих терминологических систем; поиски оптимальных путей создания новых терминов и их систем; поиски универсальных черт, свойственных терминологиям разных областей знания.

В начале 30-х годов XX века терминология становится объектом изучения лингвистов. Основоположником русской научной терминологии является Д. Лоте. Он впервые поставил вопрос о необходимости систематизации, унификации и стандартизации терминологии на основе разработанной им теории термина. Однако при появлении общепринятой теории в данной области отраслевая терминология может преобразоваться в терминосистему с более строгими правилами отбора унифицированных лексических единиц, а при наличии двух и более теорий, описывающих эту область, могут сформироваться несколько терминосистем, как это имеет место в физике, лингвистике, биологии и др.

Все термины, относящиеся к отраслям, разделены на несколько

принципов. Впервые такой принцип назван, по предложению Ю. Марчука, принципом переведенной терминологии. Обычно он применяется в случаях, когда новая область знания возникает и начинает развиваться в какой-либо одной стране, а затем ее предмет, теория (теории, если они есть), специальные понятия и соответственно термины заимствуются другой страной или другими странами.

Второй принцип формирования терминологий основан на использовании собственных ресурсов языка, в котором они создаются и поэтому данный принцип можно было бы назвать принципом опоры на собственные средства. Однако в связи с тем, что способы создания терминов здесь очень разнообразны, его можно называть и комплексным. В перечне способов создания терминов фигурируют все способы, традиционно упоминаемые в учебных пособиях по терминоведению:

- семантические, основанные на переосмыслении общеупотребительных лексических единиц и на межсистемном (внутриязыковом) заимствовании терминов;

- различные способы терминообразования, включая морфологические и словообразовательные;

- синтаксические (создание терминов-словосочетаний). Этому принципу посвящены работы В. Даниленко, Б. Головина, Р. Кобрин, С. Гриневы и др. Комплексный принцип рассмотрен на примере терминологии библиотечного дела (см. статьи и словарь И. Суслевой).

Третий принцип очень специфичен, он применяется в ограниченном числе областей знания и почти не освещен в литературе. Речь идет о том, что исходные лексические единицы при использовании в качестве терминов не подвергаются метонимизации или метафоризации. Этот факт имеет место, например,

при формировании политологии с ее терминами перестройка, гласность, права человека и т. п. Поскольку в составе подобных лексических единиц используются общеупотребительные слова и словосочетания, данный принцип может быть назван принципом терминологизации не терминов. В известной степени он применяется и в терминологии ЭСХ, большей частью — при использовании так называемых привлеченных терминов, в том числе сельскохозяйственных терминов, которые практически являются общеупотребительными лексическими единицами: пшеница, рожь, крупный рогатый скот.

Четвертый принцип применяется в комплексных и стыковых областях знания. Соединение достижений двух и более областей знания в одной, сфере современной науки, техники, общественной практики приводит к формированию объединенной совокупности терминов, причем во многих случаях термины новой области являются двучленными, органично сочетающимися термин одной области с термином второй. Поэтому принцип формирования (данных отраслевых терминологий можно назвать принципом объединения. К их числу относится и терминология СХ, включающая, данные, общей экономики и собственно сельскохозяйственные данные. Отсюда и появление таких словосочетаний, как эффективность использования земельных ресурсов в условиях. Можно утверждать, что четвертый принцип является ведущим принципом в создании терминологии СХ. Здесь показано, что терминосистема представляет собой более высокую степень организации лексических единиц, чем терминология.

Важно, что терминология аграрной сферы, как и любая отраслевая терминология, включает все группы терминов; базовые, относящиеся к тем базовым наукам, которые лежат

в основе изучаемой области (расширенное воспроизводство); привлеченные, относящиеся к смежным сферам; основные, характеризующие узбекское сельское хозяйство (дехкан, крестьянин), производные, вытекающие из основных (оптовая цена на зерно); сложные, сочетающие два или более специальных понятий сельскохозяйственных терминов (земельный участок); общенаучные и общетехнические, необходимые для обеспечения полноты терминологии (издержки; проектирование); слова общей семантики — опорные элементы, необходимые для создания терминов в соответствующем естественном языке (материал, продукция), (см. методику членения терминологии в работах В.Лейчика и М.Макаренко). С учетом высказанных соображений о неполноте терминологии СХ на современном этапе, в данной статье приводятся примеры использования описательных конструкций при отсутствии адекватного термина. Термины, в том числе отраслевые, можно классифицировать по разным основаниям — по содержанию, по языковой форме, по функции, по внутриязыковым и неязыковым признакам. Все эти связи исключающие классификации важны и необходимы. В то же время целесообразно попытаться найти некоторые глубинные признаки терминов, которые лежат в основе, с одной стороны, отграничения терминов от смежных единиц, с другой — членения всего множества терминов на группировки (типы) по этим признакам. Наиболее разветвленной является лингвистическая классификация терминов определенной области, точнее, комплекс лингвистических классификаций, куда входит, прежде всего, содержательная классификация и, по меньшей мере, восемь формально-структурных классификаций (по отдельным языковым структурам), к которым добавятся классификации по языку-источнику и по новизне терминов. Трудность лингвистического анализа выявленных единиц состоит в том, что в последние годы терминология в сфере сельского хозяйства была предметом подробного изучения и поэтому приходится ориентироваться на работы, посвященные аграрной сфере Узбекистана в целом или смежным разделам аграрной экономики.

Формально-структурные типы терминов русского языка были предметом очень многих работ, как лингвистов, так и терминоведов, поэтому нет необходимости строить общую классификацию терминов-слов и терминов-словосочетаний, достаточно на примерах показать, какие из структур реально встречаются в изучаемой их совокупности. Это тем более целесообразно, что далеко не все структуры лексических единиц русского языка используются в терминологии сельского хозяйства (СХ). Наиболее

элементарным случаем является использование простых (корневых) слов, исконно русских и заимствованных. В рассматриваемой терминологии их достаточно мало: урожай, ферма, село.

Если основное специальное понятие постоянно обозначается двухсловным термином, то производные понятия (чаще всего это видовые понятия) обозначаются трехсловными терминами: аграрные экономические отложения, государственные продовольственные фонды. Так решается вопрос, о терминах, состоящих из двух или трех слов. Но когда перед нами номинативные образования, содержащие четыре и более слов, а в работах Р.Кобрин приведены термины протяженностью до 17 слов — невольно появляется мысль, что это номинативные единицы, еще не достигшие необходимого уровня терминологичности.

Можно сказать, что это не термины, а терминологические комбинации. Если оставаться на первой точке зрения, которой придерживается школа Б.Головина, то данные единицы можно назвать, вслед за ним, терминами речи и стремиться к преобразованию их в полноценные термины языка. Если же признать вторую точку зрения правомерной, то необходимо провести тщательный анализ, который и позволит увидеть, что с помощью данных номинативных единиц обозначаются не одно, а несколько специальных понятий определенной области знаний и (или) деятельности, причем эти комбинации терминов постоянно встречаются, в соответствующих текстах, воспроизводятся, а не производятся в них. Комбинации экономического и сельскохозяйственного терминов чрезвычайно частое явление, можно сказать — специфическая черта данной терминологии как в сфере фиксации (в словарных произведениях), так в сфере (сферах) функционирования (в текстах разного характера).

Дополнительными классификациями терминов в рассматриваемой области служат: классификация по происхождению (термины исконные слова, заимствованные, кальки и интернационализмы, термины-неологизмы и архаизмы (историзмы), аграрные и земельные преобразования; забой (стада).

Таким образом, термином может быть любое слово, которому дана четкая дефиниция, определяющая именуемое понятие и жестко ограничивающая понятийную сферу, обеспечивая изоляцию от бытовых смыслов омонимичных слов общей лексики. Термином может стать и искусственно созданное слово.

Ситора ЖАНОНОВА,
ассистент Самаркандский филиал ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Основные принципы формирования отраслевой терминологии// Актуальные проблемы английской лингвистики и лингводидактики. Сб. науч. трудов, вып. 2. - М. - Прометей. - 2003. - с. 102-116.
2. Зрелый термин — зрелая терминология// Научно-техническая терминология. Науч.-техн. реферативный сборник, вып.2. - М.-[ВНИИКИ]. - 2003. - с. 47-49.
3. Источники формирования и лексико-грамматический состав сельскохозяйственной терминологии (СХТ)// Вестник РТСУ - 2005 № 4 (12) - с. 206-212.
4. Авербух К.Я. Общая теория термина/ К.Я.Авербух, Иваново. 2004.
5. Суперанская. А.В. Общая терминология: Вопросы теории/. А.В.Суперанская. Н.В.Васильева. М: Наука 1989.
6. Татаринов В.А. История отечественного терминоведения - М., 1995.
7. Реформатский А.А. Мысли о терминологии. — В кн.: Современные проблемы русской терминологии. М., 1986.

БИРИНЧИ ДИПЛОМЛИ АГРОНОМ

Тадқиқотчи Баҳром Ирзаевнинг биринчи ўзбек агрономи ҳақидаги изланишларини сиз журналхонлар эътиборига ҳавола қилаёмиз. Унда бир ўзбек ўғлонининг аччиқ қисмати ҳикоя қилинади.

Жонажон Ватанимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб истиқлол учун курашда жонини ҳам аямаган аждодларимиз номини тиклашга, тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу ишлар натижасида минглаб ноҳақ айбланган, қатағонга учраган олимлар, давлат арбоблари, ёзувчию шоирларнинг номлари тикланди. Улар орасида ўтган асрнинг 30-йилларида қатағонга учраган биринчи дипломли ўзбек агрономи Абдуваҳоб Муродий ҳам борлиги қувонарли ҳол.



Абдуваҳоб Муродийнинг таржимаи ҳолида қайд қилинишича, у Тошкентдаги камбағал бир оилада таваллуд топиб, 14-15 ёшларигача бировлар эшигида хизматда бўлган. 1911 йилда Шайхонтоҳурдаги «Хоний» мактабига ўқишга кирган. «Мактабга кирганимнинг биринчи йилидаёқ, — деб эслagan эди у кейинчалик, — икки синф ўтишга тўғри келди. 1913 йилда «Хоний» ва 1914 йилда «Намуна» мактабининг 5-синфини битиргач, Наманганга муаллим бўлиб кетдим. Февраль инқилобидан сўнгра ўқиш учун Озарбайжонга кетдим».

Абдуваҳоб Муродий Бокудан ўқишни тугатиб қайтгач, Тошкентдаги янги усул мактабларида муаллимлик фаолияти билан шуғулланади. Айни пайтда ўз даврининг илғор маърифатпарварлари Мунаввар қори Абдурашид-хонов, Шокиржон Раҳимий ва бошқаларнинг педагогик тажрибаларини ўрганади. У Туркистон ва Озарбайжондаги мактаб ва маориф ишлари билангина қизиқиб қолмай, ўзбек, татар, озарбайжон матбуоти, адабиёти ва театри янгиликлари билан танишиб боради; Боку, Оренбург, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида нашр этилган газета ва журналларда Туркистон хотин-қизларининг аҳволи, уларнинг маданий-маърифий тарбияси ва бу масаланинг миллатнинг келгуси истиқболи учун аҳамияти, шунингдек, чекка вилоятларда театрга, жумладан, Наманганда сахналаштирилган ўзбек тўйларидаги исрофгарчиликни танқид қилувчи пьесаларга бўлган оммавий қизиқиш ва бошқалар ҳақида мақола ҳамда хабарлар эълон қилади. Февраль инқилоби ва Октябрь тўнтаришидан кейин у бир неча муддат ўқитувчи бўлиб ишлайди ва ўзининг илмга чанқоқлиги сабабли 1921 йили Германияга ўқишга бориб, Берлин Қишлоқ хўжалиги академиясига киради. Лекин у ерда дастлаб моддий қийинчиликларни бошидан кечиради. «Шу чоғ, — деб ёзган эди у таржимаи ҳолида, — Бухоро ва Туркистон талабалари етиб келдилар. Шу талаба ўртоқларимнинг ёрдами ва ўртоқ Икромовнинг Москвадаги талабалардан йиғиб юборган кўмаги ва Тошкентда менинг фойдамга кўйилган театрдан тушган ақча билан яшадим. Фитрат маориф комиссари бўлганида Бухоро ҳукумати таъминотига олиндим... 1925 йил ноябрида мактабни битирдим. Германиянинг турли ерларида тажрибаларда бўлгач, 1926 йилнинг ёз мавсумида Ўзбекистон ҳукумати томонидан Миср зироати ва, айниқса, пахта ишларини текшириш

учун Мисрга юборилдим... 4 ойга қадар немислар

томонидан таъсис қилинган Янги жинс пахта етиштириш институтида ишлаб, Германияга ва ундан Ўзбекистонга қайтдим... Бу кунги биргина амалим эса Европадан келтирилган маълумотимни ўзбек деҳқони билан ўртоқлашмоқ ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг кўтарилиши учун қолган умримни шу йўлда ўтказмоқдир».

Шундай қилиб, А.Муродий хориждаги биринчи кунларидан бошлаб Германиядаги Қишлоқ хўжалик академиясида ўқиш ва шу соҳа бўйича у ердаги илғор тажрибаларни ўрганиш билан машғул бўлади. Айни вақтда жонажон ватани билан алоқасини узмайди, Туркистонда Германияга талабалар юбориш ташаббусининг бошланиши ва шу мақсадда Тошкентда «Кўмак» жамиятининг ташкил этилиши ҳақидаги хабарни қувонч билан кутиб олади. У ушбу ташаббуснинг аҳамияти ва немис илм-фанининг Туркистоннинг келгуси истиқболи учун муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳақида Тошкентда чиқиб турган «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 29 июль ва 10 август сонларида эълон қилган «Германиядан хат»ларида бундай деб ёзади: «Тошкентдан келган бир хатда Европага талаба юбормоқ учун зиёлиларнинг бир уюшмаси тузилганлигини ўқиб, теримга сигмайдиган даражада севиндим. Бир йилдирким, Европада яшамокдаман. Илм-маърифатда Европанинг биринчи бўлган Германия дорилфунунларида бутун дунёдан, ҳатто, татарлардан ўнлаб, турклардан эса минглаб талабалар бўлгани ҳолда, бизнинг Туркистондан мендан бошқа талаба бўлмаслиги юрагимни парчаламоқда, бошқаларга ҳасад сезгисини уйғотмоқда эди. Мана, сизларнинг бу хайрли, муборак ташаббусингиз йиллардан бери кулмаган кўнглимни кулдирди ва руҳимга жон берди. Сиз ҳам жон ўртоқларимнинг вазифаси Туркистондан талаба юбормоқлик эса, у талабаларни етиштирмоқ ва бу ердан сизга лозим бўлган маълумотларни бермоқ, албатта, менинг вазифамдир... Фақат маорифда, илмда бугун немислар бутун Европада устоз ҳисобланадилар. Немисларнинг олий мактабларида юзлаб америкалик, француз ва инглизларнинг бўлишини ва бу ерга муҳандис тайёрламоқ учун бирмунча ҳайъатларнинг келиши менинг бу даъвоимни исбот этар. Сўнгра бошқа Европа давлатларига қараганда энг яқини

ҳам шудир. Шўролар ҳукуматининг Германия билан яхши алоқада бўлиши ва Германия билан шўролар Россияси орасидаги мувофиқлар яна бизни Германияга тортар. Шу сабабларга кўра, Европага юборилатурган талабаларни энг аввал Германияга юборилмоғи ҳар тўғридан ақлга мувофиқдир. Бунга мувофиқ бўлмоқ ҳам унча қийин эмас. Бизнинг ўз тилагимиз ва шўролар ҳукуматининг бу кунги сиёсати ҳам бу фикрга тўғри келади».

Шу хатдан кейин Тошкентдаги маориф ва маданиятнинг бир гуруҳ ходимлари ташаббуси билан Абдуваҳоб Муродийга кўмак уюштирилди, бунда, айниқса, миллий истиқлолимизнинг фидойилари бўлган илғор маърифатпарварларимиздан Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Саидносир Миржалилов, Шокиржон Раҳимий ва бошқалар шахсий пулларидан ёрдам кўрсатадилар. Бундан ташқари, мазкур ташаббускор гуруҳ 20 декабрда бир адабий кеча уюштириб, ундан тушган 75 минг сўм пулни ҳам юборади. Бундан чексиз қувонган Абдуваҳоб Муродий у ерларда фақат ўқиш ва иш билангина чекланиб қолмай, маданий-маърифий ҳаётда ҳам фаол қатнашади. 1925 йилнинг сўнгги ойларида Берлинда Ўзбекистон кунлари нишонланади. А.Муродий ушбу маросимда иштирок этиш учун Ўзбекистондан келган машҳур ҳофиз Муҳиддин қори Ёқубов ва Халқ маорифи комиссарлиги вакили Мажид Қодирий билан учрашиб, у билан мулоқотда бўлади. Республикамиз тузилган куннинг бир йиллигига бағишланган тантанали кечада туркистонлик талабалар А.Муродий бошчилигида Ғулом Зафарийнинг «Эрк болалари» асарини саҳналаштириб, намоиш этадилар. Шу кечада А.Муродий Берлинда пахтачилик соҳасида олган билими ва олиб бораётган илмий изланишлари ҳамда тажрибалари борасида маъруза ҳам қилади. Бу маъруза кейинчалик «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бир неча сонларида босилади. Унда пахтанинг дунё халқлари ҳаётида тутган муҳим ўрни, унинг дастлабки ватани Шарқ бўлса-да, кейинчалик Европага ҳам тарқалганлиги, тараққий этган Европа мамлакатлари, айниқса, Англия, Германия, Америкада экиш ва териш ишларидаги янгилик ва ихтиролар, Туркистоннинг бу соҳаларда ҳали орқада эканлиги, ватандошларимизнинг улар таржибасини ўрганишининг аҳамияти ва бошқа муҳим масалалар ҳақида фикр юритади.

«Биз, туркистонликлар, — деб ёзади у, — ватанимиз зироат мамлакатаи бутун ҳолда ерни ишлашимиз эски замоннинг ихтироси бўлган омонча ёпишиб қолган, аммо европаликлар бўлак жиҳатдан тараққий этганларидек, зироатда ҳам илгари кетиб, бир неча юз турли от машиналари, ўт машиналари, буғ машиналари ихтиро қилиб, деҳқончиликни шул даражада енгил ҳолга келтирганларки, бу қўшхайдовчи автомобиль устида ўлтирган ҳеч бир азоб чекмасдан бутун ерни ҳозирлайдир, экадир, ўрадир. Хирмондаги ишларни ҳам автомобиль ичида ўлтириб бажарадир. Ҳозирги кунда янги зироатнинг энг муҳим вазифаси экиннинг ҳосилотини орттириш баробарида харажатларини камайтириш, ишларнинг заҳматини камайтириш ва бутун оғирлиқни темир устига юклашдир.

«Ўзи арзон бўлсун, аммо жуда яхши», — деганда ҳар ким куладир. Лекин Европа маданияти кулиб турмасдан, бунинг чорасини қидирган. Мисол учун 1923 йилда Олмонияда ихтиро қилинган «Зимин» машинасига тўхтаб ўтамиз. Бу машина ер ишларида ишламоқда бўлган бутун

машиналарнинг энг биринчиси бўлиб, ҳар жиҳатдан фойдалидир. Бу машина керосин ёхуд бензин билан ишлаб, ер ҳайдашда тупроқни экиш учун тамом бир тайёр ҳолга келтирадурки, янадан тупроқни майдалаш, текислаш каби муомилага эҳтиёж қолмаганидек, бўлак йўл билан тупроқни бу машина каби майдалаш, аралаштириш ҳеч-да мумкин эмас; демак, бу машина ерни ҳайдаш, аралаштириш, текислаш каби бутун ишларни биратўла бажарадир. Янада сувни ва табиий гўнгни ақл ҳайратда қоладурган даражада аралаштириб, зироат ҳосилотини оширадир. Енғинга бўлак асбоблар тақиб, ўриш, йиғиш ва хирмон ишларига ҳам ярайдир...».

Абдуваҳоб Муродий ватани Ўзбекистонга қайтгач, Шредер номидаги Боғдорчилик илмий-текшириш институтида директор муовини, шунингдек, Ўрта Осиё Давлат университети қишлоқ хўжалик факультетида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Республика қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик, мевачилик ва чорвачилик соҳалари бўйича амалий ва илмий ишларни йўлга қўйиш, бу соҳаларда маҳаллий кадрларни тайёрлаш ишларига фаол киришиб кетади. У ўша вақтда мазкур дорилфунуннинг қишлоқ хўжалик факультетида илмий ходим вазифасида ҳам хизматда бўлган. 1927 йилдан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида ишлаган ва тажриба станциясининг Тошкент тумани Аччи овулидаги уйларида яшаган. У қисқа муддатда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида кўпгина иқтидорли шогирдларни етиштириб берди. Аччи овулида ўз ташаббуси билан тузилган «Қизил намуна» жамоа хўжалигида Германияда ўрганган илмларини ишга солиб, жуда бой жамоа хўжалигини юзага келтиради ва ўз даври учун мисли кўрилмаган иқтисодий ютуқларни қўлга киритади.

Шунингдек, у ўзининг Германиядан келтирган китоблари асосида болалар учун олмон адабиётидан таржималар қилди, қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари яратди. Жумладан, «Ботаника», «Пахта етиштириш усуллари» каби китоблари чоп этилди, вақтли матбуотда кўплаб мақолалари босилди.

Унинг бошига кутилмаган фожиа тушмаганида, у мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожига улкан ҳисса қўшиши, хорижда олган билим ва кўникмаларини ҳаётга татбиқ этиши шубҳасиз эди. Бироқ, 1930 йил 25 апрель куни Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси сифатида ОГПУ томонидан қамоққа олинди... Шундан сўнг Абдуваҳоб Муродий ва унинг оила аъзоларининг тақдирлари нима бўлди? У жазо муддатини тугатиб қайтдимми ёки қайтмадимми? Қайтган бўлса, қачон, қаерда ва қандай вафот қилган? Унинг, оила аъзоларининг кейинги аҳволи қандай кечган?... Афсуски, бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

Демак, ҳали олдимизда жадидларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўплаб тадқиқотларни амалга оширишдек муҳим вазифалар турибди. Эл-юрт маърифати ва маънавияти учун жон куйдирган бу юртдошларимиз нималарни орзу қилмаган, қайси улкан мақсадлар йўлида ўз жонларини қурбон қилмаган дейсиз... Миллатимиз оидини Абдуваҳоб Муродий ҳам шулар жумласидандир. Унинг босиб ўтган қисқа, лекин ибратли умр йўли мустақил Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодимиз учун ўрнак бўлиши шубҳасиз.

ДУНЁГА МАШХУР СЕЛЕКЦИОНЕР

Ўсмирлик йилларимда, яъни бундан 50-55 йил муқаддам қишлоғимизда вилт касаллигига чидамли машхур “Тошкент” навлари яратилгани мени ҳануз ҳайратга солади ва бу ҳақида кўплаб мақолалар ёзганман. Бу гал ҳам дунё тан олган олим Содиқ Мираҳмедов ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.



Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида республика пахтачилиги вилт балоси исканжасига тушди. Асосий майдонга экиб келинётган “108—Ф” навини вилтдан қандай асраш мумкин? Вилтга чидамли пахта нави борми? Афсуски, селекционерлар тайинли навни беришмади, улар даврдан ортда қолаётган эдилар.

1967 йилда Тошкент вилояти пахтакорлар кенгашининг йиғилиши бўлади. Кенгаш иштирокчилари йиғилишдан сўнг Зангиота қишлоғининг Ўртаовул қўрғонидаги Ўзбекистон фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институти тажриба участкасида бўлиб, селекционерларнинг янги пахта навларини яратиш борасида олиб бораётган тадқиқотлари билан танишишади. Кўргазмага қўйилган янги пахта навлари кенгаш қатнашчилари эътиборини ўзига тортиди. Энг муҳими навларда вилт касаллиги нишониси кўринмасди. Булар лаборатория мудир Содиқ Мираҳмедов ғўза навлари эди.

— Пахтангизнинг навидан келаси йил бир эксам, — деб қолди “Тинчлик” жамоа ҳўжалиги раиси, кейинчалик меҳнат қаҳрамони бўлган Махмуд Исмаилов.

Синов ҳали охирига етгани йўқ.

Синовни даламизда давом эттирсак, нима дейсиз?

С.Мираҳмедов рози бўлди. 1968 йили 39 гектарга, шундан 15 гектарига “Тошкент — 1”, 20 гектарига “Тошкент — 2” қолган 4 гектарига “Тошкент — 3” нав уруғлари экилади. Уруғнинг деярли ярми униб чиқади. Лекин шунга қарамай мўлжалдагидан кўп пахта ҳосили олинади. Энг муҳими, Тошкент навлари вилтга чидамли, ўртапишар ва серҳосил эканлигини кўрсатади.

Янгиликдан хабар топган давлат раҳбари Шароф Рашидов мазкур навлар майдонини кенгайтиришни тавсия қилди. Аввал Тошкент вилояти ва Фарғона водийсида кейин республикамизнинг бошқа вилоятларида Тошкент навлари экила бошлади ва Умумий пахта майдон 1 млн. 200 минг гектарга етди. Собик иттифоқнинг барча пахта етиштирувчи республикаларининг асосий ғўза экин

майдонларини “Тошкент” навлари эгаллади. М.Исмаилов меҳнат қаҳрамони бўлди. С.Мираҳмедов эса давлат мукофоти олди. Алоқадор ўнлаб одамлар орден-медаллар билан тақдирланишди.

Ёзувчи Эркин Усмонов Содиқ Мираҳмедовнинг тадқиқотлари асосида “Гирдоб” романини яратди. Бу роман халқимиз томонидан севиб мутолаа қилинди, у асосида видеофильм яратилди.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, меҳнат фаолиятини агроном-энтомологдан бошлаган Содиқ Мираҳмедовнинг “Тошкент” навларини яратиши оламшумул воқеа бўлди. Вилтга чидамли ғўза навлари яратиш натижасида айрим олимларнинг қаршилигига қарамасдан ғўза селекцияси ва генетикаси соҳасида илмий-амалий аҳамиятга молик кашфиёт яратди. У дунё селекцияси тарихида биринчи бўлиб, ғўзанинг серҳосил, аммо вилт касаллигига чидамсиз С — 4727 ғўза навини Шимолий Америкада тарқалган вилтга чидамли ёввойи мексиканум неврозум кенжа тури билан чапиштириб олинган дурағайларидан вилтга чидамли ғўза навларини яратишнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқди. Бу соҳадаги фундаментал тадқиқотлари натижасида ғўзанинг серҳосил, ўртапишар, вилтга чидамли “Тошкент” навлари ҳаётга йўл олди.

Олим ниҳоятда камтар инсон эди. Бу фазилати ҳақида бир мисол келтираман.

С.Мираҳмедовнинг тажриба участкасида менинг отам — Мирза ака оддий сувчи бўлиб меҳнат қилган. Шу сабабли олим тўй қилаётганда отамни ҳам тўйга таклиф қилади.

Тўйхона эшиги олдида турганлар кирза этик кийган, дўпписи қуёш тиғида уринган, ўрта бўйли кишига, яъни отамга хушламайгина “ичкарига кириш” деб қўя қолишади. Турган гапки, ичкарига кирган отам мухташам залдаги тумонат одамни кўриб, қаерга боришини билмай тўхтаб қолади. Меҳмонларни кутиб олаётган Содиқ Мираҳмедов кўзи тушган заҳоти келиб отамни бағрига босади-да, тўрга бошлайди. Қуюқ дастурхон атрофида

ўтирганларга: “Танишинглар, булар Мирза ака бўладилар. Навларим юзга чиқишида бу инсоннинг ҳам катта ҳиссаси бор. Сувчилик қилиб, механизатордан кам иш қилмадилар!” — дейди.

Ҳайрон бўлиб турган даврадагилар сувчини дастурхонга чорлашади.

Хуллас, Содиқ Мираҳмедовнинг мамлакатимиз пахтачилигини юксалтириш, пахтасидек кўнгли оқ ўзбек деҳқонининг миришкорлигини дунёга кўз-кўз қилишда Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти (ҳозирги Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти) бош директори сифатида иш олиб борган кезлари янада ёрқин намоён бўлди. Америка, Африка ва Осиёнинг ўндан ортиқ давлатларида бўлиб, пахта селекцияси ва уруғчилиги бўйича тажрибалар алмашди. Унинг раҳбарлигида ғўзанинг янги навларини яратиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида “Фитотрон” селекция комплекси ишга туширилди. Ўзининг раҳбарлигида 2 томлик “Пахтачилик энциклопедияси” фундаментал китоби нашр этилди. Пахта селекцияси ва генетикасига доир кўплаб монография ҳамда мақолалари чоп этилди.

Қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, академик, Давлат мукофоти лауреати, С.Мираҳмедов оиласида икки ўғил, беш қиз эл корига ярайдиган инсон бўлиб етишди. Фарзандлардан бири техника, иккинчиси биология фанлари номзодлари бўлишди.

С.Мираҳмедов ҳозир ҳаёт бўлганида у 95 ёшни қаршилаган бўларди. Бугун унинг эзгу ишларини шогирдлари давом эттиришмоқда.

Холхўжа МИРЗАЕВ,
меҳнат фаҳрийси.

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

аграр-иктисодий,
илмий-оммабоп журнал

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Шухрат ҒАНИЕВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Азимжон НАЗАРОВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Равшан МАМУТОВ
Аброр ВАХОБОВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРҒАШЕВ

2021 йил,
№8. Август

Журнал 1906 йил
январдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

М У Н Д А Р И Ж А

Ўзбекистон — ягона ватан	1
Ш.ХАМРАЕВ. Сув — ҳаёт, тинчлик ва фаровонликни таъминловчи неъмат	2
Ш.АБДУЛЛИМОВ, Ф.ҲАСАНОВА. Август – ҳосилга ҳосил қўшиш ойи	4
М.ТОШБОЛТАЕВ. Ғўза дефолиациясида пуркагичлардан самарали фойдаланиш	5
Ф.ТЕШАЕВ, С.АЛЛАНАЗАРОВ, У.АБДУРАХМАНОВ, Л.ФОЗИЛОВ. Ғўза дефолиацияси – муҳим тадбир	6
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ, С.АЛИМУХАМЕДОВ. Эртанги тўқинлик бугунги экиндан	8
Ж.ШЕРАЛИЕВ, Ш.АРИПОВА, Ф.РАСУЛОВ. Бош салат (айсберг) — кони фойда	10
Полосонлик ёш тадбиркор	11
К.ҲАЙИТБОЕВ. Гуллар шайдоси	12
Х.КАРИМОВ. Кўпнинг дуосини олиш бахти	13
Қатрадаги кадр	14
Томчиларда унган ҳаёт	15
Ш.НОРМУРОДОВ. Тўқинлик ва фаровонлик омили	15
Талабалар амалиётни вилоятларда ўташи	16
Ишсизлар ишли бўлмоқда	17
Саховатли фермерлар	18
Р.ТОЖАЛИЕВА. Кадрини билган кадрдонлар	19
Шижоат барака келтирар	21
Р.ЮСУПОВА. Ҳаёт мезонида инсоф	23
Ф.ТЕШАЕВ, А.КОДИРОВ. Ингичка толали “Термиз-202” ғўза навининг барглари тўқилиши ва кўсаклари очилишига дефолиантларнинг таъсири	24
Т.СЕЙТНАЗАРОВА. Ғўзанинг географик узок дурагайлаш усули асосида яратилган Ғ. оилаларида кимматли-хўжалик белгиларининг шаклланиши	25
О.УТАМБЕТОВ, Б.БЕКБАНОВ, И.КАЙПОВ, М.АДИЛБЕКОВ. Изучение различных сортов сои в экстремальных условиях	26
Ж.ФАЙЗИЕВ, С.ҚУРБОНОВА. Узумнинг шароббоп навлари ҳосилдорлик кўрсаткичлари	27
Ў.МИРЗОХИДОВ, Д.НОРМУРАДОВ, Б.ХАЛМИРЗАЕВ, УБАЙЖОНОВ, Д.ХУДАЙБЕРДИЕВ. Производственно-биологическая характеристика новых поздноцветущих сортов абрикоса (<i>Armenica vulgaris Lam.</i>)	29
Б.БОЛТАЕВ, С.БОЛТАЕВ. Ем-хашак экинларини беда барг филчасидан (<i>Phytonomus variabilis HBST</i>) ҳимоя қилиш технологияси	30
Р.РЎЗИМУРАДОВ, Н.ЧЎЛБЕКОВА, С.МИРЗАЕВ. Турли муддатда туғилган кўзиларнинг биологик хусусиятлари	32
З.МУРОДОВА. Истеъмолчиларда кичик тракторларнинг техник-эксплуатацион хусусиятларига доир талабларни шакллантириш	33
Р.ЙЎЛДОШЕВ, О.АБДУЛЛАЕВ. Зичловчи ғалтакнинг думалашига қаршилиқ қилувчи кучни аниқлаш	34
Ш.ИШМУРАДОВ, Р.АБДУМАЖИДОВ. Тупроққа ишлов берувчи фаол иш органи машиналар ишчи органлари ресурсини оширишнинг самарали усули	35
А.АВЛИЯКУЛОВ, Б.РАХМАТУЛЛАЕВ. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги кластерлари фаолиятини ривожлантириш истиқболлари	37
Р.УТЕМУРАТОВ. Инвестиция лойиҳаларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали амалга оширилишида ахборот технологияларининг имкониятлари	38
Ш.РАХМАНОВ, Ш.МАЛИКОВ, Ж.ДОНОБОВЕВ, И.КАДИРНАЗОВ. Особенности производства хлореллы, как объектов математического моделирования и автоматического управления	40
Ф.АЛЛАМБЕРГЕНОВ. О некоторых аспектах создания электронной платформы по организации и развитию кластеров в Республике Узбекистан	41
С.ЖАНОНОВА. Терминология в сельском хозяйстве	43
Биринчи дипломи агроном	45
Х.МИРЗАЕВ. Дунёга машҳур селекционер	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда
0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.

Тел: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjournal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjournal_uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2021 йил 2 август.
Босишга рухсат этилди: 2021 йил 2 август. Қоғоз
бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига
чоп этилди. Шартли босма табағи 4,2. Нашр ҳисоб
табағи 5,0. Буюртма №8. Нусхаси 1000 дон.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа
бўлимида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа ту-
мани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесилиши.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСАНОВ
Дизайнер: У. МАМАЖОНОВ

ЁШ ОЛИМ ЮТУҚЛАРИ

Тошкент давлат аграр университети “Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси” кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Сардоржон Авазов ҳали 30 ёшга ҳам кирмаган. Лекин унинг изланишлари, ютуқлари бир олам ва ҳайратланарли. Келинг яхшиси батафсил тўхталайлик.



У 2013 йилда Тошкент давлат аграр университети бакалавриат йўналишини, 2015 йилда эса “Фитопатология” мутахассислиги бўйича магистратура дaвлат гранти асосида имтиёзли диплом билан тамомлаган.

2015 йил Тошкент давлат аграр университетининг Фитопатология ва агробиотехнология кафедраси ассистенти, 2017 йилдан Ўсимликларни химоя қилиш кафедраси доценти, 2019 йилдан Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси профессори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

У 2017 йилда “Пиёз ўсимликларида замбуруғ турлари қўзғатадиган асосий касалликлар ва уларга қарши кураш чоралари” мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертациясини, 2018 йилда эса “Пиёзнинг микобиотаси ва унинг кенг тарқалган, зарарли касалликларига қарши кураш чоралари” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилган.

Ёш олим иқтидорли талабаларга инглиз тилида маърузалар ўқийди ва лаборатория дарсларини олиб боради. Шунингдек, у дунё олимлари билан мунтазам ҳамкорликлар қилиб келмоқда.

Сардоржон 2017 йилда Россия федерацияси Табиий фанлар халқаро академияси профессори илмий унвони билан тақдирланган.

Хорижий тиллардан инглиз, рус ва немис тилларини мукамал билади ҳамда халқаро IELTS ва GOETHE сертификатлари соҳиби.

Ҳар ўқув йилида талабаларнинг битирув малакавий иши, магистрантларнинг диссертациялари, фалсафа ва фан доктори диссертацияларига устозлик қилади. Унинг илмий раҳбарлигида Ўсимликлар химояси ва карантини йўналиши бўйича 20 нафар бакалавр, 5 нафар магистр ва 2 нафар фалсафа доктори диссертацияларини муваффақиятли химоя қилган. Бугунги кунда 5 нафар бакалавр, 2 нафар магистр ва 3 нафар докторантларга илмий устозлик қилмоқда.

Шуни эътиборлики, Сардоржон Авазов спорт билан ҳам мунтазам равишда шуғулланиб келади. У Ўзбекистон Республикаси ТАЕКВОН-ДО (I.T.F.) бўйича қора белбоғ соҳибидир.

Ёш олим томонидан 130 дан ортиқ илмий ишлар нашр қилинган, шулардан, 6 та дарслик, 4 та ўқув қўлланмаси, 7 та —услубий кўрсатма, 1 та тавсиянома, 7 та монография 117 та илмий мақола ва тезислари нуфузли халқаро журналлар ва илмий анжуманларда chop этилган.

Президентимиз қарорига асосан яқинда С.Авазов “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди. Фурсатдан фойдаланиб, ёш олимга бундан баланд илм чўққиларини забт этишига тилак билдирамиз.

Улуғбек МАМАЖОНОВ.

ИЗЛАНУВЧАН РУСТАМЖОН

Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг замонавий таълим олиши ва келажакда етук кадрлар бўлиб етишиши учун кўплаб имкониятлар яратилиб берилмоқда. Шундай катта ўзгариш ва имкониятларни Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида ҳам кўришимиз мумкин.

Университет филиалининг мана шундай илмга чанқок, изланувчан ёшларидан бири Агробиология факультети Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси таълим йўналишини жорий йили аъло баҳоларга тугатаётган Рустамжон Мадраимовдир.

Филиал устозлари, айниқса, директори, профессор Елмурат Тўрениязов раҳбарлигида ёш талабаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва меҳри натижасида илмга қизиқувчи бир неча ўнлаб ёшлар сингари Рустамжон ҳам ўз қизиқишлари бўйича ҳар хил долзарб мавзуларда илмий изланишлар олиб борди. Республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва турли мавзудаги тадбирларда фаол иштирок этиб, диплом ва сертификатларга сазовор бўлди.



Жумладан, Рустамжон 2020 йил 31 январ куни Украинада ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда «Шаҳар ва қишлоқларни кўкламзорлаштиришда турли композицияларнинг аҳамияти» номли мақоласи билан иштирок этиб, «Сертификат» билан тақдирланган бўлса, 2020 йил Ўзбекистон Ёш фермерлар кенгаши Глобал экологик фондининг кичик грантлар дастури билан ҳамкорликда «Ёшлар иқлим ўзгаришига қарши» лойиҳаси доирасида ташкил этилган танловда «Forestbuilder» номли лойиҳаси билан қатнашиб, фахрли I-ўринни эгаллаб, лойиҳани амалга ошириш учун 2000 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофотини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, Рустам Мадраимов ўтган йили Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Шўрланган шароитда биодехончилик халқаро маркази (ICBA) тарафидан ташкил этилган «Орол денгизи минтақасининг шўрланган ерларида Инновацион стартап лойиҳалар танлови» да «Қуёш энергиясида ишловчи саксовул экиш агрегатини ишлаб чиқиш» номли лойиҳаси билан қатнашиб, совриндорлар сафидан жой эгаллади ва лойиҳани амалга ошириш учун 338 200 000 сўм миқдоридаги «Сертификат» билан тақдирланди.

Рустамжон Мадраимовнинг интилувчан ва ташаббускорлиги Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан муносиб баҳоланиб, «Мард ўғлон» давлат мукофотини олишга муваффақ бўлиши ТошДАУ Нукус филиалининг профессор-ўқитувчилари ва талаба ёшлари қалбига катта қувонч бағишлади.

Адилбай ОРАЗОВ.



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz